

Комилхон КАТТАЕВ

**КАЛОМ ИЛМИ ВА
МОТУРИДИЯ РАВИЯСИ
АЛЛОМАЛАРИ**



УЎК: 28-68

КБК: 86.38

К-28.

Калом илми ва Мотуридия равияси
буюк алломалари / Комилхон Каттаев.
– Тошкент: «Qaqpus Media» нашриёти,
2018. 148-б.

Масъул муҳаррир:
Акмал САЙДОВ

Такризчилар:

Шайх Абдулазиз МАНСУР (раис),
Зиёдулла МУҚИМОВ, Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Нодирбек АБДУЛАҲАТОВ, Қадриддин ХАЛИЛОВ,
Мамаражаб ХУЖАМОВ, Муҳаммаджон ҚЎЛДОШЕВ,
Муҳаммадхон БУЗРУКОВ, Меҳрожиддин АМОНОВ

*Китоб ЎзР Олий Мажлиси ННТ Фонди ажратган
Грант маблағи ҳисобига чоп этилди.*

ISBN 978-9943-5557-3-0

© Комилхон КАТТАЕВ
© «Qaqpus Media» нашриёти, 2018

Ушбу китобда муаллиф ислом дини ақидасини турли бидъат фирқалардан тозалаган ва илми каломга асос солган буюк аллома Имом Абу Мансурал-Мотуридийнинг буюк издошлари ва шогирдлари Имом Абул Қосим ал-Ҳаким, Имом Растуғфоний, Имом Абу Лайс ва Имом Абу Муъин Насафийлар ҳаёт-фаолиятлари ҳамда уларнинг маслакдошлари, барҳаёт буюк хизматлари тўғрисида қадимий манбалар асосида тадқиқотлари натижаларини баён қилади. Шунингдек, китобда илми калом ва машҳур Чокардиза қабристонини ҳамда унда кўмилган алломалар тарихи ҳам келтирилган. Китобда илм аҳли учун янги маълумотлар эълон қилингани билан бирга, баъзи тарихий чалкашликларни манбалар асосида тиклашга ҳаракат этилган. Китоб ислом дини, фикҳ ва калом илми тарихи билан шугулланувчи ўқитувчи ва ўқувчиларга мўлжалланган.

Автор книги на основе рукописных источников рассказывает о жизни и деятельности выдающегося исламского теолога, основателя каляма и суннитского направления в исламе Абу Мансура Мотуриди, его последователей Имама Абул Касым ал-Хакима, Имама ар-Растугфани, Имама Абу Лайси и Имама Абу Муина Насафи. В книге автор научно обосновывает и доказывает о некоторых неточностях относительно жизни и деятельности ученых. Вместе с тем, автор объявляет свои новые исследование, которые представляют интерес в научных кругах. Книга предназначена для исследователей, учителей истории и интересующихся этой темой.

САЪЮ ҲАРАКАТЛАР МУҚАДДИМАСИ

Беадад ҳамду санолар, шукроналар бўлсин меҳрибон Парвардигоргаким, ўзлигимиз ва қадриятимизни тиклатди; Беҳисоб дуруду саломлар бўлсин ул ягона Инсони Комил бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалавату васалламгаким, ўз ҳадиси муборақлари ила бутун дунёда ақлу заковат, маърифату маданият ва ҳикмату мақол одобини тарқатдилар; Кўплаб дуойи хайрлар бўлсин ул шарофатлик аҳли байт, асҳоби киром ва уларнинг пайровларигаким, суннати набавия ва шариату тариқатни бизга қадар оқизмай-томизмай етиб келишига сабабчи бўлдилар, **аммо баъд!**

Неча машаққатли даврларни ўз бошидан кечирган ватанимиз бутун дунё ҳамда ислом олами томонидан Фаластин ва Арабистон юртларидан сўнгги “муқаддас замин” деб эътироф этилганлиги айни ҳақиқатдур. Зероким, Ўзбекистон (қадимий Мовароуннаҳр) дунёда мисли кўрилмаган илм соҳибларини, назариётчи ва кашфиётчи олиму авлиёларни етиштиргани билан машҳуру манзурдир. Муқаддас юртимиз дунё цивилизациясига кўрсатган ижобий таъсири ва муқаддаслиги жиҳатидан ҳам “буюк олимлар, имомлар ва авлиёлар юрти”, деб арабу ажам халқлари томонидан бежиз эътироф этилмаган.

VII асрнинг биринчи ярмида рўй берган буюк воқеа - Куръоннинг нозил этилиши кейинчалик ўзга юртларга ҳам ижобий таъсирлар кўрсата бошлади.

Уша аср охирларида исломнинг фатҳия юришлари натижасида юртимизга ислом динининг кириб келиши, икки салоҳиятли халқнинг бирлашуви ҳамда билими, илми ва маданиятининг кўшилишуви натижасида, гўё инсоният тарихида кузатилмаган чақнаш рўй берди ва Марказий Осиё худудида дунёда мисли кўрилмаган илму урфон ўчоғи вужудга келади ҳамда такомиллаша боради.

Фатҳ этувчилар ислом дини билан бирга янги билимларни ҳам келтирган эдилар. Натижада VII-VIII асрлардан бошлаб юртимиз хилма-хил билимларнинг, жумладан Куръон тафсири, ҳадисшунослик, фикҳ, калом-эътиқод, ахлоқ, фалакиёт, ҳандаса ва тасаввуф каби асосий илмларнинг марказига айлана борди. Буюк аждодларимиз таъбирлари билан айтганда, Макка ва Мадинада (яъни, Арабистонда) зарб этилган ислом олтин тангасига Мовароуннаҳрда сайқал-жило берилди. Шундай қилиб, муқаддас заминимиз ислом дини замирида оламшумул жумла алломаларни жаҳонга тўхфа қилдиким, бу буюк инсонлар турли илмларнинг пешвоси, асосчиси сифатида доврўғ таратдилар. Улар жумласига Имом ал-Бухорий, Имом ад-Дорамий, Имом ат-Термизийлар – ҳадисшунослик соҳасида; Имом ал-Мотуридий ва Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий, Имом ар-Растуғфоний, Имом Абул Муъин Насафийлар – илми калом ва илми ҳикмат соҳасида; Имом Абу Лайсий, Имом Али Сўғдий, Имом Нажмиддин Умар Насафий, Имом Бурҳониддин Марғиноний, садруш-шариъа Убайдулло ибн Масъудлар – фикҳшунослик соҳасида; Имом Замахшарий, Абу Наср Жавҳарийлар, Саъдуддин Тафтазоний, Сайид Шариф Жузжонийлар

– тафсир ва грамматика соҳаларида; ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи кабилар – фалакиёт ва Ҳандаса соҳаларида; ал-Форобий, ал-Берунийлар – қомусшунослик соҳасида; Яссавий, Ғиждувоний, Кубравий, Нақшбандий, Хожа Аҳрори Вали, Маҳдуми Аъзам Даҳбедийлар – тасаввуф тариқатлари соҳасида; Ибн Сино, Юсуфийлар – тиббиёт соҳасида; Навоий ва Бобур мирзолар – аруз ва тарих соҳасида жавлон уриб катта ютуқларни қўлга киритдилар ҳамда юртимиз шухратини дунёга ёйдилар. Ғаройиблиги шундаким, ўша даврлардаги юртимиз илм-фан арбоблари салоҳиятининг асосий тарози тошини айнан самарқандлик ва Самарқандга келиб қўним топган алломалар босишган эдилар. Юқорида номлари зикр этилган алломалар ўз соҳаларининг биринчи даражали соҳиблари, асосчилари ва назарийчилари сифатида тан олиниб, уларнинг асарлари ҳозирга қадар асосий манба сифатида дастурул-амал бўлиб келмоқда.

Бу илмлар ичида, айниқса ҳадис, калом ва фикҳ илмлари кенг қулоч ёйган эди. Зеро, ҳадисшунослик Имоми, буюк муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, каломшунослик Имоми, ислом ақидасини тиклаган буюк аллома, аҳли суннат ва жамоат раиси Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ва фикҳшунослик буюк Имоми Бурҳониддин Марғинонийлар юртдошларимиз бўлиб, ул зоти бобаракотлар яшаб ўтган даврни бутун ислом илм аҳли бир овоздан “илмларнинг олтин даври” деб эътироф этишган эдилар. Ул даврда уламолар силсиласи узилмасдан бири кетиб, бири келарди. Бу борадаги кароматнинг зоҳир бўлганини

қарангким, Ўрта Осиёдаги илк қомусий аллома марвлик Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Ҳанзалий ал-Марвазий вафот этган кунда (798 й.) Мовароуннахрдаги энг аввалги буюк муҳаддис аллома Имом ад-Дорамий ас-Самарқандий туғилганлар; Буюк Имом ал-Бухорий вафот этган йилда (870 й.) эса бошқа буюк аллома Имом ал-Мотуридий ас-Самарқандий туғилгандурлар. Назаримизда, Аллоҳнинг Ўзи “илмлар олтин даври”нинг тилла занжирли силсиласини Ўрта Осиё, жумладан Мовароуннахрнинг муқаддас заминида ташлаган бўлиб, уни озгина даврда ҳам узишни хоҳламаган эди; бир буюк аллома вафот этса, ўша кунгек бошқа бир машҳур инсон туғилар эди.

Халқимиз асрлар давомида ўз буюк фарзандларидан фахрланар, улар асос солган илмларни ривожлантирар эди. Лекин, кейинги Ўрта асрларда ва асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган Россия империясининг истилоси, айниқса ундан сўнгги шўролар истибдоди даврларида бу ривожланиш нафақат тўхтатилди, балким ўша вақтда яшаётган олиму зиёлиларимиз қадриятига ҳужум бошланди; шу билан бирга қадимда ўтган буюк Имомларимиз, пиру муршидларимиз номлари, хотиралари ва асарларини халқ онгидан йўқотишга ҳаракат қилдилар. Энг ёмони шу бўлдики, уларнинг исломий эътиқодимизни йўқ қилиш режалари деярли юз фоиз амалга оширилди ҳамда эътиқодимиздан, ақидамиздан маҳрум қилиш орқалигина халқимизни ўз истибдодлари қўл остида яшашга мажбур бўлишларини ва абадий мазлумликка маҳкум бўлишимизни билишардилар.

Ўша даҳшатли шўролар даврида ҳам жуда камдан-

кам зиёли олим ва уламоларнинг оилаларидагина буюк бузургворларимиз хотираси, ислом ақидаси сақланиб қолган бўлиб, уларни нафақат халққа тарқатиш, ҳатто сўзлаб бериш ҳам ўлим билан баробар эканлигини билар эдилар. Шу тариқа халқимиз онгидан буюк фарзандлари номлари аста-секин кўтарила борди.

Ушбу сатрлар муаллифига юқоридаги буюк алломаларнинг номлари ва тарихлари янгилик бўлмай, балки болалик вақтларимдан, деярли ҳар куни илк устозларим бўлмиш раҳматлик бобом Эшони Каттахонхожа Даҳбедий ва катта онам Муаттархон Қози Зикриёхожа қизининг уйимиз яқингинасида жойлашган қадимий Чокардиза қабристонида дафн этилган бузург Имомларимиз ҳақидаги нақлу ҳикояларидан кўп эшитар эдим. Ушбу қабристонда, охириги уч аср мобайнида Самарқандда Қози Калонлик мансабида ишлаб келган она томондан боболаримнинг анчаси кўмилганлиги боис ҳам ёшлигимиздан ушбу қабристонга ҳурмат муносабатида эдик. Муборак қабристонда ётишган энг машхур ватандошларимизнинг шарафли исмлари деярли ҳар куни ота-боболаримнинг кунлик беш вақт намозларидаги дуойи фотиҳаларида тилга олинар ҳамда уларнинг табаррук номлари ёшлигимдан қулоғимга исирға бўлиб қолган эди. Ҳар - ҳар замонда, устидан уйлар қурилиб яҳудийлар маҳалласига айланган буюк қабристон мавзеига бориб, яхши сўз ёки бирор нарса эвазига ҳовлиларга киришга рухсатолиб, йўқолиб кетган буюк Имомларнинг қабрлари ўрнини кўзларига ёш олган ота-боболарим ва улар билан бирга келган меҳмонлар ҳамроҳлигида зиёрат қилар эдик. Ўша вақтларда жуда озчиликка, яъни шўро тузумидан жабрлар кўриб,

ўнлаб йиллар қамоқхоналарда азоб тортиб келган ва тузум билан ишлашни хоҳламаган олиму фузалолар ва зиёлилар оилаларигина Чокардиза мавзеининг ислом оламида нақадар буюк зиёратгоҳ эканлигини билишар валекин, уни вайрон қилишаётганликларини кўриб ҳеч нарса қила олмасликларидан жуда қийналар эдилар. Шунинг учун ҳам, ҳозир сўз юритмоқчи бўлган мавзуимиз бўлган Имом ал-Мотуридий, Имом Абул Қосим ал-Ҳаким, Имом Растуғфоний, Имом Абу Лайсий, Имом Абу Муъин Насафий ва ул зотлар дафн этилган Чокардиза қабристонини ҳамда бошқа муқаддас қадамжолар тарихи ҳозирги ёшларимиз учун нотаниш бўлиши турган гапдир.

Камина муаллиф, СамДУни тугатганим ҳамано бошланган очиқчилик сиёсати (1985 йил)дан бошлаб шахсий кутубхонамиздаги мавжуд ва буюк Имомлар ҳаёт-фаолиятлари, ақидалари ҳамда зиёратгоҳлари тарихлари зикр этилган баъзи қадимий китоблардан бир нечасини, шоядки чоп этишар, деган ҳавас ва умидда араб-форсийдан ўзбекчага ўгириб чопга тайёрлай бошладим. Аммо, очиқчилик номигагина эди. Юртимиз мустақилликка эришгачгина, Самарқандда ташкил топган “Зарафшон” ва “Сўғдиён” нашриётларида чопга тайёрлаган китоблардан Имом Мотуридий ақидаларининг мухтасар жамламаси бўлмиш *“Ақидаи исломияи Мотуридия”* (бу китоб 1992 йил 20000 нусхада чоп этилди); Имом ан-Насафийнинг Абулҳакими Самарқандий томонидан жамланган *“Қандия”* (бу китоб 1994 йилда 5000 нусхада чоп этилди); тожик тилида таҳия этиб тайёрланган *“Самария ва Қандия”* мажмуаси (бу

китоб 1991 йилда Самарқанд босмахонасига чоп этиш учун топширилган эди ва чоп учун тайёр босмахона гранкалари ҳозирга қадар қўлимизда мавжуд) ҳамда кейинги йиллардаги илмий тадқиқотимиздан 1998 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик Халқаро тантаналари вақтида Имом Мотуридийга аталган *“Самарқанднинг буюк алломалари”* (Имом Мотуридий ва Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ва Имом Дорамийлар тарихига бағишланган ушбу юртимиздаги илк китоб 1998-2000 йилларда шаҳар ҳокимияти томонидан икки марта қайта нашр этилди), *“Имом Мотуридий ва Чокардиза”* (2000 йилда чоп этилган), *“Имом Дорамий ва Сунавлари”* (2000 йил чоп этилган), *“Имом Маргиноний ва фикҳиунослик”* (2000 йил чоп этилган) каби китобларимни чоп эттирдик. Юқоридаги *“Самарқанднинг буюк алломалари”* (1998й) китобининг *“Имом Мотуридий”*, *“Имом Дорамий”*, *“Имом Абул Қосим ал-Ҳаким”*, *“Имом Маргиноний”*, *“Имом Растузфоний”*, *“Чокардиза қабристонини”* деб аталган боблари илм аҳли орасида катта қизиқиш уйғотиб, 1998-1999 йилларда Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимиятларига (ҳамда ЎзР Фанлар Академияси СБга) юртимиз ҳамда хорижлик йирик ва машҳур олимлардан расмий хатлар кела бошлади; жумладан, Тошкентдан - академик Бўрибой Ахмедов, профессор Нажмиддин Комилов, Муҳаммад Али, Убайдулла Уватов, Тожикистондан профессор Расул Ходизода; Самарқанддан академик Тошпўлат Ширинкулов, профессор Юсуф Абдуллаев каби йирик олиму фозиллар юқори ташкилотларга расмий хатлар йўллашиб, китобда зикр этилган алломаларнинг қадриятларини

тиклаш, қабржойларини обод этиш ва анжуманларини Халқаро тарзда ўтказишни таклиф этдилар.

Натижада, вилоят ҳокимининг Имом ад-Дорамий таваллудларининг 1240 йилликларини нишонлаш тўғрисидаги Қарори эълон қилинди; Тайлоқдаги Имом ад-Дорамий мақбарасини таъмирлаш бошланди (шу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизким, анча илгарирок мутасадди ташкилотларга ушбу сатрлар муаллифи мурожаати натижасида 1995 йил 25 октябрда “Абу Мансур ал-Мотуридийнинг табаррук номларини тиклаш ва қабржойларини обод этиш” ҳақидаги олимлар ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида юртимизда илк Комиссия тузилган эди).

Илми калом ва эътиқод асосчиси Имом ал-Мотуридийнинг 1130 йиллик таваллудларини нишонлаш учун 1998 ҳамда 1999 йил баҳорида дўстимиз – Самарқанд шаҳар маънавият ва маърифат маркази раҳбари, фан номзоди, қадриятшунос Қадриддин Халилов билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси раиси, профессор Нажмиддин Комилов ва бошқа амалдорларга расмий хат билан мурожаат этдик:

“Имом ал-Мотуридийнинг ҳозирги даврдаги Ўзбекистон халқлари ҳаётидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб, улзот таваллудларининг 1130 йиллиги муносабати билан Халқаро анжуманларини ўтказиш ва қабржойларини обод эттириш” учун энг юқори ташкилотларга расмий мурожаатимизни етказишларини сўрадик (шундай мурожаатларни ВМ, Олий Мажлис, Ўз ФА Президиуми, Олий Таълим вазирлиги, Муфтий, ГКНТ каби ташкилотларга Имом

Мотуридий тўғрисидаги илк китобларимизни маълумот сифатида қўшиб юбордик)...

Беадад шукурлар бўлсинким, натижада 1999 йил декабрь ойида бир-неча ташкилотларнинг муурожаатномалари инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Илм аҳлини беҳад қувонтирган бу буюк тадбирнинг бошланиши натижасида Имом ал-Мотуридий сабаб, бир-неча алломаларимизнинг муборак номлари тикланади, илмий мерослари ўрганилади, тарихлари ёритилади ва охирагхоҳлари обод этилди. Инша Аллох, бу буюк тадбир халқимиз ҳаётида катта ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳидоятга бошловчи имомларга бағишланган ушбу рисоламиз жуда оз фурсатда ёзилганлиги туфайли камчилик ва нуқсонларини зукко ўқувчи ўзининг ўтқир ақл қалами билан тузатар, деб умид қилиб қоламиз.

Муаллиф



I-БОБ

ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ
ФАОЛИЯТИ ВА САЛАФЛАРИ

Юртимиз шуҳратини дунёга таратган тенгсиз ва забардаст алломаларимиздан бири ҳамшаҳримиз, хидоятга бошловчилар Имоми, эътиқод-калом илмининг асосчиси ва пешвоси Ҳазрати Шайх Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандийдур.

Кейинги вақтларда Ҳазрати Имом ал-Мотуридий фаолиятларига қизиқиш кўпаймоқда. Таассуфлар бўлсинким, буюк Имомнинг ҳаёт-фаолиятларига доир жуда кам манбаларга эгамиз.

Ушбу ёзишмамизда асосан, ушбу сатрлар муаллифи таҳиясида чоп этилган *“Ақидаи исломия”* (1992й.) ва *“Қандия”* (1994й.), ўзимизда мавжуд манбалардан *“Китабу талхис ал-баён фи зикри фирақи аҳлул адён”* (Турли динлардаги фирқаларнинг фарқлари ҳақида қисқача баён), *“Фаслул хитоб ба васлул аҳбоб”* (Дўстлар дийдоридан сўз хитоб этмак), *“Самария”*нинг бир-неча кўлёзма ва тошбосма нусхалари, Шайх Абдулҳақ Бухорийнинг Мулло Ориф Гулханий таҳиясида чоп этилган *“Такмимул иймон ва тақвиятул айқон”* (Имонни камолга етказиш ва ишончни қувватлаш), бир қанча қомусий китоб ва луғатлар, *“Том илми ҳол”* ҳамда Туркиянинг Станбул шаҳрида профессор Фатхулло Хулайф таҳиясида чоп этилган Имом ал-Мотуридийнинг *“Тавҳид”* каби китобларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Шундай қилиб, сўзимиз бошида ўзимизга савол қўяйлик! Юртимиз илму фани ютуқлари довруғини дунёга таратган ва энг буюк ватандошларимиздан бири ҳисобланган Ҳазрати Имом ал-Мотуридий ким эдилар?

Ислом оламида “Имамул ҳуда” (Ҳақ йўлида ҳидоятга бошловчи Имом), “Имомул мутакаллимин” (калом олимларининг Имоми), “Раисул аҳлул сунна” (аҳли сунна ва жамоати раиси) ва “ал-мутакаллим ас-Самарқандий” (Самарқандлик калом илми Имоми) каби шарафли номлар ила сарафроз этилиб, машхуру манзур бўлган Имом Абу Мансур ал-Мотуридий илмда, исломда, шарияту эҳёда ва суннати сонияда ниҳоятда беқиёс хизматлари учун ҳам катта шуҳрат қозонганлар.

Ўтган тарихнавислар ул зотнинг наслу-насабларини ансорийлардан бири, яъни Ҳазрати Пайғамбар(с.а.в.) нинг Мадина шахрига ҳижратлари вақтида, ул зоти шарифни илк меҳмон қилган Абу Аюб Халид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Ансорий авлодидан эканликларини ёзишса-да, ота-оналари ва оилалари ҳақида ҳеч бир маълумот беришмаган. Баъзи (асосан, кейинги давр) манбаларда, отасининг номини Муҳаммад эмас, Маҳмуд деб келтиришган. Лекин кўпчилик аниқ манбаларда отасини ҳам Муҳаммад деб, бобосининг исмини эса Маҳмуд деб ёзишгандурлар. Бу борада Имом Баёзий ёзган экан: “Ул зотнинг тўлиқ номи ал-Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ал-Ансорийдир”.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизким, “*Сияри набий*” китобида келтирилишича, қачонки, Он Ҳазрат пайғамбаримиз (с.а.в.) Маккадан Мадинага ҳижрат (кўчиш) қилганларида, мадиналикларнинг ҳар бири

пайғамбар(с.а.в.) ўтирган туянинг жиловини тутиб, ўз уйларига таклиф этар эдилар. Жаноби пайғамбар (с.а.в.) ҳеч кимнинг кўнгли ўксимаслиги учун туяни ўз ҳолига қўйиб бердилар ва туя Абу Аюб кунияли Холид Ансорийнинг ҳовлисига чўкади. Унинг еридан масжид қуриш ва пайғамбар (с.а.в.) учун ер ажратилиб, уни бадалини эса Ансорий тўлайди. Баъзи тарихчилар аҳли ушбу Ансорийни Ҳазрати Имом ал-Мотуридийнинг бобокалони деб ҳисоблайдилар. Имомнинг насабларини кимга олиб бориб етказишмасин, биз учун ул муборак зот асли Самарқанд фарзанди ҳисобланадилар.

Шундай қилиб, буюк алломанинг номлари - Муҳаммад, куниялари - Абу Мансур ва тахаллуслари - Мотуридий, яъни Мотурид мавзеида туғилганликлари учундир (баъзи бир олимлар “**Мотурид**” мавзеи номини Амир Темур Испаниянинг пойтахти **Мадрид** шарафига қўйган, деб оғиз кўпиртириб гапиришлари ғирт ахмоқлик бўлиб, Мотурид мавзеи Мадриддан камида минг йил қадимийроқдир).

Имомнинг туғилиш саналари ва устозлари борасида баъзи чалкашликлар ҳам мавжуддир. Чунончи, турк олими Фатхулло Хулайфнинг келтиришича, илми каломнинг охириги тарихчиларидан бўлган Аюб Алининг фикри бўйича, Имом Мотуридий 238 (милодий 852) йил туғилган, дейилган. Бу ҳолда Имом 92 ёшга кирган бўладилар. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, негаки Мотуридийдек улуғ алломанинг жуда узоқ умр кўрганликларини барча тарихнавислар бирдек эътироф этган бўлардилар. Бунақа саналар ровийлар назаридан четда қолмасди, албатта.

Мотуридийнинг устозларидан бири, деб

манбаларда келтирилган Мухаммад ибн Мукотил ар-Розийнинг 248 (862) йилда вафот этганини ҳисобга олган баъзи тарихчилар, унинг шогирди ҳисобланмиш Мотуридийни 100 йил умр кўрган, деб ҳам ёзишган. Бизнингча, Мотуридий бу кишини ўзига “увайсий” (руҳониятли устоз, пир) деб қабул қилган кўринади (увайсий- яъни, ўзидан анча олдин вафот этганларни пиру устоз, деб эътироф этиш).

Аксарият тарихчилар аҳли Мотуридийнинг 333 (мил. 944) йилда вафот этганликлари ҳақида ягона фикрга эгадурлар. Шунга карамай, баъзи Оврупо тарихнавислари Имомни 941 йилда вафот этган дейишса, машҳур турк олими Тош Кўпризода эса Мотуридийни 336 (947) йилда вафот этган, деб фикр билдирган. Шу билан бирга, баъзан 935 йилда ёки 945 йилда вафот этган, дейувчилар ҳам учрайди. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизким, ҳозирги давримизга келиб буюк Имомнинг вафот этган саналари 333 (944) эканлигини барча илм аҳли эътироф этгандир.

Кейинги давр манбаларида, жумладан “Исло” қомусида, Овруполик машҳур исломшунослардан Г.Э. фон Грюнебаум асарида Мотуридий 870 йилда туғилган ва 944 йилда вафот этган, деган фикрларини ҳақиқатга яқин деб топдик. Чунки “Исло” қомуси ҳамда Оврупо олимлари ўзларида мавжуд ва биздан ташиб кетилган жуда ноёб кўлёзма китоблардан фойдаланганликлари маълумдир. Шунинг учун ҳам Имомнинг туғилишларига 870 - йилни эталон сифатида белгиладик ва шундан келиб чиқиб, Тошкентдаги юқори мутасадди ташкилотларга “Имом ал-Мотуридий таваллудларининг 1130 йилликларини нишонлаш ва Регистонга туташ

Sam DIT
axborot-resurs markazi
91 99 8p

Чокардиза қабристондаги мақбарани реконструкция қилиш” деб айнан ёзган мурожаат хатимизда ушбу юқоридаги сана кўйилган эди.

Бу муборак сана бир каромат бўлиб, тақдирни қаранг-ки, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий вафот этган ушбу 870 йилда, иккинчи бир буюк аллома Имом ал-Мотуридий туғилган эканлар. Лекин ул зотнинг устозу шогирдлари вафот санасини ҳисобга олганда ҳамда 870 йил санаси баъзи манбаларда аниқроқ тарзда келтирилганлигини назарда тутганда, ушбу сана тўғрилиги эҳтимоли ҳақиқатга яқин кўринди ва уни эталон сана сифатида қабул қилдик.

Имом Мотуридий ҳаётларига оид барча маълум манбаларнинг далолат беришича, ул зот Имом Аъзам - Абу Ҳанифа мазҳаби занжиридаги энг юқори турган алломалардан таҳсил ва ижозат олган. Унинг фикшунослик ва илми каломда муқим шаклланишида Самарқандда яшаётган ўша замоннинг забардаст фақиҳларидан Муҳаммад ибн Фазл Балхийнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. (“Қандия” ва “Самария” каби манбаларда, “Ҳожа Муҳаммад Фузайл Балхий” ёки “Ҳожа Абул Фазл Балхий” номи билан аталган шахс ўша зот бўлса керак). Бу олимнинг асл куниyasi Абу Абдулло бўлиб, Балх шаҳрида таваллуд топган. Баъзи сабабларга (яъни, фикхий мунозараларга) кўра, Балхдан кетишга мажбур бўлган Муҳаммад ибн Фазл Балхий Самарқандга келиб фаолият кўрсата бошлайди. У асосан, шаҳардаги Работи Ғозиён масжид-мадрасасида дарс ўтар ҳамда Қози Калонлик мансабида ишлар эди. Бироз вақтдан сўнг, ҳаж сафарига жўнайди ва сўнгра ўз юрти Балх шаҳрида бир неча муддат яшагач, яна азим

Самарқандга қайтиб ижодини давом эттиради. Унинг энг машхур шогирдлари сирасига ислом оламидаги Калом илмининг асосчиси бўлмиш Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва илми ҳикматнинг забардаст алломаси Имом Абул Қосим ас-Самарқандийлар киради.

Замон алломаси Муҳаммад ибн Фазл Балхий 319 (931) йилда Самарқандда вафот этади ва Пойқобок дарвозаси яқинида, Ҳазрати Шоҳизинда - Қусам ибн Аббоснинг яқин ёронларидан бўлмиш Муҳаммад Санграсоннинг қабри яқинида, ҳозирги Даҳбед шоҳкўчасидаги тор кўчада дафн этилган. Тарихий манбалар бўйича. ул зотнинг тариқий устозлари силсиласи қуйидагича: Балхийнинг силсиласи Аҳмад Хизрўйга (ваф. 854) бориб этади; у эса Ҳотим Асамнинг (ваф. 852) шогирди; у эса ўз навбатида Шақиқи Балхийнинг; у эса Иброҳим Адҳамнинг шогирди эди.

Шундай қилиб кўриниб турибдики, тариқий жиҳатдан Шайх Абу Мансур ал-Мотуридийнинг силсиласи машхур мутасаввуф Иброҳим Адҳамга бориб етар экан.

Хўш. тариқий жиҳат маълум бўлди, энди шаръий-фикҳий жиҳатидан олганда буюк Имомнинг устозлари силсиласи қай тартибда эканини кўрсак!

Ал-Кавофий ўзининг “*Китаби аълом ул аҳёр*” асарида Имом ал-Мотуридийнинг Абу Наср ал-Иёзийдан ижозат олганлигини ва Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжонийдан фикҳ илмини ўқиганлигини, у зот эса Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан, у эса Имом Муҳаммад ан-Шайбонийдан, у эса буюк алломалар устози ва мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифа -Имоми Аъзам (рахматуллоҳи алайҳ)дан фикҳ таҳсили олганлигини ёзали. Шуниси ибратомузким. Абу Наср ал-Иёзий

Имом ал-Мотуридийнинг устози бўлишига қарамасдан, у билан биргаликда Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжонийнинг мажлисига қатнаб ҳамсабақлик қилгани каби, кейинроқ Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий ҳам Имом ал-Мотуридийни устоз билгани ҳолда у билан бирга Работи Ғозиён масжид-мадрасасига Балхийнинг мажлисига қатнаб ҳамсабақлик қилар ҳамда халққа тадрисида биргаликда ижозат олишган ҳам эдилар.

Ҳозирги даврнинг кўпчилик олимлари Имом ал-Мотуридийнинг она юрти Самарқанддан бир қадам ҳам ўзга юртларга, хорижга чиқмаган ва ўз асарларини фақат Самарқандда турибгина ёзган, деб даъво қилишмоқда. Бу фикрга биз қатъий қаршимиз. Йўқ, бул зот ҳам бошқа улуғ алломалар каби ислом юртларига сафар қилганлар; Ҳаж ва буюк устозлар зиёратида бўлганлар. Чунки, бир буюк илми бошлашдан олдин Маккага-ҳажга, Мадинага-Расулуллоҳ (с.а.в.) равзаларининг зиёратига, Шому Ирокдаги Имом Аъзам ҳамда бошқа буюк устозларнинг зиёратларига бориб Аллоҳдан мадад ва улуғ устозлардан руҳониятли ижозат сўраганликлари аниқдир. Зероким, ўзининг ҳуқуқшунослик, каломшунослик, тафсир ва ҳадисшуносликларга доир ёзилган улуғ асарларида, масалан ҳажга доир масалаларни, ўзи ҳажни адо этмасдан туриб шаръий ҳукм чиқаришини тасаввур қилиш қийинку?! Демак, Имом ал-Мотуридий албатта ҳажга борганлар, шу билан бирга бошқа юртларга ҳам сафар қилганлар. Ва шунинг учун ҳам юқоридаги арконлар ҳақида мукамал ҳукмлар чиқаришга ҳақлари бўлган. Шунинг учун Имом тўғрисида «Самарқанддан бир қадам ҳам чиқмаган», деган вазлар мантиқсиздир.

ИМОМ АЛ-МОТУРИДИЙНИНГ ШОГИРД ВА ИЗДОШЛАРИ

Буюк Имом Абу Мансур ал-Мотуридий машхур шогирдларни етиштирганликлари билан ҳам машхурдирким, уларнинг барчаси Имомлик даражасига мушарраф бўлишгандир:

1. 342 (953) йилда вафот этган, исми ва илми ила довруғ таратган Илми хикмат асосчиси Имом Абул Қосим Исҳоқ бин Муҳаммад ал-Ҳаким ас-Самарқандий *(бу зот ҳақида алоҳида бобга қаранг)*;

2. 350 (961) йилда вафот этган, илми фикҳ ва каломнинг буюк алломаларидан бири бўлган Имом Абул Ҳасан Али ибн Саъид ар-Растуғфоний (баъзи манбалар негадир ул зотни ал-Мотуридийнинг устози, деб келтирган *(бу зот ҳақида алоҳида бобга қаранг)*);

3. 390 (999) йилда вафот этган Имом Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ар-Паздавий;

4. 374 (985) йилда вафот этган ва Имом ал-Мотуридийдан кейин “Имамул - илмул худа” (яъни, “ҳидоятга бошловчи олимлар Имоми”) шарафли унвонини олган бошқа аллома Имом Абу Лайс Наср бин Муҳаммад Самарқандий *(бу зот ҳақида алоҳида бобга қаранг)*;

5. Абу Исмаил ибн Абу Лайс ал-Бухорий (ас-Самъонийнинг “Китабул-ансоб” асаридан).


6. “Мотуридия” равиясининг энг буюк издошларидан бири, 418/1027 йилда вафот этган Имом Абу Муъин Насафий *(бу зот ҳақида алоҳида бобга қаранг)*.

Ҳазрати Имом ал-Мотуридийнинг ушбу

шогирдларидан ташқари яна ўнлаб салоҳиятли издошлари ҳам бўлишган.

Калом илми тарихига бир назар ташласак, Ироқдаги Имом ал-Ашъарийнинг калом илми мактабининг машҳур бўлишига Имом ал-Ғаззолий, Имом ал-Боқилоний, Имом аш-Шаҳристонийлар қандай ижобий рол ўйнаган бўлсалар, Самарқанддаги Имом ал-Мотуридийнинг калом илми мактабларини машҳуру манзур бўлишига Имом Абул Қосим ас-Самарқандий (ваф. 953), Имом Абу Муъин ан-Насафий (1027-1114) (*бу зот ҳақида алоҳида бобга қаранг*), Абу Ҳафс ан-Насафий (ваф. 1142), аллома Саъдуддин ат-Тафтазоний (1322-1389)лар ҳам шундай ижобий рол ўйнагандурлар.

Китобат соҳасида Имом ал-Мотуридий ақидаларини баёни ва шарҳи сифатида Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг *“Ал-Эътиқод”*, Абу Муъин ан-Насафийнинг *“Табсират ад-дилла”* ва *“Баҳрул калом”*, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг *“Ақоид ан-Насафий”*, аллома Саъдуддин ат-Тафтазонийнинг *“Шарҳул ақоид ан-Насафий”* асарлари олтин силсила тариқасида бирин-кетин ёзилиб, Мотуридия равияларини кенг тарқалишига, ривожланишига ўзларининг буюк ҳиссаларини қўшадилар.



ИЛМИ КАЛОМ ВА МОТУРИДИЯ РАВИАСИ ТАЪЛИМОТИ

Азалдан инсонлар табиат ва атроф муҳит яратилишининг туб моҳияти — субстанциясини англашга уринганлар. ўзларининг ожиз ақлларига келган фикратларини сўз-калом ила ифода этишга ўрганганлар. Шу билан бирга, борликни англашга интилган инсонлар оламини юргизувчи қандайдир илоҳий куч борлигига ҳам ақллари етган.

...Илк ислом даврларида диний ва ҳуқуқий қонун-қоидалар ҳамда баҳсталаб масалаларни Мухаммад пайғамбар(с.а.в.)нинг ўзлари ҳал этар эдилар. Ул зоти шарифнинг вафотларидан кейин айрим масалалар қатори диний илоҳиёт соҳасида ҳам баъзи ихтилофлар вужудга кела бошлади. Шу билан бирга, кўпдан-кўп фирқалар, ровиялар ва мазҳаблар пайдо бўла бошлади. Улар орасидаги бўлаётган баҳсу мунозаралар суннат аҳли иймонини сустлаштиришга олиб кела бошлади. Ана шундай бир вазиятда, бир-бирига зид бўлган ҳар-хил бидъат мазҳаблардан “аҳли суннат вал жамоат”ни ақидаю эътиқодларини омон сақлаш мақсадида ҳам *Калом илми* вужудга келади. Калом фикҳшуносликдан ажралиб чиққан алоҳида соҳа бўлиб, тафсирушунослик ва ҳадисшунослик каби асосий исломий илмлардан бири эди.

Энг аввало икки оғиз сўзни Имом Мотуридий асос солган калом ва ақонд илми тарихидан гапирсак!

Калом — сўз, нутқ дегани бўлиб, ўз асосида ислом фалсафасини акс эттирган Яқин ва Ўрта Шарқ

халқларининг ўрта асрларда вужудга келган диний фалсафа жараёнидир. Бу илмий оқимнинг олимларини “мутакаллим” деб атайдилар.

Сунний оқимнинг энг аввалги мутакаллимлари Умар ибн Абдулазиз (717-720 йиллар ҳукм сурган уммавийлар сулоласининг одил халифаси), Зайд ибн Зайнулобидин, Ҳасани Басрий ва бошқалар ҳисобланганлар. Умуман, ислом тарихида, кейинчалик сунний мазҳабларга айланган сунний оқимнинг асосчилари сифатида Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул Ҳасан ал-Ашъарий, Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Абу Абдулло ибн Мужоҳид, Абу Бакр ал-Бокилоний, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад Асфароний, аллома Жувайний кабилар эътироф этилгандурлар. Улар жумласидан Имом ал-Мотуридий сунний каломнинг асосчиси, унинг барқарор бўлишига ва диний ақида — эътиқоднинг тозаланишига улкан хизмат кўрсатган энг аввалги киши ҳамда аҳли суннат ва жамоатнинг раиси сифатида; Имом ал-Ашъарий эса исломий суннатнинг муассиси, аҳли суннат ва жамоатнинг ҳамраиси деб тан олингандурлар.

Кейинчалик, ул зотларнинг издошлари бўлмиш Имом ал-Ғаззолий, Имом ан-Насафий, Имом Фахруддин ар-Розий, Имом аш-Шаҳристоний, аллома Тафтазоний, аллома Жувайний каби зотлар муассис устозлар таълимотига ривожу раванак бергандурлар.

Фанда илми каломнинг фаолиятини уч даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ топилган:

Биринчи даври “*Муътазиллия*” номи билан боғлиқ. Шук исломда илоҳиёт оқимларидан бири бўлган

мўътазилийларни Аббосий халифалар, жумладан Маъмун, Мўътасим ва Восик даврларида (827-851й.) халифаликнинг расмий эътиқодий таълимоти сифатида тан олингандур. Аббосий халифа ал-Мутаваккил (847-861) даврида эса мўътазилийлар оқими таъқиқланиб, пайғамбар(с.а.в.)нинг саодатли даврларида шаклланган ва тўғри йўл оқими ҳисобланган аҳли суннат вал жамоат оқими давлат микёсидаги эътиқодий таълимот сифатида барқарорлаштиришга ҳаракат этилади. Лекин шунда ҳам мўътазилийлар оқими ўз фаолиятларини давом эттирар ва сунний оқимга жуда катта хавф солар эдилар. Уларнинг фалсафий қарашлари бўлган раёналистик тузилиш қуролларига қарши сунний оқимимизда бирор бир тузилма ишлаб чиқилмаган эди: сунний фикҳшунослар эса Куръон ва ҳадислардан жавоб топишга ҳаракат қилардилар. Илоҳиётшуносликнинг асоси ҳисобланган Калом илми ҳали бери шаклланмаган эди. Ҳуқуқшунослик (фикҳ) билан илоҳиётшунослик илм сифатида ажралмаган, ҳар икки соҳада илм юритувчиларни “*фақиҳ*” деб атар эдилар.

Иккинчи давр – калом илми ва эътиқодий таълимотининг энг юқори чўққиси ҳисобланиб, бу даврда (X аср бошларида) сунний оқимдаги икки равия – *Мотуридия* ва *Ашъария* вужудга келади. Уларнинг асосчилари машҳур сунний Имомлар – Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махмуд Мотуридий (944й. вафот этган) ва Абул Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий (873-935) эдилар.

X асрга келиб, илоҳиётшунослик соҳаси илм-фан сифатида фикҳдан ажралиб чиқади. Натижада,

шаръий-ҳуқуқшунослик илмини “*фиқҳишунослик*” деб аташиб, бу илми юритувчиларни эса “*фақиҳлар*” деб аташади. Илоҳиётшунослик илмини эса, “*калом илми*” деб аташиб, уни юритувчиларни “*мутакаллим*” деб аташ қабул қилингандир. Бу илмининг буюк асосчи Имомлари – самарқандлик Ҳазрати Имом Абу Мансур Мотуридий ва ироқлик Ҳазрати Имом Абул Ҳасан Ашъарий ислом олами илм-фанида ёрқин юлдузлар каби тажалли этдилар.

Учинчи даврга келиб, калом илми фалсафий назарияга берилди ва фиркаларнинг тузилишига, бир ҳисобда турли фалсафаларга қарши кураш олиб борди. Бу ишларнинг бошида аллома Муҳаммад Ғаззолий турди ва Абу Муъин Насафий, Муҳаммад Шахристоний, Фахруддин Балхий, Фахруддин Розий, Изуддин Ижий, аллома Тафтазоний қабилар давом эттиришди.

Эътироф этиш керакким, сунний калом илмининг бу алломалари сунний каломни барча ақлий ва нақлий далиллар ила соф тутдилар ҳамда мантикий мулоҳазалар билан бойитдилар, исботладилар.

VIII асрда вужудга келган калом илмининг зарурияти шундан ҳам кўринадики, ўша вақтда вужудга келган турли бидъат оқимлар замирида худолик ва пайғамбарлик даъво этувчилар. Куръону ҳадисни инкор этувчилар пайдо бўлган ҳамда баъзи одамларни илоҳийлаштиришлар бошланган эди. Бу каби ишлар эса, ислом динининг, илму маданиятининг ривожланишига, тинчликка халал берар, иймонлиларни эътиқодларидан қайтарар эди. Ўша вақтларда калом илми баҳсларининг асосий мавзулари исломнинг илоҳиётчилиги. Худонинг зоту сифатлари, оламнинг пайдо бўлиши, нубувват

(пайгамбарлик) ва охират ҳақида эди.

Имом ал-Мотуридий даврларига қадар ҳам ислом оламида бир-бирига зид бўлган хилма-хил ғояларнинг эътиқодий курашлари авж олган эди. Ислом оламида, жумладан юртимизда аҳли муслим орасида бошланиб кетган ғоявий-фирқавий бўлинишувлардан айникса, мансух бўлган дунёвий динлардан мусовий ва масихий ҳамда эски зардуштий дини эътиқодидагилар фойдаланиб қолишмоқчи бўлишар, исломни ичидан емиришга ҳаракат қилардилар. Ўша даврларда вужудга келган қарматийлар, қадарийлар, жаҳмийлар, жабарийлар, хорижийлар ва мўътазилийлар каби бидъат фирқалари орасидаги ақидавий тортишувлар конли можароларга олиб борарди. Ислом оламида ақида масаласида аҳвол жуда ҳам оғирлашиб қолганди. Ташқи душманларга қараганда, исломнинг ичидан чиққан душманлари васият қилинган ислом бирлигини, ислом ақидасини бузиш билан нисбатан каттарок хавф туғдирар эдилар. Шул тариқа, пайгамбаримиз алайҳиссалоту васаллам башорат қилганларидек, зардуштийлар 70 фирқага, яҳудийлар 71 фирқага, насронийлар 72 фирқага, ислом динидагилар эса 73 фирқага бўлина бордилар.

Ислом ақидаси бўйича, ушбу 73 фирқадан фақатгина биттаси – “аҳли суннат ва жамоат” (яъни, суннийлар) фирқасигина тўғри йўлдан, нажот йўлидан, Ҳақ йўлидан бормоқдалар. Шунинг учун ҳам бу фирқани “Аҳли ножия” (яъни, нажот топувчилар аҳли) деб юритиб келинади. Он Ҳазрати пайгамбар (с.а.в.)нинг суннати набавияларини ва ҳатто Қуръони карим ҳукмларини ўзгартирмоқчи бўлган бузғунчи фирқалар эса “бидъат

фирқалар” деб аталди. Шунинг учун ҳам бидъат (яъни янгилик киритувчи) деб аталдики, уларнинг ҳукмлари, ақидалари ҳадисларда ўз аксини топмасди, ижмоъ йўли билан қабул қилинмасди ҳамда суннати набавияга зид ҳисобланиб “бидъат”га йўйиларди.

Аҳли суннатдан йироқлашиб ажралган бидъат фирқалар фаолиятлари натижасида ислом тарихида кўплаб фалокатлар, зиддиятлар рўй берди. Баъзи оқимларнинг дохийлари ўзларини пайгамбар деб, ҳатто Худо деб эълон қилдилар. Юртимиз тарихида бу каби фирқаларнинг таълимотлари жуда катта сиёсий ва маънавий фожиаларни келтирди. Мисол учун, Муқанна ташкил этган ва ўз номи билан аталадиган фирқа ҳар қандай шахсий мулкни, никоҳни бекор қилди, ислом динида ҳаром этилган нарсалар ҳалол деб ва аксинча, барча ҳалол нарсалар ҳаром деб эълон қилинди. Тарихда мисли кўрилмаган расвогарчиликларга йўл очилди. Жумладан, Муқаннанинг фармонида кўра, унинг аскарлари хоҳлаган хонадонга кириб аҳли аёлига эгалик қила оларди ва уй соҳиби эса аскар номаъқул ишини бажариб кетгунга қадар ташқарида кутиб туришга мажбур эди. Агар орияти кучлилик қилиб қаршилиқ билдирмоқчи бўлса, бешафқат ўлимга маҳкум этиларди. Боз устига, Муқанна ўзини Худо деб эълон қилдирди ва ўз шахсига сизинишга халқини мажбур эттирди. Ўша даврда бир-бирига ўхшаш бўлган бу каби фирқаларни “*илк коммунистик жамият*” деб кейинги давр тарихчиларининг баҳо беришларига ҳам асос бор эди. Ваҳоланки, шўро тузуми даврида миллий қахрамон сифатида кўкларга кўтарилган Муқаннанинг номи ҳозирга қадар ҳам билиб-билмай

абადийлаштирилган ҳолда турибди.

Ислом динида пайдо бўлган энг аввалги йирик фирқалар жумласига *хорижийлар, шиалар, жабарийлар* ва *қадарийлар* ҳисобланадилар.

Хорижийлар асосан, чорёрлардан бўлган Ҳазрати Алининг Уммавийлар сулоласи биринчи халифаси Амир Муовияга қарши курашда сусткашликлари натижасида вужудга келган эди ва улар ўз фаолиятларини буткул сиёсий талаблар қўйишдан бошлаган эдилар. Шундан сўнг бирин-кетин турли-туман фирқалар вужудга кела бошладилар.

Уммавийлар сулоласи даврида *жабри мутлақ*, яъни мутлақ фатализм тарафдорлари бўлган Жабарийлар фирқаси устувор таълимот сифатида фаолият кўрсатган бўлиб, бу фирқанинг муассиси Абумахраз Сафвон Термизий (ваф. 745) эди. Уларнинг таълимоти бўйича, инсон тақдирини Худо мутлақ олдиндан белгилайди; ҳеч канақа ирода ва эркин фаолият кўрсатиш йўқ, – деб эътироф қиладилар. Сиёсий жиҳатдан тахт ворислиги борасида улар Уммавийлар сулоласини қувватлар эдилар. Жабарийларнинг асосий иддаоси шул эдики, агар инсон ўз фаолиятининг холиқи – эгаси бўлса (яъни, ихтиёри ўзида бўлса), икки холиқ – инсон ва Худо намоён бўлади. Бу суратда инсон Худо даражасига кўтарилади; бу эса – ширкдир. Демак, инсоннинг ҳеч канақа ихтиёрий фаолияти бўлиши мумкин эмасдир. Жабарийлар таълимоти буткул эркинсизликка чақирарди. бу инсонни эркин фаолият кўрсатишига қарши эди.

Уммавийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрталаридаёқ жабарийларга қарши бир оқим пайдо

бўлади ва уларни “Қадарийлар” фиркаси деб аташиб. муассислари Маъбад ибн Абдуллох Жуханий (685 - 735) ва Файлон Дамашкий (ваф. 723) бўлишиб. ҳар иккаласи ҳам Имом Ҳасани Басрийнинг шоғирдларидан эдилар. Қадарийларнинг асосий иддаоси бўйича, инсон ўз фаолият ва қилмишларида соҳиб, озод, эркиндирлар. Бундан ташқари, уларнинг мабдалари бўйича Аллоҳнинг зоту сифати азалий бўлмай, азалий сифатлар умуман мавжуд эмасдир. Қадарийларнинг ислом динига жуда зарарли томонлари шу эдики, улар инсонни, мўъминни эътиқодсизлик гирдоби томон бошлар эди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) башорат қилганларидек, аҳли суннат ва жамоатдан ташқари қолган барча фирқаларнинг зарарли эканлиги маълум эди.

Ислом олами учун энг зарарли фирқалардан яна бири “Қарматия” фиркаси бўлиб, асосчилари Ҳамдан Қармат ва Маймун Қаддоҳлар ҳисобланишган. Исмоилия фиркасидан ажралиб чиққан қарматийлар фиркаси таълимотининг кўп қисми сир тутилиб яширилганлиги учун ҳам *ботиния* фирқаларидан ҳисобланган. Улар деярли барча ислом давлатларига тарқалган бўлишиб, шу даражада ислом динига зарар етказган эдиларки, уларга қарши ислом давлатлари “қалам ва шамшир уруши”ни эълон қилган эдилар. Яъни, барча қалам соҳиби бўлмиш олимлар ва ҳарбийлар уларга қарши ташланган эдилар.

Қарматийлар Имом Али (р) авлодидан бўлган етти Имомни *парастии* (сиғиниш) этиб, ширкка йўл кўярдилар ва охирги-еттинчини Махдий ҳисоблаб, уни хатто жамии пайғамбарлардан устун кўярдилар. Қабр

зиёратини. Каъба зиёратини ва зохирий эътиқодни ҳаром ҳисоблардилар.

Х асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда, жумладан юртимизда қарматийларнинг таъсири кучаяди. Сомонийлар сулоласи ҳукмдори Наср II нинг муҳолифи бўлган Хуросон волийси ва сарлашқари Ҳусайн ибн Али Марвази (Марваруди) ушбу ҳаракат раҳбари эди. У подшога қарши кўзғолон кўтариб, қарматийлар ҳаракатини кенг ёймоқчи бўлади. Лекин тезда тор-мор этилиб, 919 йилда асир тушади. Ундан кейин, қарматия ҳаракатига Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабий бошчилик қилиб, бутун Мовароуннаҳр бўйлаб ушбу ҳаракатни ёя бошлади. Аста-секин “бозор аҳли”, амалдорлар, сарой аъёнлари ҳам бу фирқа тузоғига илиниб, уларнинг тарафдорларига айланадилар. Айниқса, Наср-II ҳукмронлигининг охириги йилларида қарматийлар ниҳоятда кучайиб кетадилар. Ҳатто, подшоҳнинг ўзи ҳам шу фирқа эътиқодини қабул қилади. Натижада, Мовароуннаҳр аҳли икки оқим орасида қоладилар ва бирини танлашлари керак бўлади. Энди, Бағдоддаги Аббосийлар сулоласи ҳам қўллаб қувватлаётган аҳли суннат ва жамоат йўлини давом эттиришлари ёки Исмоилия идеологиясини қабул қилган Миср Фотимийлари сулоласи каби Аббосийларга қарши кураш бошлаб, қарматия фирқасини давлат эътиқоди, деб эълон қилиш қолган эди.

Лекин Имом ал-Мотуридий, Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийлар бошлиқ аҳли суннат уламоларининг илмий фаолият ва жасоратлари туфайли қарматийларга қарши халқ норозилиги кучайди. Сарой аъёнлари турк кўрикчи сипоҳийлари ёрдамида

бидъатчи подшоҳга суиқасд уюштирадилар. Аммо суиқасд ошкор бўлганлигига қарамай, Наср-II ўз ўғли Нух (943-954й. ҳукм сурган) фойдасига тахтдан воз кечади. Янги подшоҳ қарматийлар дохийси Нахшабий бошлик бидъатчилар оқими билан Имом Мотуридий ва Имом Абул Қосим ал-Ҳаким бошлик аҳли суннат олимлари ўртасида мубоҳаса ташкил эттиради. Унда Нахшабий енгилади ва дорга осилади. Аҳли суннат ва жамоат ақидаси тикланиб, устувор таълимот, деб эълон қилинади.

Аммо ғалаба нашидасини суришга ҳали вақт эрта эди. Негаки, бузғунчи фирқалар, шу жумладан қарматийларнинг қолган қутгани ўз ўринларини осонгина бўшатиб беришга рози эмас эдилар. Бу фирқалар ичида энг йириги ҳисобланган “*Мўътазила*” фирқасининг зарари шул қадар катта ва пинҳона эдики, уни тезда англаб етишда, фош этишда аниқ дастурлари шаклланмаган замон мутакаллимлари бирмунча ожизлик қилар эдилар. Негаки, мўътазилийлар ниҳоятда устамона никобланган эдилар. Бошқа йирик фирқалар аҳли суннатдан ажралиб чиққанларини яширмас ва кимликлари, канакаликлари ойнадек равшан эди. Мўътазилия фирқасининг таълимоти эса, гўё аҳли суннатга жуда яқиндек туюлар ҳамда унинг замиридан чиққанлиги, унга алданиб қолишлари осон бўлгани учун ҳам энг хавфли ҳисобланган.

Мўътазилия фирқасининг асосчиси Абу Ҳузайфа Восил ибн Ато ал-Ҳаззол (699-748) Мадинада туғилиб Басрада истикомат қилган ва у ернинг машҳур кишилари, шу жумладан, Ҳасан ал-Басрий билан яқин муносабатда бўлган ва шоғирди ҳисобланган.

Ип йигирувчилик билан шуғулланганлиги ва калава бозорига кўп бориб йигирувчилар билан дўстлашгани учун “Ал-Фаззол” (яъни, Йигирувчи) лақабини олган. Ўз замонасидаги олимлар шуғулланган масалалар ҳақида “*Рисолалар*” асари мавжуд бўлган. Ас-Саъолибийнинг маълумотига кўра, Восил ибн Ато букри бўлган.

Кунлардан бир куни Восил ибн Ато масжидда ваъз айтаётиб: - гуноҳи кабира қилганлар (яъни, оғир гуноҳ қилиб қўйганлар) на мўъминдир ва на кофир; бу икки манзил ўртасидадир, яъни мўъминликдан чиққан, иймондан чиққан, лекин куфрга тушмаган; Демак, жойлари ҳам на жаннатда ва на дўзахдадир, дейди. Бу бидъат ақидаси билан у аҳли суннатга хилоф этиб, деярли барча мўъминларни гуноҳлари туфайли иймондан чиқарган бўлди. Бу сўзларни эшитган устози Ҳазрати Шайх Ҳасани Басрий: - “Иътазала анно”, яъни Восил ва фикрдошлари биздан узоқлашди, чиқиб кетди, – деганлар ва уни ўз мажлисларидан ҳайдаган эканлар. Ўшандан бери ушбу бидъат фирқани “Мўътазилийлар (узоқлашганлар) фирқаси” деб атаб кела бошлаганлар.

Ўзларининг заиф ақлларига ниҳоятда ишонган ҳамда “*ақлчилар*” деб ҳам номланган бу фирқанинг асосий фалсафалари шул эдики, улар:

1) Қабр азобини инкор этардилар ва бу билан улар мусулмонларни гуноҳларига яраша азоб борлигидан кўркмасликка даъват этган бўлиб, иймонларини сусайтирар эдилар.

2) Мункар ва Накир сўроғини инкор этардилар ва бу билан улар ҳаётий қилмишлар учун мамотий жавобларга тайёрланишдан қайтарар эдилар.

3) Куръонни махлуқ дейдилар ва бу билан улар

Куръони шарифдаги азалий оятларни “яратилганга ва ижод этилганга” чиқариб, муқаддаслигини, мўжизавий хусусиятини инкор этган ҳамда ҳурматини оддий китоблар қаторига киргазгандек бўлдилар.

4) Қайта тирилишни инкор этдилар ва бу билан улар Маҳшар водийси билан боғлиқ ақидаларни, фоний ва боқий дунё чегарасини инкор этган бўлдилар.

5) Ўликларга дуо ва садақа қилишдан фойда йўқ, дедилар ва бу билан улар ҳадиси набавияни инкор этган ҳолда ўликларга, ота-она қадриятига ва ҳурматига оёқ қўйган бўлдилар.

6) Аллоҳнинг кўринишини инкор этдилар ва бу билан улар мўъминларга жаннатда бериладиган энг улуғ неъмат – Аллоҳнинг жамолига мушарраф бўлишдек мукофотни, олий мақсадни инкор этган бўлдилар.

7) Гуноҳи кабира қилган кишилар на мўъмин ва на кофир бўлиб, бу икки манзил ўртасидадир,- дедилар ва бу билан улар жамии мусулмонларни аросатга солмоқчи, сарсон-саргардонликка қўймоқчи бўлдилар ҳамда шу билан бирга аксарият мусулмонларни билиб-билмай қилган гуноҳлари учун мўъминликдан чиқармоқчи бўлдилар.



МЎЪТАЗИЛАНИНГ АСОСИЙ ИДДАОЛАРИ

Мўътазила, аввалги ислом илоҳиётшунос олимлари ҳисобланиб, диний таълимотларини ожиз ақллари орқали ўтказмоқчи бўлдилар. Улар Уммавийлар халифалигининг муҳолифи эдилар. Дин тарихчилари ўрта асрларда мўътазилийларни “*асҳоби адл ва тавҳид*” номи билан атардилар. Мўътазила тамойили асосан беш рукндан иборатдир: *Тавҳид, Адл, Ваъду Ваъид, Манзил байн ал-манзилатайн ва Амри маъруф ва наҳий мункар*.

1) *Тавҳид* – Худонинг ягоналигини ифода этади. Аҳли суннат ва жамоат Худони ягона деб, Унинг сифатларини қадим ва азалий,- деб ҳисобласалар, мўътазилийларнинг фикрича эса, фақат зоти илоҳий, азалий экан.

2) *Адл* – илоҳиёт масаласида мўътазилийлар ўзларининг ақлларигагина ишониб, ирода озодлигини олға сурадилар, яъни инсон ўз афъолида озод бўлиб, яхши-ёмон хулқи ва ишлари Аллоҳга эмас, фақатгина ўзларига боғлиқ экан. Аллоҳ ўз адли ила инсонга шу қадар озод ихтиёрни берганки, ҳаққу ботил, тўғрию нотўғри, савобу уқоб бўлишини фарқ қила олар экан.

3) *Ваъду ваъид* – бу борадаги масалалар мўътазилийлар таълимотида ахлоқий хусусият касб этиб, яхши-ёмон амалларнинг жазога сазоворлиги ёки эмаслиги ҳақида баҳс юритадилар. Мўътазилийларнинг фикри бўйича, ахлоқий таълимотнинг асоси Қуръондан иборатдир. Лекин инсон хулқининг мезони мантиққа бориб етади. Агар инсон ўз хулқида оқилона иш

тутмаса, у боқий бўлмайди. Худо гуноҳи кабира (катта гуноҳ) қилувчини тавбасиз авф этмайди. У Ўзининг ваъду ваъидига собитдир (Ваъид - кўрқитиш, таҳдид этиш маъносидадир).

4) *Манзил байнал-манзилатайн* – мўътазилийлар назарияси бўйича, фосиқ мусулмон ё гуноҳи кабира содир қилганлар на мўъмин ва на кофир бўлиб, балки ушбу икки манзил ўртасидадир. Қиёматда жойи на жаннатда ва на дўзахда бўлиб, ушбу икки манзил ўртасидаги *Аросат*да бўларкан.

5) Амри маъруф ва наҳий мункар (яъни, яхшиликка йўллаш ва ёмонликдан қайтариш амаллари)ни мўътазилийлар ҳар бир мўъминга фарз, – деб биладилар.



ҚУРЪОН МАХЛУҚМИ Ё ҒАЙРИ МАХЛУҚ?

Аҳли суннат ва жамоат таълимотлари бўйича, модомики Аллоҳ каломи илоҳий нурдан иборат экан, демак у азалийдир. Мўътазилийлар эса, Қуръоннинг абадий ва азалийлигини фақат соф хат ҳисоблашиб, фақат Аллоҳни абадий ва азалий,- деб билардилар. Аллоҳнинг ваҳий хабари бўлган Қуръонни эса кейин пайдо бўлган натижа, – деб ҳисобладилар. Мўътазилийлар муассиси Абу Хузайфа Восил ибн Ато: – Аллоҳнинг каломи яратилган ва махлуқдир, – деб айтган эди.

Мўътазилийлар энг биринчи бўлиб шуғулланган назарий ишларидан бири бу – Қуръон таъвилидир.

Таъвил деб – калима, иборалар ва жумлаларнинг рамзий баёнига айтиладики, зоҳирий маъно остида ботиний тушунча ётади. Қуръоннинг бундай тарздаги таъвилини суннийларда тасаввуф намояндалари, шиалар оқимида Исмоилия фирқаси фойдаланадилар. Улар Қуръон оятларининг ботиний маъносини излайдилар. Шиа аҳли даъво қиладиларки, Қуръоннинг китобат этиш муҳаррири Зайд ибн Собит ўша вақтдаги ҳукмрон Уммавий халифалар фармойишлари билан муқаддас каломдан “Али” номини ўчирган, яширган экан. Улар “аъло” калимасини “Али” ва “уммат” калимасини “аимма” (Имомлар) деб ўзгартириб ўқийдилар. Бу борада залолатда бўлган яна бир ботиний фирқалардан бўлган *қарматий*ларнинг фикри бўйича эса, Қуръон таъвилга ҳамма ҳам қодир эмасдир. Улар шунга аминки, то инсон завқу шавқнинг кашфи

воситасида ўз мабдасини танимагунича, Қуръоннинг ботиний таъвили унга муяссар бўлмас экан.

Мўътазилийлар ирода эркинлигини исботи учун Қуръондан 129 та иқтибос келтириб, ўз назарияларини *қадария* борасида собит қилмоқчи бўлсалар, аҳли суннат уламолари бўлмиш Имом ал-Мотуридий ва Имом ал-Ашъарийлар уларга зид равишда 216 та иқтибос келтиришиб, уларнинг бидъат назарияларини рад этадилар.

Уммавийлар замонида *жабри мутлақ* таълимоти (*Жабарийлар*) хукмрон диний ақида бўлиб, мўътазилия таъкиб этилар эди. Уммавийларнинг муқобили бўлган Аббосийлар даврида мўътазилийларнинг диний-фалсафий аҳком системаси вужудга келади. Бинобарин, диний-фалсафий адабиётларда мўътазилийларни аввалги *исломий мантиқчилар* ёинки *адашган мутакаллимлар* номи билан атай бошлайдилар. Улар ислом юртларида ўз мактабларини ташкил этардилар. Аббосий халифа Маъмун даврида бу оқимни давлат равияси,- деб эълон қилинди. Мўътазилийларнинг тез ривож топиши мақсадида халифа Маъмун “*Михна*” номли ташкилотни таъсис этади ва уни “муқаддас девон ақоиди” деб эълон қилдирди. Бу ақидадан бош тортганлар таъкиб этилар эди. У даврда мўътазилийларнинг 18та фирқаси ташкил топган ва фаолият кўрсатардилар. Уларнинг баҳс мавзулари бу сафар илгаригидек бўлмай, Аллоҳ сифатларини англаш доирасидан ташқарига чиққан бўлиб, сиёсий ва дунёвий- фалсафий масалаларга ҳам ўтган эдилар.

Аббосийларнинг кўллаб қувватлашлари натижасида ислом дунёсининг Бағдод ва Басрадек

бузург шаҳарларида мўътазилийларнинг икки йирик мактаби вужудга келади. Басрада – Восил ибн Ато, Амр ибн Убайд, Иброҳим Наззом, Жохиз; Бағдодда эса – Бишр ибн Мўътамар, Абумўсо Мурдор, Самома ибн Ашрас, Аҳмад ибн Абудовуд кабилар фаолият кўрсата бошладилар. Кейинчалик, Араб мулкларида ва Хуросону Мовароуннаҳрда Искофий, Жуббойи, Ибод ибн Сулаймон, Абулқосим Аҳмад Балхий, Аҳмад Ҳамадоний - Астрободий, Абу Муҳаммад Аббос Ромхурмузий, Муҳаммад Нишопурий, Махмуд ибн Умар Хоразмий, ал-Каъбий, ал-Боҳилий каби мўътазила имомлари иш олиб бордилар. Ушбу кейинги даврдаги мўътазила доҳийларига қарши аҳли суннатнинг икки раиси Имом ал-Мотуридий ва Имом ал-Ашъарий ақидавий кураш олиб бордилар. Юқорида, Имом ал-Мотуридий ва Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийлар бошлиқ Мовароуннаҳр ва Хуросон уламоларининг Сомонийлар давридаги мўътазилийларга қаттиқ зарба берганлигини айтиб ўтган эдик. Мовароуннаҳрда қаттиқ зарбага учраган ушбу бидъат оқим ўзига жанг майдони қилиб яна Бағдод ва Басрани танлайди. Бу даврга келиб, бу ерларда мўътазилийларнинг доҳийси ва имоми Абу Али ибн Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Жуббойи (850-915) катта фаолият бошлаб юборади ва мўътазилиянинг катта шохаси бўлган “Жуббойя” фиркасини тузади. Муаррихлардан Самъоний уни Басра аҳлидан деса, Ёкути Ҳамавий эса Хузистоннинг Жуббойи даҳасидан, дейди. У Абу Якуб Шаҳҳомийдан мўътазилий билимларини ўрганади. Имом ал-Мотуридий билан бирга аҳли суннат ва жамоатнинг ҳамраиси ҳисобланган

Имом ал-Ашъарий ўз вақтида ушбу Жуббойнинг шогирди ва ўғай ўғли бўлган. Аҳли суннатга ўтгач, у билан алоқани буткул узган.

Муҳаммад Шахристонийнинг ёзишича, Жуббойнинг ўғли Абдуҳошим Абдуссалом ҳам мўътазилий имомлардан ҳисобланган. Абдулқодир Бағдодий эса ўз ёзишмаларида, ота-боланинг қарашларини алоҳида-алоҳида шохалар билан атаб, “*Жуббоия ва Баҳшомия*” номлари билан атайди. Абдулҳошим Абдуссалом калом ва жадал илмлари соҳасида 160та китоб ёзган бўлиб, 29 масалада отаси Жуббой билан муҳолифатда бўлган. Унинг фикрича, агар киши гуноҳи кабира қилса, у на кофир ва на мўъмин бўлиб, фосиқ ҳисобланади. Агар шундай киши вафотидан илгари тавба қилмаса, дўзах азобида қолар экан.

Жуббой эса, Худони Ўз каломининг мутакаллими ва қори Қуръонни қироат қилаётганида калом ўзи учун махлуққа айланади,- дейди. Жуббой ва издошлари Аллоҳнинг дийдорини қиёмат кунида кўринишини рад этади. Инсон феълени ўзининг махлуқи (яъни, ўз феълени ўзи яратади),- деб ишонади.

Парвардигорнинг сомеъ (эшитувчи) ва басир (кўрувчи) сифатларининг маъноси борасида ҳам ота-бола ўртасида ихтилоф чиққан. Жуббойнинг фикрича, ушбу икки сифат Аллоҳнинг қудсиятини (муқаддаслигини) англатади. Ўғли эса, шу иддаода эдики, Аллоҳнинг сомеълиги бир ҳолат бўлса, басирлиги бошқа ҳолатдир. Ва иккала сифатлар ҳам Унинг олимлигидан фарқ қилади.

Демак, мўътазилия фирқасининг икки асосий шохалари: Жуббоия – Басрада, Баҳшамия эса Бағдодда

фаолият кўрсатишиб, аҳли суннат ва жамоатга жуда катта зарарлар етказар эдилар.

Аҳли суннат ва жамоатнинг икки раисларидан бири, илми каломнинг ҳаммуассиси буюк Имом ал-Ашъарий ушбу Жуббойнинг ўғай ўғли ва шогирди эди. У 40 ёшга етгунга қадар ўғай отаси раҳнамолик қилган мўътазила фирқасида фаолият кўрсатар эди. Бу даврга келиб, Ашъарий мўътазилийларнинг ўта *раёионалистик* ҳамда жабарийларнинг *фаталистик* таълимотларини ислом аҳли учун нақадар хавфли эканлигини тушуниб етади. Ашъарийнинг мўътазила фирқасидан чиқиб, аҳли суннат ва жамоатга кўшилишига сабаб этиб ҳадисларни қайтадан мукамал ўрганиб чикқанлиги кўрсатиб келинмоқда. Ашъарий каби ёшлигидан юксак қобилият эгаси бўлган алломалар бир ўқишда ҳадисларни яхши тушунганлар ва 40 ёшга етганда, шунча олган билимини бекор эълон қилиб қайтадан илмга киришишга эҳтиёжлари бўлмаган бўлиши керак. Бизнингча, Ашъарий 40 ёшга етганларида узоқ Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан буюк Имом ал-Мотуридийнинг китоблари ва таълимотлари пойтахт Бағдодга етиб келган кўринади ҳамда булар натижасида Ашъарийнинг қарашлари юзтубан ўзгарганлиги ҳақиқатга жуда яқиндир.

Ашъарий мўътазилийларга қарши кураш бошлади ҳамда бу курашда нафақат Куръон ва ҳадислардан фойдаланибгина қолмай, балки мантиқий мулоҳазаларни ҳам ўзига асосий қурооллардан бири қилиб олади. Ашъарийнинг мўътазила фирқасидан чиқишига сабаб қилиб, манбаларда ушбу мантиқий важҳни келтиришади: “Тақдир масаласи хусусида Абул

Ҳасан ал-Ашъарий устози Абу Али ибн Муҳаммад ибн Абдулвахҳоб Жуббоийдан (850-915) сўради:

- Масалан, учта оға-ини бўлса, биттаси тоат-ибодатлик, обид, зоҳид; иккинчиси эса куфр ва исён билан вақтини ўтказмоқда; учинчиси эса болалик вақтидаёқ вафот этган бўлса, қиёмат куни буларнинг аҳволи нима бўлади?- деди. Бунга жавобан Абу Али ибн Жуббоий айтдики: - обид ва зоҳид бўлгани жаннатга кириб, роҳат-фароғатга эришади. Иккинчиси жойини дўзахдан топади. Учинчиси эса, на савобга ва на уқобга (жазога) мустаҳиқ бўлади.

Ашъарий устозига яна деди: - Ўша бола Ҳақ таолога айтсаки, “Ё Раббий, менга ҳам умр берсанг эди, Сенга салоҳи ҳол билан (сидқидилдан) ибодат қилиб, мукофотларга ноил бўлсам эди!- деб айтсачи”. Жуббоий жавобан айтди: “Эй бандам, сенга умр берсам, фиску фужур қилиб яшашинг менга маълуммиди?! Дўзахга кирган бўлар эдинг”,-дер эди. Шунда яна Ашъарий устозидан сўрадики: “У ҳолда куфр билан яшаган биродари айтмасмидики, -Ё Раббим, менинг ҳам болалигимдан жонимни олсанг эди; Сенга бу исёнларни қилиб дўзахга кирмас эдим...”, - дегач, устози жим бўлиб қолди.

Шундан кейин Ашъарий аҳли суннатга кириб, мўътазилага қарши саъю-ҳаракат ва ғайрат кўрсата бошлайди. Шул тариқа, аҳли суннат ва жамоат ақидасини тозаловчи иккинчи Имом майдонга келади ва ўзининг илмий жасорати туфайли ислом тарихида чуқур из қолдиради.

Имом ал-Ашъарий ўзининг “*Мақолатул исломийн*”, “*Китабул ибона*” каби машҳур асарларида

ўз назариясини баён қилади: - инсон ўз ихтиёри ва қилмиши соҳибидир. Валекин, инсон кирдикорини яратадиган қудрат инсон зотидан ташқарида бўлиб, *илоҳий қудрат* ҳисобланади. Инсон ўз қудрати ва кирдикорини Худодан олади, касб этади. Ушбу иқтисоб инсонга тасаввур уйғотадики, у ўз ихтиёрининг соҳиби бўлиб, ўз аъмолини яратишда мухтордир.

Имом ал-Ашъарий ҳам Имом ал-Мотуридий каби аввалги илоҳиётшуносларнинг *ташбеҳини* (антропоморфизм) ҳамда мўътазилийларнинг *таътилини* рад этади. Зероким, унинг (Ашъарийнинг) ақидаси бўйича ташбеҳ - ширкнинг боиси, таътил эса (яъни, Худони сифатлар соҳиби деб билмаслик) мусулмонни *шҳодга*, яъни мулҳид бўлиб диндан қайтишга олиб келади.

Ашъарий ҳам мантиқий далиллар ёрдамида Куръоннинг номахлуқ эканлигини ва азалий аҳком эканлигини ҳимоя қилади ва исботлайди. Унинг фикрича, Аллоҳнинг каломи ҳам Унинг Ўзи каби азалий ва номахлуқдир. Куръон Аллоҳнинг каломидир, демак у азалий ва номахлуқдир.

Имом Ашъарийнинг издошлари бўлган Абу Бакр Боқилоний (ваф. 1013), Абул Исҳоқ Исфароний (ваф. 1028), Абдулмалик Жувайни (ваф. 1085), Муҳаммад Ғаззолий (ваф. 1111), Фахруддин Розий (ваф. 1210), Имом Шаҳристоний (ваф. 1153), Азудиддин Изжий (ваф. 1355) каби алломалар турли-туман мантиқий мулоҳазаларасосида оламнинг азалю абадийлигини рад этдилар ҳамда оламнинг яратилганлик принёипларини ҳимоя этадилар, яъни Ашъария равиясига кирган бу алломалар ясама сабабият ва қонуният принёипларини рад этиб, ваҳий ва илҳом аввалиятига юз тутдилар.

МОТУРИДИЙ ВА АШЪАРИЙ ШАХСИЯТЛАРИГА НАЗАР

“Ножия” фирқаси (яъни, нажот топувчилар фирқаси) аталмиш аҳли суннат ва жамоатнинг калом илмида икки мазҳабий равияси мавжуддир. Кези келганда, шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикким, кейинги вақтларда сунний фирқадаги равия ва мазҳабларни бир-бири билан чалкаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Сунний йўналишда тўрт мазҳаб бўлиб, булар Ҳанафия, Шофеъия, Моликия ва Ҳанбалия мазҳабларидир. Ва икки равия мавжуд: бири – Ҳанафия мазҳаби замиридаги “*Мотуридия*” равияси ва иккинчиси – Шофеъия мазҳаби замиридаги “*Ашъария*” равияси. Демак, Мотуридия ва Ашъария равияларини ушбу тўрт мазҳаб билан чалкаштириш умуман мумкин эмас. Манбаларда буларни “*ровия*”, баъзан эса “фирқа” деб ёзишган.

Биринчи равияни калом илмининг асосчиси, ислом ақидасини илмий асосда илк тозалаган аввалги киши, ҳидоятга бошловчи имомлар Имоми, аҳли суннат ва жамоатнинг биринчи раиси Ҳазрати Шайх Абу Мансур Муҳаммад ал-Мотуридий ал-Ҳанафий ас-Самарқандий бўлиб, ул зотнинг номлари билан бу фирқани “*Мотуридия равияси*” деб атайдилар. Ва бошқача қилиб айтганда, Имом Аъзам - Абу Ханифанинг мазҳабига кирувчи суннийларнинг барчаси “Мотуридия” равиясига тобеъдурлар. Бу равия Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон (Ғарбий Хитой) каби юртларда устувор ва кенг тарқалгандир. Бундан

ташқари, Шимолий Африканинг Тунис, ал-Жазоир мамлакатларигача тарқалган бўлиб, тақрибан дунёдаги сунний мусулмонларнинг учдан икки хиссасини ташкил этади. Аммо, қизиғи шундаким, Ханафия мазҳаби шунчалик кенг тарқалганлиги билан негадир ушбу мазҳаб тарафдорларининг баъзи қисмлари ўзларини Ашъария равиясида, деб ҳисоблайдилар. Бунга албатта, Имом Ашъарий равияси тарафдорларининг асрлар давомида ниҳоятда кенг миқёсдаги тарғиботлари ҳамда, асосийси Мовароннаҳр юрти Араб халифалигидан ажралгач, халифалик олимлари юртдошлари ал-Ашъарийни даражасини кўтаришиб, ал-Мотуридийдан юқори қўя бошладилар, ваҳоланки бу икки равия орасида деярли фарқ йўқ эди.

Иккинчи равия - Шофеъия мазҳаби замирида пайдо бўлган бўлиб, асосчиси мусулмонларнинг ақоидини ўрганишда жуда кўп хизмат қилган, пайғамбар (с.а.в.) суннатларини ёйишда қўлидан келган барча ишларни бажарган, аҳли суннат ва жамоат ҳамраиси, каломчилар Имоми ва Шайхи бўлган Ҳазрати Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий ал-Басрий (873-935)дир. “*Қомус аълом*”да бу зотнинг ҳаёт йилларини 879 йил Басрада туғилиб, 941 йилда Бағдодда вафот этган, - деб ёзилган. “*Ислом*” қомусида эса, ҳаёт йиллари 873-941 деб кўрсатилган.

Юқоридаги бобларда таъкидланганидек, у 40 ёшга етгач, мўътазилийлар билан алоқани узади ва сунний оқимдаги тўрт тўғри мазҳабнинг бири бўлган Шофеъийлар мазҳабига қўшилади ҳамда ушбу мазҳабдан ажралмаган ҳолда ўзининг номи билан аталадиган равияни тузади. Унинг калом соҳасидаги

асосий асари “Мақолатул исломийн ва ихтилофул мусаллийн” эди.

Ашъарий равияси “Мотуридия” равиясига нисбатан кенг тарқалмаган бўлсада, калом илми доирасидаги кейинги китобларда асосан Ашъарий ҳақида гапирилиб, Мотуридий ҳақида жуда кам ёзилади. Ваҳоланки, аллома аз-Зубайдий ўзининг “*Итҳафис саодатул муттақин*” номли асарида шундай ёзган экан: “Аҳли суннат ва жамоат ҳақида гапирилганда, Ашъарий ва Мотуридийлар назарда тутиладилар”. Лекин шунга қарамай, ўша вақтларда китобларда Мотуридийга кўп эътибор берилмай, аксинча Ашъарийга “ислом байроғи” унвонлари берилиб, сарафроз этилиб келинди. Ҳатто, 2000 йилдан бошлаб юртимиз олимлари бу соҳа ҳақида энди ёза бошлаганларига қарамай, улар ҳам Ашъарийни муқаддам ва биринчи имом, деб эътироф этган ҳолда ёзишмоқда, ва бу хато фикрдир.

Лекин шунга қарамай, баралла айта оламизки, модомики **Имом ал-Мотуридий аҳли суннат жамоасида туғилган ва вафот этган, собитқадам турган, ҳамда ёшда ва ақидавий асар ёзишда муқаддам олим экан, шу билан бирга калом илмини шакллантирган аввалги уламо ҳамдир. Демакким, аҳли суннат ва жамоатнинг биринчи раиси, калом илмининг асосчиси деб ул зотни тан олиш мақсадга мувофиқдир.**

Ҳамма масалаларда икки Имомнинг бир хил фикрда бўлишлари яна Имом ал-Мотуридий улуғлигини кўрсатади. Ахир, 40 ёшгача мўътазила фирқасида бўлган Ашъарий қандай қилиб Мотуридий ақидаси билан деярли фарқ қилмайдиган равия тузади? Бундан

шу фикр тасдиқланадики, биринчидан Ашъарий 40 ёшдан бошлаб Имом Мотуридийнинг “*ат-Таъхид*”, “*ат-Таъвилот*” каби асарларини ўргана бошлаган.

Иккинчидан, Имом Мотуридийнинг ёшлари Имом Ашъарийдан анча улуғлиги буни тасдиқлайди.

Учинчидан, Имом Ашъарийнинг 40 ёшга етгандан сўнггина мўътазила фирқасини тарк этиб, аҳли суннат ва жамоатга саяю ҳаракат бошлаганларини манбалар тасдиқлар экан, демак ул зотнинг машхур асарлар ёзиб машхур Имом бўлиб етишишлари учун яна камида 10-15 йил вақт керак бўлган.

Тўртинчидан, қози ва муфтий Абу Тохирхожанинг “*Самария*” китобида ёзилишича, Бағдод халифасининг бир ақидавий масала устида пойтахт Бағдоддаги уламолардан жавоб топа олмай, Самарқандга - Имом Мотуридий хузурларига элчи юборганликлари ҳақидаги машхур тарихий ривоят ҳам яна бир қарра ушбуни тасдиқлаётирки, у вақтда Бағдодда ақида борасида на Имом Ашъарий шаклланган ва на бошқа алломаларнинг кучи бу масалага етган.

Бешинчидан, Имом Мотуридий аҳли суннат ва жамоатда эътиқод қилувчилар оиласида туғилганлар, фаолият кўрсатганлар ва муборак умрларининг охирига қадар бу эътиқодда мустаҳкам, адашмай собитқадам тоза турганликлари учун ҳам ҳар қандай алломалардан устун турардилар. Ул зот фаолият даврларида бир қадам ҳам суннати набавиядан чиқмаганлар, бошқа фирқаларга оғишмаганлар ва эргашмаганлар. Шу далилнинг ўзи ул зотни ислом ақидасининг биринчи даражали Имоми қилиб кўрсатмоқда.

Олтинчидан, Туркиялик олим Фатхулло Хулайф

фикрича, Имом Мотуридий фаолият кўрсатган Самарқанд шаҳри пойтахт Бағдоддан узоқда жойлашганлиги учун ҳам Мотуридия равиясини тарғиботи араб юртларида кам олиб борилган. Менимча, Мотридийдан кейинги қандайдир бир даврда юртимизда Ашъария равияси давлат миқёсида кўтарилиб, Мотуридия равияси вақтинчалик бўлсада таъқиқланган, ҳатто тилга олиш ҳам рад этилган, кўринади. Шу билан бирга Ашъария шогирдлари ўз йўналишларини кўпроқ ва хўброқ тарғибот этишган. Лекин бу билан ҳеч ким ақида - калом илми байроқдорлигини олимлар юрти Мовароуннаҳрдан олиб кета олмаслигини тарих кўрсатиб турибди. Бизнинг бунга ишончимиз комил.

Имом Мотуридийнинг Имом Ашъарийдан устунликларига юқоридаги далиллар хужжатдир.

Ўз эътиқодида сунний салаф, ханафий мазҳаб, мотуридий маром, авлиё мақом бўлган Имом Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандий, Имом Абул Ҳасан Растуғфоний, Имом Абу Лайсий, Имом ал-Паздавий, Имом Абу Муъин ан-Насафий, Имом ар-Розий каби буюк алломалар Мотуридия равиясини ривожига улкан ҳиссалар қўшдилар.

Имом Ашъарий номини, равиясини ва обрўсини жуда ҳам ошириб юборган алломалар эса – буюк Имом Фаззолий ва Имоми Ҳарамайн-Жувайний (“*Китабул-бурҳон*” муаллифи) эдилар.

Мовароуннаҳрлик маълум илм асосчилари бўлган алломаларининг хусусиятлари шундаким, улар ўзларининг буюк таълимотларини кашф этишда мўътадилликни афзал кўрганлар ва бу тўғри йўлни

маънавий устозлари Имом Аъзам - Абу Ханифадан ибрат олган ҳолда амалга оширганлар. Қизиғи шундаким, ислом ҳуқуқшуносларидаги бундай хусусиятни тасаввуф тариқатида ҳам учратамиз. Чунончи, тариқатда энг мўътадил таълимотни илгари сурган Накшбандия тариқатининг энг буюк тасаввуфий таълимот, деб эътироф этилишининг сабаби ҳам шундадир.



МОТУРИДИЙ ВА АШЪАРИЙ РАВИЯЛАРИДА УСЛУБ БИРЛИГИ

Ҳанафия мазҳаби калом-ақида имоми Абу Мансур ал-Мотуридий ва Шофъеия мазҳаби ақида имоми Абул Ҳасан ал-Ашъарийларнинг ҳар иккаласи ҳам суннатда бир бўлганларидек, услубда ҳам бир эдилар. Фақат мазҳабларигина ўзга-ўзга эди.

Олдинги ўтган фақеҳлардан фаркли равишда Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий сунний оқим ҳуқуқшунослигини нафақат Куръон ва ҳадислар асосида сақлайдилар, ҳатто, ўзлари кураш олиб бораётган мўътазилийларнинг фалсафий қарашларидан уларнинг ўзларига қарши самарали истифода этадилар.

Ҳар икки буюк Имом ҳам қуйидаги нуқталарга бир хил фикрда эдилар: “Аллоҳнинг сифатларини исботлашда; Унинг азалий каломида; Унинг кўринишининг жоиз бўлишида; Аллоҳ аршининг баёни ва Унинг аршини ихота ва истилоҳ этишида; Аллоҳ қоидаларининг хусусиятлари ҳақида; Қоидаларига нисбатан оғир гуноҳ қилганларнинг аҳволи ҳақида ва ниҳоят, Аллоҳ расулининг шафоати ҳақида”.

Аҳамиятлиси шундаким, мусулмон фирқалари орасидаги ихтилофлар сабаби бўлган бу муҳим масалаларда икки Имом ҳам бир хил фикрда бўлишган. Бу ҳақда ҳар икки фикр ўртасида бир бўлган бир услубни илгари суриб, Имом Ашъарий шундай деган: “Шубҳасиз, Аллоҳнинг илм сифати бордир. Бироқ бошқа илмлар каби эмасдир. Қудрат сифати ҳам бошқаларнинг қудрат сифатларига ўхшамайди. Аллоҳнинг эшитиш

ва кўриш сифатлари бордир, лекин асло бошқаларнинг кўриш ва эшитиш сифатларига ўхшамайди”. Бу - Имом Мотуридий танлаган йўлнинг худди ўзидир. Мотуридийнинг “*Китабут-Тавҳид*” асарида ёзилган: “...Сўнгра, Аллоҳи таоло қодирдир, олимдир, тирикдир, каримдир, жуда ҳам жўмарддир (ҳақиқатгалабдир)”, деб Унинг хусусиятларини айтиб ўтади. Бу сифатлари билан Аллоҳга исм қўйиш ақлий ва нақлий далилларнинг барчаси ёрдамида тадқиқ қилинган.

Имом Мотуридий юқоридаги китобида яна шундай дейди: “Аллоҳ ягонадир ва Унинг ўхшаши йўқдир. Бу хусус тўғри деб топилиб қабул қилинганида махлуқотдан Ўзига изофа қилинганларнинг ҳаммасини тақдири ботил бўлади. Ва яна Аллоҳнинг махлуқотга изофа этган сифатларда англанилган ҳар бир сифат билан Унинг сифатларининг тушунтирилиши ҳам ботил бўлади”.

Мотуридия ва Ашъариялардан иборат бўлган аҳли суннат орасида Аллоҳнинг кўриниши жоиз эканлиги хусусида фикр бирлиги мавжуддир. Лекин, бундан кейин уларнинг орасида бу хусус “*ақлий далиллар*” билан билинадими ёки “*нақлий далиллар*” ила билинадими?, - деган ихтилоф пайдо бўлган. Нақлий далилларга келсак, уларнинг орасида ихтилоф йўқ. Ушбу икки равия маслакдошлари орасидаги ихтилофга мўътазилийларнинг бу борадаги далил келтириш мисоли туртки бўлди. Масалан, мўътазилийлар ушбу оятни ўз фикрларини ўтказиш учун далил қилиб олган эдилар: “*Бирор одам учун Аллоҳ унга сўзлашиш жоиз эмас, магар ваҳий-илҳом орқали, ё бирор парда-тўсик ортидан ёки бирор элчи фаришта юбориб, ўша*

(*фаришта Аллоҳнинг*) *изни-ихтиёри билан Ўзи хоҳлаган нарсани ваҳий қилиши орқали (сўзлар). Албатта У юксак ва ҳикмат эгасидир*" (Шўро сураси, 51 - оят; Алоуддин Мансур таржимасида).

Мотуридий фикрича, Илм (Аълим) - Аллох сифатларидан бири бўлиб, бу сифат инсонда ҳам бўлса (яъни, киши олим бўлса) Аллоҳнинг сифати унга очилади. Мотуридийнинг бу назарияси, Ас-Сабунининг "*Кифоя*" ва ат-Тафтазонийнинг "*Шарҳул-Ақоид*" асарларида катта баҳога сазовор бўлгандир. Ас-Сабунининг таъкид этишича, Мотуридийнинг бу назарияси, унга (Сабунига) маълум каломчи олимлар айтган назариянинг энг аълоси, энг яхшиси бўлган.

Ашъария равиясидан бўлганларнинг барчаси (алломаи замон Имом Фахруддин Розийдан ташқари) Ашъарий далилини қабул қилишади. Имом Фахруддин Розий бу хусусда, Имом Мотуридийнинг тарафдори эканлигини ва у билан бирга тафсирсиз равишда Аллоҳи таоло кўринишининг нақлий далил билан вожиб бўлганлигига ишонганлигини эълон қилади ҳамда Мотуридия равиясига ўтади. Шунингдек, бу масалаларда Мотуридия мазҳаб равиясининг баъзи олимлари Ашъария томонига ўтиб кетишади.

Ушбу икки равия ўртасидаги асосий фарқ нимадан иборат эди? Кейинги давр мутакаллим олимлари томонидан ўрганилиб, ҳисоблаб чиқишларича, бу ихтилофлар бор-йўғи ўн учта (13) кичик фарқлардан иборат экан, холос. Уларнинг олтитаси *нафсий* ва еттитаси *лафзий* фарқ экан. Имом Ашъарийнинг назарияси бўйича инсон тақдирида бирор эркинлик бўлмай, ҳамма нарсани Аллоҳнинг азалий тақдирига

боғлайди. Унинг фикрича, инсон ички-ботиний хохишини (*каломи нафси*) бошқариши мумкин; бунинг муқобили бўлган зоҳирий сўзларни (*каломи лафзий*) биринчисидан ажратади. Бошқача айтганда, каломи нафсий инсонни ўз хохиши билан пайдо бўлса, каломи лафзий Аллоҳ томонидан тақдир этилган.

Аллоҳ томонидан инсонларга эркинлик берилиши масаласида Мотуридий Ашъарийдан фарқли равишда, ўзининг маънавий устози Имом Аъзам - Абу Ҳанифанинг ҳамфикри бўлади; Мотуридийнинг фикрича, инсонларнинг ёмон хулқли ишлари-гуноҳлари Аллоҳнинг иродаси билан амалга ошсада (чунки, Аллоҳ бу ишларни тақдир қилган), лекин Унинг розилигисиз амалга оширилади. Аллоҳ инсонларга ўз эркини қўлига берган ҳолда яратган, яъни азалдан тақдир этиб қўйилган бўлсада, инсоннинг баъзи ишларига соҳибихтиёрликни ҳам бергандир. Бу ишларни Имом Мотуридий "*афъоли ихтиёрий*" деб атайди ва инсон ўзининг шу ихтиёрий ишлари учун ўлимидан кейин муқофотланади (агарчи, эзгу ишларни қилган бўлса) ёки жазоланади (агарда гуноҳ ишларни қилган бўлса). Мотуридийнинг бу назарияси бўйича, Аллоҳ ўз бандасининг яхши ишларида мададкор бўлиб, ёмон ишларида уни тарк этади. Шундай қилиб, бу назария бўйича инсоннинг ўз қилмишлари олдида ўзининг маъсуллиги юкланади. Имом Мотуридийнинг, инсоният ўз қилмишлари олдида жавоб бериши, маъсуллиги тўғрисидаги бу буюк назариясини ниҳоятда кенг миқёсдаги, даражадаги фалсафий таълимот десак, муболаға бўлмас. Мотуридийнинг бу таълимоти инсонларни ўйлашга мажбур этар, гуноҳ ишлардан қайтарар, ҳар яхши-ёмон

ишни тақдири Илоҳийга тўнкашдан асрарди. **Дунёдаги энг буюк назария шу эди.**

Аллоҳнинг сифатлари соҳасида Мотуридий равияси *ташбеҳни* (ўхшатиш) ва *таътилни* (холи кўйиш, тўхтатишни) инкор этган ҳолда ўз фикрларини куйидагича асосий формаларга қаратади: Аллоҳнинг англашни чегарасини аниқлаш мумкин эмас; Уни ўлчаш ва ҳисоблаш ҳам мумкин эмас (яъни, Унинг сифатларини саноғини ҳисоблаш мумкин эмас); Унинг сифатларини тақсимлаб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас (яъни, ҳамма сифатларини алоҳида-алоҳида қараб чиқиш мумкин эмас); Унинг сифатларини маълум бир қисмларга ҳам бўлиб бўлмас (яъни, сифатларининг таркибини тасаввур ҳам қилиб бўлмас).

Имом Ашъарийнинг назарияси Шофеъийлар мазҳабида қандай шуҳрат топган бўлса, Имом Мотуридийнинг ҳам назариялари Ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳабида шундай шуҳрат топади. Кейинчалик, бир-бирига жуда яқин бўлган ушбу икки равия, барча сунний оқимидаги тўрт мазҳаблар томонидан бир-хил ҳуқуқий-шаръий ҳукмга эга бўлганлигини эътироф этишган.

Аҳли суннат вал-жамоат гуруҳига кирган “*аҳли ҳадис*” (улар қабул қилган мабдалар наклийд далиллардурким, булар *Китоб, суннат* ва *ижмоъдур*) билан бирга Мотуридия ва Ашъария мазҳаб-равиялари (улар *раъй* ва *ақлий* далилларни қабул қилгандир) дини ислом ва унинг шариаотида, демакким илму урфон ҳамда маданият-маънавиятда беқиёс хизмат қилгандирлар. Уларни Аллоҳ Ўз раҳматига сазовор қилган бўлсин.

Хулоса қилиб айтганда, ислом тарихнависларининг

ягона фикрлари бўйича куйидаги фақиҳ-хуқуқшунослар Ҳанафия мазҳабининг энг буюк Имомлари ҳисобланишади (Имом Аъзамдан ташқари):

1. “*Китабул-хирож*” муаллифи Имом Абу Юсуф Яъқубий (795й. вафот этган);

2. “*Ал-Жомеъ ас-сигар*” муаллифи Имом Муҳаммад Шайбоний (804й. вафот этган);

3. “*ат-Тавҳид*” ва “*ат-Таъвилот*” муаллифи Имом Мотуридий (944й. вафот этган);

4. “*Ал-Мухтасар*” муаллифи Имом Кудурий (1036й. вафот этган);

5. “*Ал-Ҳидоя*” муаллифи Имом Бурҳониддин Марғиноний (1197й. вафот этган).

Юқоридагилар билан бир қаторда Имом Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандий, Имом Абул Ҳасан Растуғфоний, Имом Абу Лайс Самарқандий, Имом Фахрулисом Пазавий, Имом Али Суғдий кабилар туришадиким, ушбуларнинг барчалари ўз замоналарида Ҳанафия мазҳаби раёсати раиси бўлганлар.

Бахтли тасодиф (ёки тарихий тақозо) шундаким, ушбу буюк фикх Имомларининг етти нафари муқаддас Самарқанд заминида яшаб ижод этишган ва шу ерда дафн этилганлар. Ҳайратланарлиси эса шундаким, биз уларни унутдик, қабрларини йўқ бўлиб кетишига йўл қўйдик, қадриятларига бўлган бундай жохилона муносабатларимизнинг жазосини 70 йил тортдик.

Қайси давлатда имон-этиқод мустаҳкамланса, пиру муршид ва алломаларнинг барака келтирувчи файз асарли қабрлари эъзозланса, зиёратлар этиб турилса, ўша давлатга Яратганнинг Ўзи баракасини албатта беради.

ИМОМ МОТУРИДИЙ АСАРЛАРИ

Имом Мотуридий ўз ҳаётини ва фаолиятини суннатдан ташқари чиқиб, оғишган кишилар мулоҳазаларини синдириш ва ислом ақидасини ҳимоя этишга бағишлагандир. Унинг асарлари илму урфонда, чунончи исломий ишлардан бўлмиш фикҳ, усул ва каломда ўта мукаммал эканлигидан далолат бермоқда.

Имом Мотуридий, ўша вақтларда асосий диний таълимот бўлган мўътазилиянинг барча мулоҳазаларига жавоб бериб, уларни бобма-боб инкор этди ҳамда уларнинг бешта усулини қусурли деб топди. Мотуридий, мўътазилиялардан бўлган ва улар томонидан “бутун дунё Имоми” номи берилган Каъбийни (бу шахс Мотуридийнинг замондоши эди) шахсан қадамма-қадам кузатди ва унинг ҳамма асарларини қусурли топиб, уларни йўққа чиқарди.

Мўътазилия мазҳаби илгари сурган фикр-мулоҳазаларга жавоб бериш ва уларни тарқатиш гоёсида Мотуридий ушбу асарларни ёзган:

1. “Баёни ваҳмил-мўътазила”;
2. “Раддил-усули хамса ли Абу Муҳаммад ал-Бохили”;

Каъбийнинг фикрларини инкор этиш йўлида эса, қуйидаги асарларини ёзади:

3. “Радди усулил-адилла лил-Каъбий”;
4. “Радди таҳзибул-жадал лил-Каъбий”;
5. “Радди байтул-фусоқ лил Каъбий”.

Шунингдек, рофизий ва қарматийларнинг фикр-мулоҳазаларини рад этиб, ушбу асарларини ёзадилар:

6. *“Ар-ридду ала усулил-қарматия”*;
7. *“Радди китабул-Имами ли баъзи рафавиз”*.

Фикҳ (хукуқшунослик) усули борасидаги асарлари қуйидагилар эди:

8. *“Маъҳаз уш-шариъа”*;
9. *“Китабул-жадал”*.

Шу билан бирга, Ҳазрати Имом Мотуридий тафсир ва калом илмлари соҳасида ҳам аҳли суннат усули ила асарлар ёзганлар. Тафсир ҳақидаги китобига *“Таъвилоту аҳли сунна”* (ёки бошқача номи *“Ат-таъвилотул-Мотуридия фи баёни усули аҳли суннат ва усули тавҳид”*) деб ном берган. Ушбу китоб ҳақида Хожи Халифа номлик машҳур олим шундай деган эди: *“бу тенгсиз бир китобдир. Ҳатто илми каломда бундан олдин ёзилган китобларнинг ҳеч бири бунга тенг кела олмайди. Бу китоб, бошқа китобларга нисбатан жуда осон тушунилади ва истифода этилади”*.

Мотуридийнинг *“Ат-таъвилот”* китоби, унинг *“Ат-тавҳид”* китобига қараганда, яна ҳам ойдинроқ, ояту-тафсирларнинг янада қулайроқ ёзилганлигини, муаллифнинг бу илмларни чуқур ўрганганлигидан дарак беришини қатор тадқиқотчилар урғу бериб ёзишгандир.

Имомнинг бу китобларидан ташқари, яна бир қанча машҳур асарлари бўлиб, *“Китабул-мақомот”*, *“Ақоид”* китоблари шулар жумласидандур. Ушбу сатрлар муаллифи 1991 йил *“Сўғдиён”* нашриётида Мотуридийнинг ақидалари асосидаги *“Ақидаи исломия”* китобчасини таҳия этиб, 20000 нусхада чоп эттирган эди.

ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

Машҳур тарихчи ва фикҳшунос олим, муфтий Абу Тоҳирхожанинг ёзишмаларига қараганда, Самарканд шаҳрининг шимолидаги Боғи Майдон, Боғи Баланд боғлари ва янада қадимийроқ бўлган Мотурид боғи азалдан Оби Раҳмат ариғи сувидан таъминланиб келган серҳосил мавзеълар бўлишган. Ривоятларга қараганда, исломнинг фотиҳ лашкарбошиларидан бири Қутайба ибн Муслим Самарқандни фатҳ этгач, “Амири Муҳожир”ни (хориждан, арабдан келган амирни) Самарқандга ҳоким этиб тайинлагач, бу амир Оби Раҳмат ариғини Кўҳак (Чўпон ота) тоғининг жанубий этагидан қазиб оқизган. Амир Муҳожир ушбу ариқни қазийётган чоғда, ариқ бошида Ҳазрати Хизр учрашиб, “Нима истайсан?” (Мотуриду?),- деб сўраган. Амир Муҳожир: “сув истайман” (Моуриду),- деб жавоб берган. Шундан бери қазиб келтирилган ушбу Оби Раҳмат сувидан илк марта суғорилган ерларни “*Мотурид*” деб аташ бошланган экан. Лекин, мавзеъ номини Имом Мотуридий номидан олинган, деювчилар ҳам бор. Бу нотўғри бўлиб, мавзеъ номи Имом туғилишидан илгари ҳам мавжуд бўлган. Ул зот ўз лақабини “Мотуридий” (яъни, Мотуридлик) деб бежиз олмаган-ку?!

Мотурид мавзеида (ҳозирги Даҳбедга борадиган катта йўлнинг шимолида) Имом Абу Мансур Мотуридийнинг боғчалари бўлганки, қадимдан “*Қадамжойи Шайх*” номи билан машҳур бўлган. Бу

боғчала “*Лисонул-асфур*” деб аталадиган жуда эски бир дарахт бўлар эди. Унинг мевалари форс тилида “*Забони гунжишк*” (яъни, чумчук тили) деб аталади. Ушбу дарахт қутлуг, муқаддас ҳисобланиб, халқ томонидан зиёрат этилиб келинган. Унинг меваларидан тиббиётда кўп яхши дорилар тайёрланар эди. Шу ерлик ўқимишли Шайх Муҳаммад ибн Маҳмуднинг хонадонидида туғилган Абу Мансур Мотуридийнинг Мотурид мавзеидаги ушбу боғларида ул зот кўпинча дарахт кўчатларини ўз қўллари билан ўтказар эканлар. Абу Тоҳирхожанинг келтиришича, “*Ҳайратул-фуқаҳо*” асарида ёзилишича, бир куни Шайх Абу Мансур Мотуридий ўз шогирди ёрдамида ток-узум кўчатлари ўтказар эди. Шу пайт, ногаҳон муаззин азон айтади. Шайх ишини тўхтатиб, намозни адо этиш мақсадида масжидга бормоқчи бўладилар, лекин кўчатлардан бироз қолгани туфайли, қолганини ҳам ўтказишга ошиқиб, намозга бироз кечикадилар. Шундан сўнг, бир йил вақт ўтгач, юрт подшоҳи фуқароларнинг ҳар бирини боғидан бидъат ичимлик учун узум солиғини солади. Имом Мотуридий, “*ушбу бидъат солиқ менинг узум кўчати ўтказишга машғул бўлиб, намоз ишини кейинга қолдирганим туфайли юз берди*”, - деб бошларидаги муборак саллаларини ерга уриб йиғлаган эканлар. Бу ривоят Имом Мотуридийнинг эътиқоди кучлилигининг намунасидир.

Бошқа ривоятда келтирибдиларким, Бағдоддаги Аббосийлар сулоласи халифаларидан бири калом-эътиқод масаласи юзасидан бир саволга ислом олами пойтахти бўлган Бағдод уламоларидан жавоб топа олмагач, Самарқандга элчи юбориб, Имом

Мотуридийдан жавоб топишни илтимос қилади (Имом Мотуридий ҳаётларининг охириги ўн йил давомида Бағдодда ал-Қоҳир (932-934), ар-Рози (934-940) ва ал-Муқтаф Биллоҳ (940-944)лар ҳукм сурган бўлишиб, улардан бири элчи юборгандир). Элчи тинмай от чоптириб, Самарқандга етиб келади ва Мотурид мавзеига бориб, Имомнинг дарвозаларини тақиллатади. Имом Мотуридий эски, йиртик-ямоқ кийимда дарвозани очадилар. Элчи: “Мавлоно қайдадир?”, - деб сўради. Шайх: “Мавлоно Худодир”, - деб жавоб берадилар. Элчи: “Хожа қайдадир?”, - деб сўради. Имом: “Хожа Мустафодир (яъни, пайғамбардир)”, - деб жавоб қайтарадилар. Элчи яна: “Абу Мансур қайдадир?”, - деб сўраганда, Мотуридий: “қаршингдаги ушбу тиланчи кексадир”, - деб ўзини кўрсатади. Бу ривоят унинг камтаринлик билан буюклиги мужассамлашганлиги намунаси дир.

Яна бир ривоят қилишларича, Имом Мотуридийнинг хотини жуда баъдфеъл ва урушқоқ аёл бўлган экан. Бир куни Шайх тандирга ўт ёқаётган эканлар, хотинлари жаҳл билан келиб, Имомнинг муборак орқаларига беш маротаба тепади. Имом умрининг охирида бу ҳақда шундай деган эканлар: *“ўша беш тепки натижасида беш асрор пардаси ўртадан кўтарилди ва ўттиз икки йил рўза тутиб, кечалари бедор ўтказдим, токи қолган икки парда (ҳижоб) ўртадан кўтарилиши учундир. Қанийди (ўшанда), яна икки тепки ҳам тепганда, бунчалик машаққат чекмаган бўлур эдим”*. Бу ривоят Ҳазрати Шайх Мотуридийнинг сабр-каноатлилиги ва жафокашлигининг ёрқин намунаси дир.

“Самария” ва “Қандия”да Ҳазрати Шайх

Мотуридийнинг соҳиб каромат, соҳиб макомот ва ҳаддан зиёд ҳорик одатликлари борасида куйидаги ривоятлар келтирилгандир:

Самарқанд уламолари ва Имомнинг ёронлари калом ва фикҳ илмидан дарс олиш учун унинг боғига келиб туришар эканлар. Қиш фасли чиқиб, баҳор энди кирай деб турган ҳамалойида, бўлиб ўтган дарс мажлисларидан бирида Имом Мотуридий шогирдларини хушнуд этиш мақсадида ўрик дарахтининг бир катта шохини қоқади. Каромат юз бериб, пишиқчилик фасли бўлмасида, дарахтдан ўриклар ёғилиб тушади, шогирдлар эса уни еб тўядилар.

Ва яна келтирибдурларким, ул замонда бир золим подшо бўлиб, халқ унинг зулмидан безор бўлишиб, Имом Мотуридийга арз билан келишибди. Имом Мотуридий боғларидаги дарахт шохини синдириб, камон ясабдилар ва шаҳарга, подшонинг сарой томонига қараб отадилар. Ўша куни золим подшоҳ ўлади ва халқ унинг зулмидан озод бўлади.

Носириддин Лохурий-Ҳанафийнинг *“Фатвои барахна”* асарида келтирилганким, Имомуз-замон Абу Мансури Мотуридий дунёдан кетадиган кечаси етмиш маротаба ҳожатга чиқиб, ҳар чиққанларида таҳоратларини янгилар эканлар. Ул зот деган: “Бу кечаси мен дорулфанодан дорулбакога кетаман. Расул алайҳиссалом (яъни, пайғамбар) айтганларким, - *“дунёдан таҳорат билан ўтган киши шаҳидлар қаторида бўлади”*. Мотуридийнинг вафотларидан кейин бир киши тушида 70 та Буроқ от унинг ёнида турганини кўрган экан. Шунда Шайх Мотуридий унга: “Бу -ўша қилган етмиш таҳоратимдир”, - деган.

Яна бир нақл бўйича, Имом Мотуридий гоҳо-гоҳо яхудийлар маҳалласига бориб, у ердаги йўлдан адашган аҳли китоб яхудийларига “*тубу ав-муту*” (яъни, тавба қилинглари ёки ўлинглари) дер экан. Бу сўзни эшитганлар, агарда иймонга келмасалар, ўша заҳотиёқ ўлар эканлар. Фикри ожизимизча, ушбу охирги ривоят сабабли кейинчалик, Мотуридий қабрлари ва умуман, Чокардиза қабристонини буткул ер билан яқсон этилганлигини аҳли илм сезаётган бўлишса керак.

Ҳидоятга бошловчилар Имоми Мотуридий 333 (944) йилда вафот этгач, Чокардизадаги боғнинг эгаси қабри ёнига, яъни Имом Абу Исҳоқ Саммосий қабрлари ёнида дафн этишади. Имом вафот этгач ҳам кароматлар давом этаверади. Шаҳарга вабо ё бирор бало келса, зоҳид ва олимлар Имом қабрлари ёнидаги масжидга йиғилишиб, дуо қилишар ва ижобат бўлиб, бало даф бўлар эди.

Имом Мотуридийнинг дафн этилган масаласига келганда, ул зот зикр этилган жамии китобларда Самарқанднинг Чокардиза қабристонини кўмилганликлари эътироф этилади. Биз учун, бу соҳадаги асосий манба “*Самария*” ва “*Қандия*” каби китоблар ҳисобланади. Уларга кўра, Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг қабрлари Чокардизададир. Бу қабристон шаҳар ичида, кунчиқар-шарқ томондадир. Бу ер аввал Мотуридийнинг замондоши Имоми зоҳид Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Самосий Мутаваъийнинг боғи бўлиб, ўзи ҳам ўша ерда биринчи бўлиб кўмилган шахс эди. Бу ерда, боғнинг эгасидан сўнг Мотуридийдек ҳамда Абул Қосими Ҳакими Самарқандийдек алломаларнинг кўмилиши натижасида машҳур қабристон сифатида

шакллана боради. Имом Мотуридийнинг дахмаларидан 5 метр узоқликда катта масжид қурилади; чунки, Ўрта Осиёдаги урф бўлган эътиқодга, одатларга кўра, Ҳанафия мазҳабидаги авлиё-уламолар қабрлари ёнида албатта масжид қуриладиким, узоқдан зиёратга келувчилар бу ерда Худо йўлига ибодат қила олсинлар.

“Қандия”да келтирилишича, Чокардиза қабристони яқинида кўмилган Самарқанднинг илк қозиси ва мутасаввуфи Хожа Абду Даруннинг қабрлари яқинида кўмилишларини Мотуридий васият қилган эканлар. Чунки, Хожа Абду Дарун ўз яқинида кўмилганларни шафоат этишни ваъда қилиб кетган эканлар. Мотуридийнинг шогирди ва ҳамсабақи бўлмиш Имом Абул Қосим Самарқандий ҳам айнан шундай васият қилиб кетган эдилар.

Мотуридий ва Абул Қосимларким, дунё миқёсидаги авлиёлар бўла туриб қабр азобининг ваҳимасида шафоатдан умидвор бўлишган экан, унда сизу-бизнинг холимизга вой эканда?!



II-БОБ ИМОМ АБУЛ ҚОСИМ АЛ-ҲАКИМ АС-САМАРҚАНДИЙ

Мустамлакачилик, ёлғончилик асоратида ўнлаб йиллар азоб чеккан халқимиз мустақиллик даврига келиб ўз кадр-қийматига эга бўлмоқда. Буюк замондошларимизнинг нафақат ислом оламида, балким бутун дунё ivilизаоиясига, уйғонишига қанчалик катта ҳисса қўшганликларини энди англай бошламоқдамиз; нисбатан кичик ҳудудга эга бўлган ҳозирги Ўзбекистоннинг муқаддас заминидан шунчалик кўп буюк алломалар етишиб чиққанлигини ва бунақа ҳодиса бошка юртлар тарихида кўзга ташланмаганлигини ҳам энди англаб етмоқдамиз.

Замонамиз келиб, кўплаб алломаларимизга бағишлаб китоблар чиқармоқдамиз, анжуманлар ўтказмоқдамиз; ҳар замон уларнинг муборак номларини бирма-бир эслаб турибмиз.

Юртимиздан етишиб чиқишган баъзи олимлар уламолар маълум бир фаннинг ривожига буюк ҳисса қўшишган бўлишса, баъзилари эса маълум бир фаннинг, оқимнинг буюк асосчилари, пойдеворини қўйган донишмандлари ҳисобланган.

Ар-Растуғфоний ас-Самарқандий, ал-Кундий ас-Самарқандий, ал-Форис ас-Самарқандий, ал-Усмандий ас-Самарқандий, Абу Лайс Самарқандий, ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, аз-Замахшарий, ан-Насафий, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоваддин Нақшбандий, Амир Темур, Мирзо

Улуғбек, Хожа Аҳрори Вали, Алишер Навоий, Махдуми Аъзам Дахбедий ва Бобур мирзо кабилар юртимиз илмий шухратини бутун дунёга ёйдилар ҳамда илму фан бобида муқаддас заминимизга тенг келадиган бошқа юрт йўқлигига ўзгаларни имонга келтирдилар.

Юртимизда ўтган алломаларнинг Самарқанд вилоятизаминида абадиятуйқусига ўтган беш нафарлари жумла олимларининг энг машҳурлари ҳисобланишиб, улар туфайли алоҳида фан тармоғи вужудга келган ва улар асосчилари сифатида доврўғ таратгандирлар. Ул бузургворларнинг муборак номлари қуйидагилардир:

Мовароуннаҳр олимлари олтин силсиласини бошлаб берган энг аввалги имомлар Имоми ад-Дорамий ас-Самарқандий; кейинчалик ул зотдан илм бобида ўзиб кетган шогирди ва бутун дунё Имоми номи ила шарафланган ал-Бухорий; ислом оламининг аксариятини ташкил этган суннат аҳли ва жамоасининг раиси, калом-ақоид (эътиқод) илмининг асосчиси Имом ал-Мотуридий ас-Самарқандий; илми ҳикмат ва ҳақиқат асосчиси буюк Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий; ислом оламидаги энг улуғ мазҳаб бўлган-Ҳанафия мазҳабининг буюк фикҳшунос олими Имом Бурхониддин ал-Марғиноний ас-Самарқандийлар бўлиб, ислом аҳли ва дунёдаги илм аҳллари ул зоти бобарокотлардан розилар ҳамда илмий жасоратларидан абадул-абад миннатдорлар.

Он Ҳазрат пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг: *“Менинг умматларим (ичидан чиққан) олимлар Бани Исроил пайғамбарлари кабидурлар”*, - деган ҳадиси шарифлари ҳам айнан юртимиз олимларига тегишли эканлигига шак-шубҳа йўқдир. Зеро, Регистони мадрасалари

деворларида ушбу башоратли ҳадис қайта-қайта таъкидлангани бежиз эмасдир.

Биз ушбу ноқисона ёзишмамизни замон Имоми Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийга бағишладик. Ул зотнинг номлари - Исҳоқ; куниёлари - Абул Қосим; тахаллуслари - ал-Ҳаким ас-Самарқандий бўлиб, “*Фаслул-хитоб ба васлул-аҳбоб*” (Дўстлар васлидан фасл - боблар хитоб этмак) асарида тўлик номлари - Аш-Шайх ал-Имом Абул Қосим Исҳоқ бин Муҳаммад бин Исмоил бин Иброҳим бин Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий исмлари ила келтирилгандир. Аллома ислом оламида замонасининг энг машҳур ҳадисшуноси, каломшуноси, фикҳшуноси, воизи ва донишманди сифатида танилди ҳамда илми ҳикматнинг асосчиси, буюк Имоми деб эътироф этилди.

Ҳазрати Имом Абул Қосим милодий IX асрнинг охириги чорагида Самарқандда туғилади. Бу вақт ислом илмининг “*олтин даври*” давом этаётган бир пайт эди. Бу даврда исломнинг барча илмлари маркази Бағдод ва бошқа араб шаҳарларидан Ўрта Осиёга кўчган эди. Бу ерда мусулмон ҳуқуқшунослиги фанларининг асосий марказлари Самарқанд, Бухоро, Марв ва Насаф шаҳарлари эди. Марвда - Абдуллоҳ ибн Муборак ва издошлари мактаби; Бухорода - Имом ал-Бухорий мактаби; Самарқандда - Имом ад-Дорамий мактаби; Насафда - Наҳшабий ва Насафийлар мактаби фаолият кўрсатар эди. Шундай қилиб, ислом илм олами “*олтин даври*” араб юртларидан Ўрта Осиё ва Мовароуннаҳр шаҳарларига, IX аср иккинчи ярми ва X аср биринчи ярмидан бошлаб эса, Самарқанд бутун ислом илм оламининг марказига айлана боради. Ана шундай илмий

мухитда таълиму тарбия олган Имом Абул Қосим буюк устозлари изларидан бориб, илм ва уламолар пешвоси, муқтадоси ва Имоми даражасигача етишади.

Абу Саъд Самъонийнинг “*Китабул-ансоб*” асаарида Имом Абул Қосимнинг уч бузург олимлардан таълим олганлиги ёзилади. Бошқа манбалардан Имомнинг ушбу уч устози номларини билиб оламиз:

Имом Абул Қосимнинг илк устозларидан Муҳаммад ибн Фазл Балхий бўлиб, ул киши 319 (931) йилда Самарқандда вафот этиб, қабрлари ҳозирги Даҳбед шоҳқўчасидаги бир ҳовлида жойлашган. Ўз даврида Самарқанднинг Қози Калони лавозимини эгаллаган бу зот, Имом Мотуридийга ҳам устозлик қилганлар. Бу шахснинг тарихига оид баъзи маълумотлар “*Самария*” ва “*Қандия*” китобларида келтирилган.

Имом Абул Қосимнинг охирги, устози - дўсти, маслакдоши ва ҳамсабақи Имом Абу Мансури Мотуридий (333/944й. вафот этган) ҳисобланади. Ҳам дунёвий - зоҳирий (илми қол) ва ҳам тасаввуфий - ботиний (илми ҳол) илмлар соҳиби бўлган Имом Абул Қосим илк устози (Фазл Балхий) вафот этгач, ўзидан ёши каттароқ бўлган Имом Мотуридийни устоз сифатида тан олади ва иродат қўлини беради. Шундай қилиб, икки дўст, ҳамсабоқ, устоз-шогирд бўлишган буюк Имомлар тўғри йўл ҳисобланган сунний оқимнинг муҳолифларига қарши мазҳабий курашда бошчилик қиладилар.

Баъзи манбаларда тасаввуф алломаси Абу Бакр Варроқни ҳам Имом Абул Қосимнинг илк устозларидан бири деб биладилар. Абу Бакр Варроқнинг 290 (903) йилда вафот этганини ҳисобга олганда, Имом

Абул Қосим ёш йигитлик вақтида Балхга бориб Абу Бакр Варроқга ҳамсуҳбатлик қилган, кўринади. Манбалардан шу аниқланадики, Имом Абул Қосим устозлари Муҳаммад ибн Фазл Балхий ва Абу Бакр Варроқлар воситалари орқали Ҳаким Термизий исми ила машхуру манзур бўлган Муҳаммад ибн Али Термизийга руҳониятли иродатда шогирд ҳисобланган. Ушбу Термизий эса, манбаларга қараганда, “Ҳакимий” номли дарвешлар сулуки асосчиси бўлган. Имом Абул Қосимнинг “ал-Ҳаким” тахаллус нисбаси ана шу ҳамда илми ҳикмат асосчиси бўлгани жихатидан ҳам унга берилгандир.

Имом Абул Қосим фаолият кўрсатган вақтларида, Ўрта Осиё худудида Сомонийлар сулоласи ҳукм сурарди. Бу даврларда Самарқанддаги 17та катта мадрасаларда мўътазилийлар оқими устувор фаолият кўрсатар эди. Боз устига, мўътазилийлар дохийси Абул Қосими Каъбий (Балхда туғилиб, 931й. вафот этган) халифалик пойтахти Бағдодни мўътазилийлар оқими марказига айлантирган ва ислом илми маркази Мовароуннаҳр шаҳарларига кўчгач, Насаф (Қарши) шаҳрига келиб, ўз оқими ақидаларини Ўрта Осиёга ривожлантириш учун мафкуравий фаолият олиб боради. Унга қарши Имом Мотуридий ва Имом Абул Қосим Самарқандий эътиқодий кураш бошлайдилар ҳамда аҳли суннат ва жамоани унинг зарарли ақидаларидан омон сақлайдилар. Мўътазилийлардек “золи музил” (йўлдан адашган) оқим ва баъдмазҳаблар томонидан бутун дунё имоми, деб ўзларича ном қўйилган дохийлари Каъбийга қарши Имом Мотуридий ўзининг машхур “*ат-Тавҳид*”, “*ат-Таъвилот*”, “*Радди авоилул-*

адилла лил-Каъбий” туркумидаги асарлар тўпламини ёзади. Имом Абул Қосим эса ўз навбатида “ас-Саводул-аъзам фил-калом” ва “ал-Эътиқод” туркумидаги асарларини ёзади.

Ўз хаётларини пайғамбар(с.а.в.) суннатидан ташқари чиққан ва оғишган бидъат ақидапарастларнинг зарарли мулоҳазаларини синдириш ва исломнинг тоза ақоидини ҳимоя этишга бағишлаган ушбу буюк Имомлар илмда, амали ҳассосиётда, эҳёда ва тақвода ягонаи замон ва пешвои даврон эдилар. Уларнинг инсоният тарихидаги буюк хизматлари шундан иборатким; улар туфайли илми Калом ва илми Ҳикмат вужудга келди, фикҳшунослик илми такомиллашди, ақидавий парчаланиб кетишнинг олди олинди. Уларнинг хизматлари бутун ислом оламига, Туркия ва Испания орқали Оврўпога кенг ёйилди. Ватандошларимиз бўлган бу икки Имомларнинг мўътазиллийлар, қарматийлар ва ҳар хил бидъат, зарарли оқимларига қарши курашдаги жасоратлари, ёзган асарлари ва натижада сунний оқимни (аҳли сунна ва жамоани) омон сақлаганликлари учун ҳам миннатдор ислом олами Имом Мотуридийни “аҳли суннат раиси”, калом эътиқод илми асосчиси ва “Имамул-ҳуда” (Ҳидоятга бошловчилар Имоми) деб; Имом Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандийни илми ҳикмат ва ҳақиқат (ислом фалсафаси) асосчиси, энг донишманди деб эътироф этишган ва ҳозирга қадар эъзозлаб келишмоқдалар.

Кези келганда, яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизким, ушбу икки буюк Имомлар раҳбарликларида мўътазиллийлар ва қарматийлар оқимлари синдирилгач, 320 (932) йилда сомоний ҳукмдор Наср бин Аҳмад

ислом эътиқодини қайта бузилишдан сақлаш учун ўша даврдаги Самарқанд Қози Калони бўлган Имом Абул Қосим Самарқандийга бир фикҳий-хукуқий қўлланма ёзишни ва ҳамма ушбу қўлланма асосида иш кўриши лозимлигини буюради. Натижада, юқорида номи зикр этилган “*ал-Эътиқод*” асари юзага келади ҳамда бутун ислом оламига асосий қўлланма сифатида тарқалади. Бу ҳодиса Имомларимизнинг буюкликларини яна бир карра исботламоқда.

Ёшлик даврларимдан бошлаб шариат ва тариқатнинг икки буюк Имомлари бўлмиш Абу Мансур Мотуридий ва Абул Қосим Самарқандийлар ҳақида хонадонимизда, донишманд уламоларнинг меҳмонхона гурунгида кўп марталаб эшитар эдим.

...100 ёшдан зиёд умр кўриб, 1969 йилда вафот этган бобом - Эшони Каттахонхожаи Даҳбедий билан машхур Чокардиза қабристони жойлашган мавзегга зиёратга борганимиз эсимда ва у вақтда 4-5 синфда ўқир эдим. Шунда ул зотнинг, “*Бир вақтлар зиёратга келганимда, Мотуридий ва Абул Қосимларнинг қабртошларини кўриб, ёзувларини ўқиганман*”, - деган сўзлари ёдимда қолган эди ва амакиларим ҳам ҳозирга қадар бу сўзларни эслаб туришади. Кўплаб олиму фозилларнинг устози, Нақшбандия тариқати охириги машхур муршидларидан ва Махдуми Аъзам авлодидан бўлган бобом Каттахонхожаи Даҳбедийнинг айтиб кетган бу сўзларига ишонмаслик мумкин эмас эди; Чунки, олдиларига кўплаб адабиётшунос ва тарихчи олимлар, навойишуносу машрабшунослар Тошкенту Самарқанддан келишар ҳамда қадимий тарихга оид саволларига жавоб топиб кетишар эди. Ул зотнинг

шогирдлари орасида Тамхид, Фақирий, Воҳид Абдулла кабилар ҳам ҳар замон келишарди. Ҳатто Ўрта Осиё ва Қозоғистон муфтийси Қори Зиёваддин Бобоҳон бобом ўрнига ҳажи бадал ҳам қилиб берган, ҳар келганларида ноёб китоблар тўхфа қилар эдилар. Каттахонхожаи Даҳбедий жуда кўплаб қадимий китобларни асраб қолган ва шахсий кутубхоналари ҳам бой бўлиб, ҳозирги илм аҳллари ундан фойдаланмоқдалар. Демак, айниқса Самарқанд тарихини жуда яхши билган ул зотнинг Имом қабртошларини ўз кўзлари билан кўрганларига ишонмаслик мумкин эмас эди ва Имомларнинг бу қабртошлари XX аср бошларигача мавжуд бўлган ҳамда кейинчалик йўқолган кўринади.

Шуни айтиш керакки, 1920 йилда Самарқанддаги Чокардиза қабристонини кўргани келган рус олими В.Бартолўд, гарчи Имом Мотуридий қабрини кўрганлигини ёзсада, лекин қабртошлар ҳақида ҳеч нарса демаган эди.

Маълумки, охири Чингизийлар ва Темурийлар даври бошланғич давригача қабрларга (айниқса йирик уламолар қабрига) катта қайроқтошлардан қабртош сифатида фойдаланиш русум бўлган; Темурийлар давридан бошлаб эса катта нақшин мрамартошларга ўтилган. Шундан келиб чиқиб, бизни қизиқтираётган Имомларнинг қабртошлари қайроқтошлардан иборат бўлиши табиийдир.

1992-93 йилларда самарқандлик буюк олимлар қабртошларни излаб топиш гуруҳини тузишга уриниб кўрган эдик. Ўшанда вилоят ҳокимиятида шу соҳада махсус йирик мажлис ўтказилган бўлсада, бу режа амалга ошмай қолиб кетган эди.

Вилоятимиз ҳокимиятига ёзган янаги мурожаат хатимиз туфайли 1996-97 йил қишида Имом Мотуридий ва Имом Бурҳониддин Марғинонийлар қабрларини аниқлаш комиссияси тузилиб, қабржойлари аниқлангач, вилоят раҳбарияти келиб кўришди ва ўша кун қабртошларни аниқлаш бўйича бир илмий гуруҳ тузишга келишдик; Бу илмий гуруҳ “Махдуми Аъзам Даҳбедий Фонди” номи билан фаолият кўрсата бошлади. Шундан сўнг, биз энг аввало буюк Имомлар қабрларини ва қабртошларини излашга киришдик. Қадимий вақфномалар, эски геодезик, географик хариталар асосида Имомлар - Мотуридий, Абул Қосим Самарқандий ва Марғинонийларнинг қабржойлари аниқланди. Лекин, уларнинг қабртошлари топилмади. Шундан сўнг, эски архив ҳужжатларини ахтаришга киришдик. Бир архив ҳужжатида, - *“Шайх Мотуридий мозоридаги бир қанча ёзувли қайроқтошларни 1927 йил 24 декабр кунда рус археологлари П.Архангелйский ва И.Сухарёвлар томонидан олиниб, музейга топширилганлиги”*, - ҳақидаги ёзувни ўқиб қолдик. Сўнг, музей-кўрикхонага қарашли Ўлкашунослик филиали ертўлаларини кўздан кечириш учун рухсат олдик.

Икки шогирдимизни ертўлага тушириб, қайроқтошларни бирма-бир бизга узатишни илтимос қилдик. Аммо, музей ходимларидан бири ертўлада илон ва чаён бўлиши мумкинлиги боис эҳтиёт бўлишни таъкидлагач, дарҳол шогирдларни ертўладан чиқариб, ўзимиз тушлик. Ертўлада жуда кўп (юзга яқин) қайроқтошлар тўпланган экан. Буларни ҳаммасини ўқиб чиқишга қанча вақтимиз кетар экан, - деган хаёл билан энг чеккада ётган катта ва чети синик қайроқтошни

танлаб кўлимга олган эдим, бахтли тасодифни қарангки, неча йил ахтариб юрганимиз Имом Абул Қосими ал-Ҳаким Самарқандий ҳазратларини минг йиллик қадимий қайроқтошлари бўлиб чикди. Мен билан бирга ертўлага киришган филиал директори Раим Қаюмов, бўлим бошлиғи С. Измайлова ва бошқалар: -“*Ҳазрати Имом руҳониятларининг кароматлари туфайли осонлик билан топдингиз*”, – деб хурсанд бўлишди.

Буюк Имомлардан – илми Ҳикмат асосчиси Ҳазрати Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг ушбу топилган ва минг йиллик тарихга эга бўлган катта қайроқтошлари, бир вақтлар раҳматли бобом кўриб ўқиган ўша қабртош бўлиб, юртимизда буюк Имомларнинг топилган қабртошларидан энг биринчиси бўлди. Имонимиз комилки, бошқа бузургворларнинг ҳам ана шунақа асл қабртошлари тезда топилгай, иншоАллоҳ!

Савол туғилади: юртимизда қайроқтошли қабртошлар илгари ҳеч тадқиқ этилганми ё йўқми?

1993 йил бошларида музей-кўрикxonанинг Шарк кўлөзма китоблари бўлимига ишлаб юрган вақтимизда, Тожикистонлик профессор Л. Додхудоева ўзининг “*Эпиграфические памятники Самарканда, XI-XIV вв. Том-Г*” (Самарқанддаги эпиграфик ёзувлар) деган монографик китобининг бир-неча нусхасини музей ходимларига тўхфа қилиб юборади. Китобда маълум бўлишича, муаллиф ва Тожикистон Фанлар Академияси академиги А. Мухторов илмий раҳбарлигида Самарқанд қайроқтошларини тадқиқ этишган эканлар.

Дарҳақиқат, қадимий ёзувли қайроқтошларга Самарқанд жуда бой бўлиб, бу ноёб тарихий манбаларни

Ўзимиз қолиб, хориждан келиб тадқиқ этиб кетишлари биз учун табиий ҳол бўлиб қолиши ажабланарлидир. (Ўшанда, 1993 йили ўзимизда ҳам шу соҳалардаги тадқиқотларни илмий асосда олиб борилса, яхши бўлар эди, деган ғоя билан юқори илмий ташкилотларга чиқиш қилган эдик). Китобда келтирилган қайроқтошлар каталогига қараганда, Тожикистонлик олимларнинг қўлларига 178-рақамли Имом Абул Қосим Самарқандийнинг ҳам қайроқтошлари тушган; Лекин, улар қайроқтошни ёзувларини ўқиб, бошқа кимсага тегишли (VI ҳижрий ва XII милодий асрга оид) деб ўйлашиб, 200 йилга адашишган; яъни муаллифлар фикрини айнан келтирамиз: “Считаем возможным датировать кайрак третьей четвертью VI/XII в.” (Қайроқ санаси VI ҳижрий ва XII милодий асрнинг учинчи чорагига оид деб ўйлаймиз), – деб нотўғри хулоса чиқариб юборишган. Балким, муаллифлар буюк Имомлардан ҳисобланмиш Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандий ҳақларида эшитишмаган бўлишлари ва шунинг учун ҳам аҳамият беришмаган бўлишлари мумкин; лекин уларнинг ана шу хулосалари туфайли қолганлар ҳам адашишган, кўринади. Муаллифни чалғитган нарсаси шулким, “Абул Қосим” исми - кунияси билан жуда кўп олим ўтгани эди. Исломи тарихида илк бор ушбу куняни олган киши – Он Ҳазрат пайғамбаримиз (с.а.в.) эдилар. Яна шуниси ҳам борким, айнан “Абул Қосим Самарқандий” нисбаси ва номи билан тарихда тўрт киши ўтган:

1) XI асрда Қорахонийлар даврида ўтган Абул Қосим Самарқандий бўлиб, кейинчалик Қорахонийлар томонидан Абул Қосим Самарқандий - Муҳаммад бин

Юсуф, Ҳанафий фикҳ олими; 556 (1161) йилда вафот этади; *“Жомеъул-фатво”* китоби машҳурдир. Бу китобни яна *“Жомеъул-кабир”* деб ҳам атайдилар. Ва яна *“Мултаҳид”* ва бошқа асарлари бўлгандир (Туркияда чоп этилган *“Том илми ҳол”* асаридан).

3) Имом Носируддин - Абул Қосим Самарқандий бўлиб, 536 (1141) йилда Самарқанддан Балхга кўчиб кетган. У ҳақда 1640 йилда ёзилган *“Баҳрул-асрор фи манотибул-аҳёр”* китобида ёзилгандир.

4) Ва ниҳоят, бизнинг буюк имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий ҳазратлари бўлиб, ул зот IX асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда туғилиб, X асрнинг 953 йилида шу ерда вафот этгандурлар.

Кўриб турганимиздек, юқорида келтирилган бир номли тўрт шахснинг иккинчи ва учинчиси XII асрда яшаб ўтган ва Тожикистонлик муаллифлар ушбу икки шахслардан бирини назарда тутишаётган бўлсалар керак.

Энди, яна савол туғилади: Бир вақтлар Тожикистонлик олимлар назаридан ўтиб, уларни чалғитган ҳамда музей-кўрикхона фонди ертўлаларидан яқинда қайтадан қалқиб чиққан ушбу қайроқтош ҳақиқатан ҳам буюк Имомнинг қабртоши эканлигига нима далил-исбот бўла олади?

Қайроқтошда ушбулар ёзилган: *“Ҳаза қабр аш-Шайхул-Имом Абул Қосим Исҳоқ бин Муҳаммад ал-Ҳаким раҳматуллоҳи алайҳир-раҳматул ваасиату тувуффия фил-жумъати ва хува явми Ашуро санати...”* (шу ерда қайроқтошнинг пастки ёзувлари, яъни йил санаси ёзилган жойи синиб йўқолган). Таржимаси: *“Ушбу қабр Имомлар Шайхи Абул Қосими Исҳоқ бин*

Муҳаммад ал-Ҳақимга тегишлидур. Худо уни кенг раҳматига сазовор этсин; Ашуро (муҳаррам ойининг ўнинчи куни, К.К.) жума кунида вафот этди... вафот йили..." (давоми сингандир).

Қайроқтошдаги шахсинг номи, кунияси, тахаллуси, отасининг исми, вафот этган кун (жума ва ашуро куни), вафот этган ой, хуллас ҳаммаси Имом Абул Қосимнинг сифати, номи, ой ва кун саналарига мос келмоқда. Фақатгина, йил санаси ёзилган жой синиб йўқолган бўлиб, ишончимиз комилки, у ҳам Имом санасига тўғри келган бўлади. Кўп китобларда, Ҳазрати Имомнинг сифат ва саналари келтирилган бўлиб, қайроқтошдаги ёзувларнинг айнан ўзига мосдир. Масалан, "Фаслул-хитоб..." ва "Сафинатул-авлиё" кўлёмаларидан мисол келтиришимиз мумкин. "Фаслул-хитоб"да, Имомнинг юқоридаги сифатлари қабртошдагидек айнан келтирилгач, кейин ушбу ёзилган: *"ва қад тувфия раҳматуллоҳ фил муҳаррами явми ашуро санати иснотайни ва арбаъина ва саласа миати ба Самарқанд ва дуфина ба мақбарати Чокардиза..."*. Таржимаси: *"ва таҳқиқ бул киши вафот этдилар (Аллоҳнинг раҳмати ул зотга бўлсин) муҳаррам ойининг ашуро кунида 342 (953) йилда ва Самарқанднинг Чокардиза мавзеида дафн этилдилар"*.

Тарихда ўтган бошқа Абул Қосимларнинг бирортасининг ҳам ой, кун, ҳафта санаси, номи, кунияси, отасининг номи ва сифатлари қайроқтошдаги ёзувларга тўғри келмай, фақатгина илми Ҳикмат асосчиси буюк Имомлардан бўлган Шайх Имом Абул Қосим Исҳоқ бин Муҳаммад ал-Ҳақим ас-Самарқандийнинг исмларигина мос келмоқда ҳамда бунга заррача

ҳам шубҳа йўқдир. Демак, Тожикистонлик олимлар томонидан, қайроқтошларнинг қайси асрга оидлигини билиш учун фойдаланилган декоратив-полиографик усул унча ўзини оқламаётир.

Шундай қилиб, комил ишонч билан айта оламизки, 178-рақами билан Самарқанд Давлат музей-қўриқхона ертўласида сақланаётган қайроқтош ислом оламининг бармоқ билан санокли буюк Имомларидан бири - Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий ҳазратларига тегишли бўлиб чиқди.

Ул зоти бобарокотнинг қабрлари кўп манбаларда таъкидланганидек, Имом Мотуридий қабрлари ёнгинасида, чап ёнбошида жойлашган бўлган. Бу зотлар Чокардиза қабристонидан илк кўмилган шахслар қаторига кириб, кейинчалик уларнинг қабрлари атрофида бошқа алломалар ҳам дафн этила бошланган.

Энди, навбатдаги вазифа, Чокардизада аниқланган Имом Мотуридий мақбаралари ёнидаги Имом Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандий мақбараларини ҳам тиклаб, ушбу қайроқ-қабртошни ажойиб бир тарзда ўрнатиш лозим; чунки унинг асл жойи ўша ердир. Зеро, ҳозирга қадар ушбу Имомлардек, улуғ зотларнинг бирорталарини ҳам қабртош-қайроқтошлари топилмаган экан, минг йиллик тарихга эга ушбу топилмани келадиган зиёратчиларнинг табаррук этишлари учун, ул зотнинг руҳи покларига дуойи фотиҳа билан йўқлашлари учун ўз ўрнига қайтариш ҳам фарз ва ҳам қарзидир (олдинроқ бўлсада айтишимиз жоизким, яна бир буюк имомнинг қабртошини топишга муваффақ бўлдик; бу-Имом Растуғфонийнинг қайроқтоши бўлиб, пастда ул зот тўғрисидаги бобда келтирилди).

Ш-БОБ

ИМОМ АБУЛ ҲАСАН ар-РАСТУҒФОНИЙ

Ислом оламида аҳли суннат ва жамоат аталмиш сунний оқим фикҳшунослиги пешво, муқтадо илм ҳисобланганидек, сунний оқим фикҳшунослигида эса Мовароуннаҳр, жумладан Самарқанд фикҳшунослик мактаби намоёндалари олдинги ўринни эгаллаб келганлар. Фикҳшуносликка оид манбаларда ислом оламида сунний оқимида, энг кўп истифода ва эътимод этиладиган машхур алломалар сирасига Имом Аъзам, Имом Шофеъ, Имом Молик, Имом Ҳанбал, Имом Абу Юсуф, Имом Шайбоний, Имом Мотуридий, Имом Ашъарий, Имом Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандий, Имом Растуғфоний, Имом Абу Лайс, Имом Ғаззолий, Имом Марғиноний, Имом Зуфар, Имом Мустағфарий кабилар фикҳшунослик илми ва унга боғлиқ ҳадисшунослик, каломшунослик илму фанларининг шаклланишида буюк хизматларини адо этиб кетгандурлар. Шундай бузург алломалар орасида Имом Растуғфоний алоҳида ўрин эгаллайди. Ул зот факеҳ, мутакаллим, муҳаддис бўлиш билан бирга, Ҳанафия мазҳаби раёсати раҳбарларидан бири ҳам эди.

Ота-боболаримдан қолган ривоятлар бўйича Имом Растуғфоний даража ва мартаба жиҳатидан буюк Имом Мотуридий билан деярли тенг алломалардан ҳисобланган, деганлари эсимда бор. Бобом Эшони Каттахонтўра Даҳбедий ва катта онам Муҳтарамхон Қози Зикриёхожа қизининг ҳар кунлик беш вақт намоз дуоларида бу табаррук ном ҳам тилга олинарди.

Фикҳшунослик илмига оид Ўрта Осиёда машхур китоблардан ҳисобланган ҳамда пайғамбар(с.а.в.) ҳадислари асосидаги фикҳий ҳукмлардан ташкил топган Фақиҳ Масъуднинг “*Саловоти Масъудий*” асарида (асарнинг уч қўлёзма нусхаси каминада мавжуд) Ҳазрати Имом Растуғфонийдан ҳадислар, фатво ва шаръий ҳукмлар ривоят қилинган бўлиб, юқорида келтирилган алломалар қаторида зикр этилганлиги унинг катта мавқеи ва баланд нуфузини англатиб турибди, лекин шуларга қарамай ул зотнинг қайси юртдан келиб чиққанлиги бизга қоронғи эди.

Имом Бухорийнинг Халқаро анжуманлари тадбирлари юзасидан, вилоят-шаҳар ҳокимиятлари томонидан Тошкентга илмий сафарга юборилган эдим. ЎзФА Шарқшунослик институтида бўлганимизда, ас-Самъонийнинг “*Китабул-ансоб*” (XII асрда ёзилган) асарининг танқидий матни¹ қўлимизга тушиб қолган эди. Ас-Самъоний ўз асарида Имом Растуғфонийни бузург имомлардан эканлигини таъкидлаш билан бирга, унинг Самарқанд вилоятидаги Растуғфон қишлоғида туғилганлиги қайд этилганди. Ёкутийнинг “*Муъжсамул-булдон*” асарида ҳам юқоридаги фикр таъкидланган экан.

В.Бартольднинг “*Сочинение*” тўпламида “Имомнинг қабри Самарқанд вилоятидаги **Бейли Ата** мавзеида жойлашган”, -деган таъкиди келтирилган эди.² Рус тилидаги *Бейли Ата* топоними ўзбекчасига Бойли Ота

¹ Самъани. *Китаб ал-ансаб*. (под ред. Ш.Камалиддинова). Т. “Фан”. 1993.

² Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия// Сочинение.9т. Т. 1. М. 1963.

бўлса керак, деган фикрга келдик.

Сафардан қайтиб келиб, биринчи ишимиз вилоятдаги қадимий Растуғфон қишлоғини излаш бўлди; ва ҳозирги Иштихон туманига қарашли Бойлота (Бойли ота) мавзеини ахтариб топишга эришдик. Қишлоқ оқсоқоллари билан бирга жуда қадимий қабрни бориб кўрдик. Улар, оғиздан-оғизга кўчиб келган ривоят бўйича ушбу қабр жуда катта авлиёга тегишли эканлигини таъкидлашди, аммо унинг номи номаълум эканини айтишди. Бу, файз асари билиниб турган мазор Имом Растуғфонийнинг қабри эди.

Шундан сўнг, қишлоқ ҳақидаги қадимий ҳужжатли маълумотларни ва имом тўғрисида ёзилган қадимий манбаларни қидира бошладик. Темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар манғитлар сулолари ҳукмдорлиги даврларига оид тарихий асарларнинг бир қанчасини кўриб чиқсакда, Растуғфон ва Бойли ота географик номларини топа олмадик. Сўнг бошқа манбаларни ҳам ахтара бошладик. Яна ҳам қадимроқ даврларда ёзилган фикҳий, илмий асарларда, масалан Масъуд бин Маҳмуд бин Юсуф ас-Самарқандий (фақиҳ Масъуд)нинг XIV асрда ёзган “*Саловоти Масъудий*” асарида Имом Растуғфонийдан кўп ҳадис ривоятлари, шаръий ҳукмлар келтирилиб, сунний оқимдаги буюк Имомлар қаторида тилга олингандир. Тарихий асарлар орасида ас-Самъонийнинг “*Китабул-ансоб*” асарида Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги мавзе “*Растуфағн*”, “*Растағфор*” каби шаклларда ёзилгани, ушбу китобнинг юқорида келтирилган танқидий матнида келтирилишича эса Ёқут ал-Ҳамавийнинг

“Муъжсамул-булдон” (1906 йил Қоҳира, Мисрда чоп этилган) асаида “*Рустағфон*” ва “*Растағфир*” шаклида келтирилган экан. Машҳур Тожикистонлик шарқшунос олим, академик Бобожон Ғофуров ўзининг “*Таджики*” номли II томли фундаментал асаида келтирилишича, Самарқанд яқинидаги “*Рустфағн*”; Каттакўрғон яқинидаги “*Хушүфағн*”; Ургут яқинидаги “*Кўкишибағн*” каби мавзеъ номлари қадимий Сўғд сўзи “вағн” (ибодатхона)дан олинган ҳамда X-XIII аср тарихчилари ўз асарларида шу сўзни “фағн” каби ўзгартирилган тарзда ном кўйилган кўп кишлокларни ёзиб ўтишган, деб таъкидланган.³

XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанда вилоят географик тузилиши, мавзеълар жойлашишини махсус ўрганишган академик Б.Бартольд (*Сочинение т-1, 184-стр. “Биографические очерки Мавереннахра”*) ва Л.Вяткин (*Материали 49-стр*)лар Иштихон туманидаги ҳозирги Бойли ота мавзеида бўлишиб, Имом Растуғфонийни мақбараларини ўз кўзлари билан кўришган ҳолда билимли олим ва муллалардан тарих ёзиб олишган. Бундан ташқари, манбаларга қараганда, қадимги Иштихон ерларида “Фон” кишлоғи ҳам бўлган.

Бизнингча эса, эски сўғд тилида “*Рустфағн*” (мустаҳкам ибодатхона), “*Рустақифон*” (фон манзили), “*Рустақифар*” (порлок, ҳашаматли манзил, кишлок) каби ҳар хил маънони чиқариш мумкин бўлиб, лекин бизга энг асосийси шулки, юқоридаги барча олимларнинг бир фикрда бўлиб, ҳозирги Бойли отанинг қадимий номи **Рустақифон** бўлиб, кейинчалик

³ Б.Ғофуров “*Таджики*”, Душанбе, “Ирфон”, 1989. I-том, 364-стр.

Растуғфон аталиб кетганлиги ҳамда ушбу қишлоқда буюк Имомлардан бири туғилганлигини ас-Самъоний каби фикҳшунос тарихчининг қатъий таъкидлаши ҳамда Бартольд каби шарқшуноснинг манбага асосланиб Имом қабрини махсус зиёратига келиши бежиз эмас ва бу ҳам биз учун муҳимдир.

Юқоридаги манбага асосан, ас-Самъоний ўз асари *“Китабул-ансоб”* да ёзади: *“Имом Абул Ҳасан Али ибн Саъид ар-Растуғфоний Самарқанд вилоятининг Растуғфон қишлоғида туғилган ва 350/961 йилда вафот этгандир; У машҳур ҳадисшунос, Ҳанафий мазҳабидаги фикҳшунос. Ислоҳ ҳуқуқшунослиги (фикҳ) бўйича уч асар ёзади”*.

Аммо, ас-Самъонийнинг фикрича, машҳур имомлар Абу Мансур Мотуридий ва Абул Қосим Исҳоқ Самарқандийлар Имом Растуғфонийдан илми ҳикмат, илми ҳақиқатни ўрганишган шогирдлари бўлишган эканлар?! Бу фикр жуда нотўғри бўлиб, аксинча, Имом Растуғфонийнинг ўзи Имом Мотуридий ва Абул Қосимларга шогирд бўлган.

Бошқа бир манбада эса, *“Абул Ҳасан Али ибн Саъид Растуғфоний- Самарқандий (XII аср) ҳадисшунос, фикҳшунос; имом Абу Мансур Мотуридийнинг биографияси ҳақидаги китоб муаллифидир”*, - деб ёзишган.

Аҳамиятлиси шулким, турли манбаларда турли тарзда ёзилган бўлсада, барчасида ҳам машҳур фикҳ ва ҳадис Имоми бўлганлигини у ё бу тарзда баён қилинган. Аммо бу манбалар орасида, албатта Имом ас-Самъонийнинг *“Китабул-ансоб”* китоби нисбатан ишончли ҳисобланади. Чунки, муаллифнинг

ота-боболари машхур ҳадисшунос, фикҳшунослар ўтишган. Ўзи ҳам бу борада замонасининг машхур олимларидан саналган. Боз устига, илм йўлида ислом оламидаги ўнлаб шаҳарларни саёҳат қилиб чиққан. Ас-Самъоний икки марта Самарқандга келиб кетган. Бу келишларида у машхур имомлар ҳақида маълумотлар йиғган, зиёратлар қилган ва натижада ўзининг машхур “*Китабул-ансоб*” асарини ёзган. Бу асар ислом олимлари тарихи ҳақида ишончли манбалардан бири ҳисобланади. Баъзи маллифлар имомнинг қабрини Бухорода деб ҳам фикр билдиришган. Аммо, юқоридаги вазлар бу фикрни рад этмоқда.

Манбаларга қараганда, Имом Растуғфоний кўп умр кўрган, кўринади. Вафот этгач, ўз юрти Иштихондаги боғида кўмилган.

Ўша пайтларда машхур кишиларни ўз боғ ва хонақоҳларида кўмиш одат тусига кирган. Жумладан, Имом Бухорий ўзларининг қариндошлари боғида, Имом Абул Фазл Балхий ўзларининг ҳозирги Дахбед шоҳ кўчасидаги боғларида, шунингдек, Имом Дорамий, Хожа Абду Берун, Хожа Абду Дарун, Хожа Ахрори Вали, Махдуми Аъзам Дахбедий ва Шайх Худойдоди Вали қабила ҳам ўз боғларида дафн этилишгандир. Юқоридаги алломалар қаби Имом Растуғфоний ҳам Иштихон туманидаги ўз боғи ва хонақоҳларида дафн этилганлар.

Энди, Имом Растуғфонийнинг Чокардизадан топилган ёзувли қабр қайроқтоши ҳақида!

2000 йилда Имом Мотуридийга бағишланган Халқаро анжуман арафасида Чокардизада Республика Ҳукумати Комиссияси иш олиб боради. Комиссия

қошида иш олиб борган илмий гуруҳлардан бирининг раҳбари ушбу сатрлар муаллифи эди. Бизнинг ишимиз Имом Мотуридийнинг аниқ қабржойини кўрсатиш, манбалар йиғиш, ҳудуддан топилган қабртошларни ўқиб кимга тегишли эканини аниқлаш ва натижада чопга китоб тайёрлаш эди.

Маълумки, юқорида таъкидлаганимиздек, охириги Чингизийлар давригача уламолар қабрларида ёзувли қайроқтошлар қабр тоши сифатида қўйилар эди. Шунинг учун Чокардизадан топилган қабртошларнинг деярли 90% фоизи ёзувли қайроқтошлардан иборат эди.

Ҳукумат комиссияси илмий гуруҳида ишлаган вақтимизда ушбу сатрлар муаллифи ҳар куни Чокардизада ковлаб топилган қайроқтошлардан ёзувли калькани кўчириб келардим ва уйда ўқир эдим. Шундай калькалардан бирида ёзилганди: “*Ҳаза қабр аш-шайхул-имом аз-зоҳид Абил Ҳасан Али бин Саъид ар-Растуфағний, раҳматуллоҳи алайҳи*” (Ушбу қабр имомлар шайхи ва зоҳид Абул Ҳасан Али бин Саъид ар-Растуфағний қабридир, Худо уни раҳматига сазовор этсин).

“**Растуфағний**” нисбаси менга жуда таниш туюлди. Ахир, бу “**Растуғфоний**” эмасми? Қайроқтош эгасининг *қунияс*и (Абил Ҳасан), *номи* (Али), *тахаллус*и (Растуғфоний) ва *қўшимча илмий унвони* (шайх ул-имом уз-зоҳид) деб ёзилган бўлиб, барчаси қадимий манбаларда келтирилганидек Имом Растуғфоний нисбаларига жуда мос келаётир ва тарихда ушбу нисбалар билан бошқа имом ўтмаган. Хурсандликдан бақриб юборибман.

Қайроқтошда фақат арабий “**гайн**”(Ғ) ва “**фо**”(Ф)

харфларининг ўрни алмашган. Дарҳақиқат, баъзи қадимий муаллифлар имом тахаллусини “Растуфғаний” деб, бошқалари эса “Растуғфаний” ёки кейинчалик “Растуғфоний” деб ёзишган. Юқорида Растуғфоний атамаси тўғрилигини кўриб ўтган эдик. Аммо, нега имомнинг қабртоши Иштихон туманининг Бойлота мавзеидан эмас, Чокардизадан топилди? Ахир, унинг қабри Бойлотадаку?!

Қабртошнинг Самарқанддан топилишига икки сабаб бўлиши мумкин: биринчидан, негадир қайроқтошда сана, яъни вафот этган йили ва куни йўқлиги иккиламчи қабртош эмасмикин, деган хаёлга этади; иккинчидан, бир архив хужжатида: *“Шайх Мотуридий мозоридаги бир қанча ёзувли қайроқтошларни 1927 йил 24 декабр кунда рус археологлари П.Архангельский ва И.Сухарёвлар томонидан олиниб, музейга топширилганлиги”*, - ҳақидаги ёзувни ўқиб қолган эдик. Ушбу икки нафар рус археологлари вилоятдаги барча зиёратгоҳ ва қадамжоларни айланиб, машҳур шахслар қабртошларини йиғиш ишлари билан машғул бўлишган. Бартольд ва Вяткин ҳамроҳлигида Иштихонга борганларида ушбу қайроқтошни келтириб Мотуридий даҳмасига қўйган бўлишлари мумкин. XX аср бошларида қабристон ҳудудия ҳудийлар маҳалласига айлангач, улар томонидан Чокардиза яқсон этилади; натижада бошқа қайроқтошлар каби ушбу қайроқтош ҳам ер остига қўмилиб кетган, кўринади (кези келганда айтиш жоизким, энг машҳур шахслар Имом Мотурдий ва Имом Марғиновичнинг қабртошлари ҳозиргача топилмаганлигидан Архангельский ва Сухарёвлар тошни сувенир-совға сифатида юртларига олиб

кетилмадимикин, деган гумонга борамиз).

Имом Растуғфоний тарихи (ва қайроқтоши) тўғрисида юртимизда илк маълумотларни ушбу сатрлар муаллифининг 1998 йилда Имом Бухорий Халқаро анжуманига атаб ҳокимият томондан чоп этилган “Самарқанднинг буюк алломалари”⁴ номли ҳамда 2000 йилда Имом Мотуридий Халқаро анжуманига атаб чоп этилган “Имом Мотуридий ва Чокардиза”⁵ номли китобларимизда баён қилган эдик.

Шундай қилиб, ушбу сатрлар муаллифи Ўзбекистоннинг энг буюк алломалари ичида фақат икки зотнинг-Имом Абул Қосим Ҳакими Самарқандий ва Имом Абул Ҳасан Растуғфонийлар асл қабртошларини топишга муяссар бўлди. Бунгача, юртимиздабукабиэнгбуюкалломаларнинг бирортасини асл қабртоши топилмаган эди. Ушбу икки алломанинг ҳар бири замонасида Ҳанафия мазҳаби раёсати раҳбари бўлганлиги-мартабаларининг нақадар улуғлигидан дарак беради.

Энди, Иштихон манзили ҳақида гапириб ўтсак; Иштихон қадимда шаҳар бўлган ва Самарқанднинг шимолий-ғарбида 65 км. узоқликда жойлашган. Иштихон жуда қадимий мавзедур. Вилоятимиздаги Самарқанд шахридан кейин, Иштихон, Соғарж, Дабуссия каби кичикроқ манзиллар қадимий ҳисобланиб, ўрта асрлар ибтидосида Иштихон ҳокимлиги пойтахти шу ер

⁴ К.Каттаев. Самарқанднинг буюк алломалари. Самарқанд. Зарафшон. 1998.

⁵ К.Каттаев. Имом ал-Мотуридий ва Чокардиза тарихи. Самарқанд. СамДУ. 2000.

бўлгандир. VII аср охири VIII асрда у Сўғд давлатига киритилиб, унинг замиридаги, мустақил вилоятлардан бири ҳисобланган. Ўрта аср географик маълумотларига қараганда, ўша вақтлардаги Иштихон вилоятининг масофаси энига бир манзилга (беш фарсах ёки 40 км.га) тенг бўлса, узунлигининг масофаси беш манзилга (25 фарсах ёки 200 км.га) тенг бўлган экан.

Қачонки, VIII асрда Самарқанд шаҳри ислом динига мушарраф бўлгач, бу ердаги Сўғд подшолиги (ихшидлари) Иштихонни ўзларига пойтахт қилиб оладилар. Иштихонда деҳаю қишлоқ ва боғу роғлар жуда кўп, ери серҳосил ҳамда Зарафшон (Кўҳак) дарёсидан келтирилган ариқлар орқали сув ичади. IX-X асрларда Иштихон шаҳри кенгайиб, шахристон, қалъа ва работдан иборат бўлган. Иштихондан тижорий карвон йўли (буюк ипак йўли) ўтар эди ва бу ерда савдо-сотик жуда ривожланган эди. Кейинчалик, бу мавзеъ харобага айланиб, қадимий шаҳар ўрнида кичик деҳа бунёд этилган. Ҳозирги даврда Иштихон мавзеи шаҳарга қайта айлангандир.

Энди, нега Иштихон, деб аталиши масаласига келсак, аввал халқ орасида бу борада ҳар хил ривоятлар юради. Бу ерни тадқиқ этган профессор Л.Вяткиннинг фикрича, - бу ердаги Тенғиз аригининг қадимий номи Шойсан ёки Шайхон бўлганлиги натижасида “Иштихон” топоними вужудга келган, - дейди.

Бизнингча эса, Иштихон юқорида айтганимиздек, VIII асрда Сўғд подшо-ихшидларнинг пойтахти бўлган (470 йилдан бошлаб, Самарқандда ҳукмронлик қилган эфталитлар, оқ гуннлар сулоласининг ҳокимларига-ихшид, дейилган). Пойтахт бўлгунга қадар анча

қадимий тарихга эга бўлган Иштихонни қадимий Хитой манбаларида “Синдихон”, қадимий араб тарихий китобларида “Иштихон”, деб зикр этишган. Яъни, Сўғд ихшид ҳоқон-хонлари мавзеси бўлгани учун “Ихшидхон” сўзи бузиб айтилиши натижасида “Иштихон” топоними келиб чиққан.

Ана шундай қадимий мавзеда Ҳазрати Имом Абул Ҳасан Али ибн Саъид ар-Растуғфоний ал-Иштихоний ас-Самарқандий яшаб, ижод этган ва шу она юртида дафн этилган.

Устоз-шогирд масаласида икки оғиз сўз!
Негадир кейинги давр тадқиқотчилари Растуғфонийни Мотрудий ва Абул Қосим ал-Ҳакимнинг устозидир, деб таъкидлашмоқда. Бизнингча, бунга 1980-1982 йилларда Байрут (Ливан)да ас-Самъонийнинг “*Ал-Ансаб*” китобининг Абдурахмон ал-Муаллимий ал-Яманий томонидан амалга оширилган нашридаги хатолик сабаб бўлса керак.

Имом Растуғфонийни Имом Мотуридий (333/944й ваф.) ва Имом Абул Қосим (342/953й ваф.)ларнинг устози деб ҳисоблаганлар Имом Растуғфонийнинг 350/961 йилда (яъни, Имомлар Мотуридий ва Абул Қосимлардан кейин) вафот этганини ҳисобга олишиб уни 100 ёшдан ортиқ умр кўрган бўлса керак, деб ҳисоблашган. Устоз шогирдларидан 10-15 йил кейин вафот этган экан, демак узоқ умр кўрган деган фикрни олға суришган. Ваҳоланки, Имом Растуғфонийнинг туғилган йил санаси мавҳумдир.

Аслида эса, Имом ар-Растуғфоний юқоридаги буюк алломаларга устоз бўлмай, аксинча шогирд ҳисобланган ва ҳатто устози Имом Мотуридийнинг биографиясини

ёзган, деган фикрлар исботли ва ҳақиқатга яқиндир.

Имом Растуғфонийнинг шогирди факих ва муфтий Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Юсуф ан-Насафий шундай деган: *“Мен Абул Ҳасан Али ибн Саъид ар-Рустафганининг қуйидаги сўзларини эшитдим: “солиҳ кишилардан бири тушида Абу Наср ал-Иёзийни кўрди, ул кишининг олдиларида бир лаганда гул ва бир лаганда шакар (ёки қанд) бор бўлиб, гул тўла лаганни Абул Қосим ал-Ҳакимга, шакар тўла лаганни эса Абу Мансур ал-Мотуридийга узатдилар. Иккалалари Абу Наср ал-Иёзийнинг шогирдлари бўлиб, Абу Мансур ал-Мотуридий илми ҳақиқат (илм ул-калом) ва Абул Қосим ал-Ҳаким илми ҳикмат билимдонлари бўлишиди”*.⁶

Имом Растуғфонийнинг бу сўзлари шогирднинг устозларга нисбатан айтилган сўзлари эканини тасдиқлайди ва бунинг устига Растуғфонийнинг сўзларидан ушбу икки алломанинг устози Абу Наср ал-Иёзий эканлигига қатъий урғу берилаётгани аниқланмоқда. Шубилан бирга, Имом Растуғфонийнинг бу сўзлари баъзи тарихчи муаллифлар айтганларидек, *“Имом Растуғфоний Имом Мотуридийнинг биографиясини ёзган шогирдидир”*, деган фикрлари тўғрилигини исботламоқда.

Имом Растуғфоний ривояти: Қадимий манбаларда қабр масаласида сўз кетганда Имом Растуғфоний ва Имом Ғаззолийдан шаръий ривоят келтириш удумга айланган. Носириддин ал-Ҳанафий ал-Хусайний ал-Бухорийнинг *“Тўҳфат уз-зоъирий”* асарида келтирилади: *“Шайх Абул Ҳасан Растуғфонийдан сўрашиди: дунёдан ўтганларни қандай ният билан*

⁶ ан-Насафий. Самарқандия (Б.Набихон тарж.). 108-109 бетлар.

зиёрат қилиш мумкин? Деди: тўрт ният билан зиёрат қилурлар: биринчиси-ўтганлар ҳурматиغا таъзим баъжо келтирмақ; иккинчиси-агар ўзи вафот этганда бошқалар ҳам уни зиёрат этишларини умид қилиш ниятида; учинчиси-ибрат учун, яъни тоатга юзланиб ёмон ишлардан ўзини тийиб пврҳезга ўтиш учун; тўртинчиси-Худои таоло унинг турмушини фароғ этиши ниятидаким, токи бошқаларга муҳтож этмаслиги учундир... ва энг яхшиси шулким, пайшанба ё жума кунлари зиёрат қилсин ва ўтганларга атаб садақа ва дуони ҳам шу кунларда қилсин”...

Юртимизнинг энг буюк алломаларидан бири Ҳазрати Имом Растуғфонийнинг қабржой-дахмаларини халқ зиёрати учун қайта тиклаш давр талабидир!



IV-БОБ

ИМОМ АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙ

Ислом олами калом илмининг энг буюк алломаларидан яна бири Имом Абу Лайс Самарқандий бўлиб, фикҳ ва калом илмидан ташқари тафсир илмида ҳам буюк асарлари туфайли беқиёс сарафрозликларга эришган. “*Бўстон ул-орифин*”, “*Танбеҳ ул-зофилин*”, “*Муқаддима*” ва “*Тафсири Абу Лайс*” номли китоблари машҳурдир. Ушбу сатрлар муаллифи ўзининг 2003 йилда чоп этилган “*Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривож*” номли китобида Имом Абу Лайс Самарқандийнинг хонақоҳи ва мадрасаси тарихи тўғрисида илк маълумотларни баён қилган эди.⁷ Ушбу ёзишмамизда ҳам баъзи бир жוליбий фикрларни айтишимиз лозим кўринади.

Имомнинг *номи Наср бин Муҳаммад*дир;

Алломанинг *қунияси* эса *Абу Лайс* (яъни, Лайсинг отаси, тўнғич фарзандларидан бирининг исми Лайс бўлса керак, деган фикр мавжуд) бўлган. Шунингдек, “*Фиёс ул-луғот*”⁸ китобига ёзилишича “Лайс” сўзи “шер” маъносини англатиб, “асад” сўзи билан бир маънода келади;

Имомнинг *тахаллуси* “Самарқандий” бўлиб, шу нисба билан машхуру манзур эди (зеро, минглаб уламолар бу тахаллусга эга бўлсаларда, бир қўл бармоғи

⁷ К.Каттаев. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривож. Самарқанд. Зарафшон. 2003.

⁸ Муҳаммад Фиёсуддин. *Фиёс ул-луғот*. XIXаср. Литография. Когон. Муал. шахс. кутубхонаси.

хисобидаги алломаларгагина бу тахаллус мусалламрок эди. Қадимий китобларда қисқа “Самарқандий” нисбаси тилга олинса, биринчи навбатда Имом Абу Лайсий ва Имом Абул Қосим ал-Ҳакимлар назарда тутиларди.

Ислом олами илмий муҳотида ҳуқуқшунослик илмида унинг фахрли *лақаби* “**Фақеҳ**” (яъни, шариат-фикҳ илми донишманди) бўлган ва “**Фақеҳи Самарқандий**” номи ила дунёда машҳуру манзур бўлади. Шуниси ҳам борким, “Фақеҳ” лақаби ислом оламида илк бор Имом Абу Лайсга берилган шарафли илмий унвондир.

Ислом олами калом илмида эса бу зоти бобаракотнинг *илмий унвони* “**Имамул-илмул-худа**” (яъни, ислом ҳидоятига бошловчи имом) бўлиб, Ҳанафийлик мазҳабида бу шарафли лақаб билан фақатгина буюк Имом Мотуридий ва Имом Абу Лайсийларгина аталганлар. Тасаввуфга мойил бўлгани учун уни яна қўшимча “*шайхул-имом*” ва “*имом уз-зоҳид*” илмий атамалари билан атаганлар.

Шундай қилиб, алломанинг тўлиқ номи **Наср бин Муҳаммад бин Аҳмад бин Иброҳим ал-Фақеҳ ас-Самарқандий**⁹ бўлиб, алломалар юрти бўлмиш муқаддас Самарқанд шаҳрида яшаб фаолият кўрсатган ва бир қўл панжаси саноғидаги энг буюк алломалардан бири эди.

Аллома 298/911 йилда Самарқандда, зиёли фикҳшунос олимлар оиласида туғилади. Ёш Наср бин Муҳаммад илк исломий билимларни отаси Муҳаммад

⁹ Баъзи нашрларда Самъонийга суяниб, Абу Лайс Наср бин Муҳаммад бин Иброҳим ат-Тузий, деб шажарасини қисқартириб ёзишди.

бин Аҳмаддан олган. Зеро, қадимдан Муҳаммад бин Аҳмаднинг ота-боболари фикҳ билан шуғулланиб келганлар. Унгача ушбу куния билан яна бир неча Абу Лайсийлар ўтгани бунга мисол бўла олади. Шунинг учун Наср бин Муҳаммад ёшлигидан ота-боболари фаолият кўрсатган фикҳ илмга меҳр қўйган.

Алломанинг устозлари масаласида илм аҳли орасида бироз чалкашликлар мавжуд. Шу масалада бироз тўхтасак! Барча кейинги давр тадқиқот ва асарларда Самъонийнинг “*Китабул-ансоб*” асаридан келиб чиқишиб, Абу Лайснинг асосий устози **Абу Иброҳим ат-Термизий**, деб ёзишмоқда ва бизнингча бу – катта муболағадир. Самъоний ёзганидек, “*Устози Абу Иброҳим Термизий бўлиб, ундан ҳадис ривоят қилган*”. Демак, фақатгина ҳадис илмида Термизий Абу Лайсга устозлик қилган. Лекин, Абу Лайсийнинг асосий мутахассислиги калом, фикҳ ва хикмат илмлари-ку?!

Фикҳда эса ул зотнинг устозлари деб, Балх шаҳридан бўлган **Абу Жаъфар Ҳиндувонийни** келтиришади. Аммо, ўша даврда фикҳда Ҳанафия мазҳабининг энг буюк олимлари айнан Самарқандда фаолият кўрсатишаётган эдилар-ку?! Асосий илмни Самарқандда эгаллаган Абу Лайс, бошқа мазҳаб ва ўзга фикрларни ўрганиш учун Балхга бориб, бошқа фикҳий мактаблар қарашларини бошқа устоздан ўрганган. Яна таъкидлаш жоизким, Имом Абу Лайсий асосий билимни “илмларнинг олтин даври маркази” - Самарқандда олгандир.

...Оилада отадан илк бошланғич билимни олгач, она томондан бобоси фикҳшунос **Имом Абу Исҳоқ бин Иброҳим бин Саммосидан** илк фикҳни ўрганади.

Бу зот ўз замонасида Самарқанднинг энг буюк алломаси ҳисобланарди. Аммо негадир, Абу Лайс Самарқандий тарихи билан шуғулланувчи мутахассис олимлар нигоҳидан бу зот четда қолиб келаётир. Зеро, Самарқанд тарихи тўғрисида икки асосий манба ҳисобланган “Самария” ва “Қандия” асарларида бу зот тўғрисида зарур маълумот бор.

Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида ёзилган: *“...Чокардиза қабристонини шаҳар ичида, кунчиқар томонда шаҳарнинг бир чеккасидадир. У ер тубда имоми зоҳид Абу Исҳоқ ибн Иброҳим (ибн) Саммоси Мутаваъийнинг боғи экан ва ўзи ҳам ўша ерда кўмилган экан”*.¹⁰

Имом Абу Хофс Нажмиддин Умар Насафийнинг “*Ал-Қанд фи таърихи Самарқанд*” (Қандия) асарида эса янада аниқроқ айтилган. Китобнинг “Чокардиза қабристонининг зикри” бобида ёзилган: *“...Хожа Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Саммосининг қабри ҳам шундадир. Зероки, бир вақтлар Чокардиза унинг боғи бўлган бўлиб, кейинчалик ундан Хожа Абу Лайс Самарқандийнинг қўлига ўтган”*.¹¹

Демак, аввалида боғ имоми зоҳид Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Саммосининг мулки бўлиб, у вафот этгач, Абу Лайс Самарқандийнинг қўлига ўтган. Фақатгина ўғли бўлмаганда мулк шогирд-жияни ёки қизидан туғилган набирасига мерос қолиши мумкинлигини ҳисобга олсак, Имом Абу Лайс Самарқандий боғ эгаси бўлган Саммосига қизи томондан набираси бўлганлиги

¹⁰ Абу Тоҳирхожа. Самария. Тошкент. Камалак. 1991. 37-бет.

¹¹ Имом Насафий. Қандия (тарж. изоҳ, сўзбоши муал.-К. Катгаев). Самарқанд. Суғдиён. 1994. 11-б.

ҳақиқатга жуда яқиндир.

Тасаввуфда *пири тарбияти, пири назари, пири шарияти, пири тариқати, пири хирқа, пири иршод* ва *пири увайсий* сифатларидаги тарбиячилар бўлгани каби фикрда фаолият кўрсатган ва тасаввуфга мойил олимларга ҳам шу каби тарбиячилар мавжуддир. Чунончи, “Қандия”да ёзилган:

“... Шайх Абу Лайс Самарқандий каби жамии Самарқанд авлиёлари ўзларини касбу-ҳолларини *Хожа Абду Даруннинг руҳи нурфутуҳларидан олишган*”.¹²

Демак, Имом Абу Лайсийнинг тариқий руҳониятли увайсий пири Самарқанднинг илк Қози Калонларидан бири Ҳазрати *Хожа Абду Дарун* бўлганлар. Ҳазрати Хожа анча йил илгари вафот этганлари туфайли, учрашмаган ҳолда увайсий пир ҳисобланган. Шунингдек, Абу Лайсининг отаси ўғлига *пири тарбияти* бўлган. Фикрда йўл очган *пири назари* эса она бобоси имом уз-зоҳид Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Саммоси бўлган.

Аммо, имомнинг асосий машғулияти бўлмиш калом илмида устозлик қилган *пири шарияти* - **Имом Мотуридий** бўлган. Зеро, Имом Мотуридий вафот этган чоғда Имом Абу Лайсий илми авжга етказилаётган ёшда, 33-34 ёшга етган ва ўзининг асосий устози Имом Мотуридийни ўзининг боғи бўлмиш Чокардизага, бобоси имом Саммоси кўмилган тепаликка кўмдирган. Гумонимиз йўқки, Мотуридий жасадини ўз қўли билан лаҳадга қўйган ҳамдир. “*Имам ул-илм ул-ҳуда*” (ҳидоятга бошловчи имом) аталган

¹² Имом Насафий. Қандия (тарж. изоҳ, сўзбоши муал.-К. Каттаев). Самарқанд. Суғдиён. 1994. 31-б.

улуғ унвонни ҳам Калом илмида олган бўлиб, бу илмни эса калом-ақида илми асосчиси Имом Мотуридийдан олгани аниқдир. Абу Лайс Самарқандийнинг *калом* ва *тафсир* соҳаларида ёзган асосий асарларида Имом Мотуридийнинг шу соҳадаги ишларининг таъсирини кўриш мумкин.

Абу Лайсийнинг яна бир буюк устози **Имом Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандий**дир. Ул зот ҳам Мотуридий каби Ҳанафия мазҳаби раёсати раҳбарларидан бўлиб, вафот этгач, Абу Лайс томонидан Чокардиза боғига кўмдирилган учинчи шахсдир. Имом Абу Лайсийнинг “*Бўстонул-орифийн*” асарида *Илми ҳикмат асосчиси* Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ишларини давомини кузатиш мумкин. Шунингдек, Абу Лайс ўзининг “*Танбеҳул-зофилийн*” асарида Абул Қосим ал-Ҳакимдан тўғридан-тўғри ривоят келтирган. “**Самарқандий**” нисбаси билан минглаб алломалар аталган эрсада, бу таҳаллус тилга олинганда энг аввало Имомлар Абул Қосим ал-Ҳаким ва Абу Лайслар назарда тутилди.

Замон алломаси **Муҳаммад ибн Фазл Балхий** Имом Мотурий ва Имом Абул Қосим ал-Ҳакимларга устоз эди, шу билан бирга қариллик пайтида бу зот Абу Лайсийга ҳам устозлик қилган. Фазл Балхий 319/931 йили Самарқандда вафот этади ва Пойқобок дарвозаси яқинида, ҳозирги Даҳбед шоҳкўчасига туташ тор кўчадаги боғида дафн этилган (ушбу сатрлар муаллифи Имом Муҳаммад ибн Фазл Балхийнинг қабр ўрнини топишга муваффақ бўлган). Балхий вафот этган вақтда Абу Лайс 20 ёшда эди ва Балхийнинг вафотига қадар мадрасасида ундан дарс эшитиб, тилмизлик қилган.

Энди, бир оддий талқин қилиб кўрайлик! Дарҳақиқат, замонасининг энг буюк олимлари билимлар маркази бўлмиш Самарқандда туришибдию, ўзга юртлардаги иккинчи даражадаги олимларга бориб шогирд тушадими?! Менимча, ул зот Абу Жаъфар Ҳиндувонийдан ўзга юрт фикҳий олимлар қарашларини ўрганган; Абу Иброҳим Термизийдан эса фақат ҳадис илмини ўрганган ва ривоят қилган; шунингдек, ўнлаб бошқа таниқли алломалардан ҳам ривоят қилгани маълум. Аммо, асосий машғулоти бўлган *фиқҳ*, *калом*, *тафсири* ва *ҳикматни* Самарқанд шаҳрида яшаган Саммоси, Фазл Балхий, Имом Мотуридий, Имом Абул Қосим ал-Ҳакимлардан ўрганганлиги аниқдир. Демак, Имом Абу Лайсининг асосий устозлари Самарқандлик алломалардир, деб очик айта оламиз.

Абу Лайс Самарқандий 373/983 йилда вафот этгач, ўзининг боғи Чокардиза худудида жойлашган мадрасаси ва хонақоҳи сатҳида дафн этилади. Ўша даврдан бошлаб имом қабри ёнидаги масжидли хонақоҳ асрлар давомида бир неча бор қайта таъмирланиб келинган.

Фазлуллоҳ Абу Лайсий мадрасаси. XV аср ўрталарида қурилган бу мадраса Самарқанднинг машҳур мударрисларидан бири Хожа Жалолуддин Фазлуллоҳ Абу Лайсий томонидан, бобокалони шарафига “Фақеҳ Абу Лайс маҳалласи” деб номланган мавзедаги хонақоҳ ёнида қурилган. Бизнингча Фазлуллоҳ Абу Лайсий қурган мадраса олдинги вайрон бўлган мадраса ўрнида қурилган бўлиб, тағпахсаси умумийдир. Бу шахс, унинг қурган мадрасаси ва баъзи саналари тўғрисида турли чалкаш фикрлар мавжуд

бўлиб, биз ҳам ўз фикримизни билдирмоқчи эдик.

Бу иншоот Х асрдан бошлаб бир неча бор таъмирланган ва қадимий мадраса ўрнида қайта қурилган бўлиши керак. Чунки, 373 ҳижрий (983 милодий) йилда вафот этган сулола асосчиси шайхулимом Абу Лайсдан бошлаб, то унинг тахминан 12-14чи авлоди ҳисобланган Фазлуллох Абу Лайсийга қадар тўрт ярим аср (ярим минг йилча) вақт ўтган. Шунча вақт давомида ушбу маҳаллада яшаб келишган Абу Лайсийларнинг кўпи улуғ аждодлари каби фикҳ ва ҳадис билан шуғулланишиб, машҳур олим ва мударрислар бўлиб етишишгани ҳолда аждодлари маҳалласида мадраса қурмасликлари мумкин эмас. Зеро, аксарияти уламо-мударрислар бўлган фақеҳ олимлар хонадони вакилларига мадраса қуриш ҳам қарз ва ҳам фарздир. Боз устига, шу давр мобайнида мадрасани бир-неча бор қайта тиклашгани ҳам аниқ.

Аждодларининг мадрасаси Фазлуллох Абу Лайсий давригача етиб келмаганидек, унинг ўзи томонидан қайта қурилган мадраса ҳам, бизгача етиб келмаган.

Кейинги ёзишмаларда баъзан, хонақоҳ билан бу мадрасани чалкаштириш ҳолари ҳам учрамоқда. Ваҳоланки, барча манбаларда Фақеҳ Абулайсни «Шайх Абу Лайс», мударрисни эса «Хожа Фазлуллох Абу Лайсий» деб, яъни мавзедаги қадимий хонақоҳ сулола асосчиси номи билан, мадраса эса мударрис номи билан аталган.

Илк мадраса, қарийб ярим минг йил мобайнида неча бор қайта тикланиб, яна вайронага айлангач, охириги марта тубдан қайта қурдиргани учун бўлса керак, Фазлуллох Абу Лайсий номи билан боғланиб қолган.

Айниқса, Алишер Навоийнинг 1466-69 йилларда шу мадрасада таҳсил олиши натижасида устози Фазлуллох Абу Лайсийнинг номини тарих саҳифаларида кўпроқ муҳрланишига сабаб бўлган.

Фазлуллох Абу Лайсийнинг ёши ва у томондан ушбу мадрасани қурилган вақти масаласига ҳам муаммолар мавжуд. Улуғбек даври тарихи тўғрисидаги саҳиҳ манба «*Матлаус-саъдайн ва мажмаул-бахрайн*» асарининг «**1410 йил воқеалари**» бобида: «...**Хожа Фазлуллох Абу Лайсийлар** бошчилик қилиб турган Самарқанд катталари томонидан юборилган ариза-хат етиб келди...», - деб ёзилган ва ушбу исмга изоҳ берилиб шундай ёзилган: «*Зубдатут-таворихи Бойсунқурий*» асарида бу шахснинг номи «**Фазл ибн Абу Лайсий Самарқандийдир**».

Шуни айтиш жоизким, «*Зубдатут-таворих*» асари «*Матлаус-саъдайн*»га қараганда ярим аср илгари ёзилган бўлиб, тарих аҳлига маълумки, Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «*Матлаус-саъдайн*» асарини асосан Ҳофиз Обрўнинг айнан ушбу «*Зубдатут-таворихи Бойсунқурий*» асаридан жуда кенг фойдаланган ҳолда ёзган. Демак, бирламчи асосий манба ҳисобланган «*Зубдат...*»да ёзилган Фазл исми тўғридир. Бошқача қилиб айтганда, «*Матла...*» китобининг котиблари асарни кўчиришда исмда хато қилишиб, Фазл исмини Фазлуллохга алмаштиришган, кўринади. Зеро, 1410 йилда «Самарқанднинг катталаридан бири...» ҳисобланган шахс камида 60-70 ёшда бўлиши кераклиги ҳаммага аён бўлиб, у қандай қилиб 1466-69 йилларда (яъни, қарийб 60 йил кейин) яна ўша ёшда қолиб Навоийга дарс берсин?! Ахир, бу

вақтда 130 ёшларда бўлиши лозимлиги мантиққа тўғри келмайди-ку?! Фазлуллоҳ Абу Лайсийнинг ёши нари борса Хожа Ахрори Вали билан (1404 йилда туғилган) ёки Улуғбек мирзо билан (1394 йилда туғилган) тенг бўлган ва 1410 йилда 6-15 ёшли ўсмир бола бўлиб, нафақат «Самарқанд катталаридан бири», балки мадраса қуришига ҳали эрта бўлган. Шундан келиб чиқиб, баъзи нашрларда Фазлуллоҳ Абу Лайсийни: «Улуғбек мирзонинг устозларидан бири ва 1410 йилда ўз мадрасасини қурдирган», - деб ёзилган фикрга қўшила олмаймиз. Демак, юқоридаги шахс ушбу Фазлуллоҳ Абу Лайсий бўлмай, балким унинг яқин қариндоши (бобоси ёки амаки бобоси) Фазл ибн Абу Лайсий бўлганлиги мантиқан тўғри бўлиб, юқоридаги «Зубдат...» асари буни тасдиқлаётир.

Фазлуллоҳ Абу Лайсий машҳур хонадоннинг такчисига айланиб, хонақоҳ ёнидан мадраса қуриш аражасига етишиши тахминан 60-65 ёшларга кирган вақтига тўғри келган. Шундан келиб чиқиб, туғилган вақти XIV аср энг охири ва XV аср бошларига тўғри келган ва мадрасани эса XV аср ўрталарида, яъни 50-60 йилларда қурган бўлиб чиқади. XV асрнинг иккинчи ярмида Алишер Навоийга дарс берганлиги фикримизни тасдиқлаб, ўша пайтда ул зот 65-75 ёшлар атрофида бўлганлиги ҳақиқатга жуда яқин келади ҳамда мадраса Навоийнинг Самарқандга келишидан атига бир неча йилгина илгари, яъни XV асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларининг бошида қурилган бўлиб чиқади.

Мавлоно Абдурахмони Жомий 1436 йилда Самарқандга келиб Улуғбек мадрасасида аллома Қозизодаи Румий ва ёш мударрис Фазлуллоҳ Абу

Лайсийлардан таълим олганлиги шундан ҳам дарак берадики, 42-45 ёшлар атофида бўлган Фазлуллоҳ Абу Лайсий ҳали ўз мадрасасини қурмаганлигидан ва шунинг учун ҳам Улуғбек мадрасасида мударрислик қилаётганлигидан далолат беради.

Алишер Навоий ўзининг «*Маъжолисун-нафоис*» номли тазкирасида: «*фиқҳда у Абу Ханифаи соний эди*», деган иборани Фазлуллоҳ Абу Лайсий ҳақида эмас, балким унинг бобокалони Фақиҳ Имом Абу Лайс ҳақларида айтилган деб қабул қилиш жоиз, кўринади. Боз устига, ушбу фақеҳни ақидада (Имом Абу Мансур ал-Мотуридийдан кейинги) «имомул-худаи соний» (ҳидоятга бошловчи кейинги Имом) деб, шариатда эса «ал-фақеҳ ас-Самарқандий» ёки «Абу Ханифаи соний» деб ҳам шарафлашган. Бундай улуғ ном билан ислом оламида ҳар қандай алломалар аталаверишмаган. Ҳатто, фиқҳ илмининг ислом дунёсидаги минглаб кўзга кўринган алломалари, кўплаб машҳур асарлар ёзишган бўлишса-да, бундай шарафли номланишга эриша олмаганлар. Мударрис Фазлуллоҳ Абу Лайсийнинг эса, ушбу фахрий номга ярашгулик фиқҳий бирор асари борлиги фанга номаълум. Бирор асари бизгача етиб келиши у ёқда турсин, ҳатто бирор китобининг номи ҳам маълум эмас. Фақатгина баъзи адабий тазкиралардан ёзган шеърини байтлари етиб келган, холос. Шу билан бирга, баъзи қадимий тазкираларда ул зотни Амир Темур давридаги буюк аллома Сайид Шариф Журжонийнинг (1339-1413) шогирди, деб келтиришган.¹³ Ваҳоланки, аллома Журжоний вафот

¹³ Суханварони сайқали рӯи замин (тузувчилар: Т.Зеҳнӣ, С.Саъдӣ). Душанбе. Ирфон. 1973.75-саҳ.

этганда Фазлуллоҳ Абу Лайсий жуда ёш бола бўлган ва улар умуман учрашишмаган. Боз устига, Журжоний асосан Темур даврида фаолият кўрсатган бўлса, Фазлулло Абу Лайсий эса Темурдан сўнг яна бешта хукмдор ўтгач фаолият кўрсатган. Аниқ айта оламизки, гап Фазлуллоҳ Абу Лайсий тўғрисида эмас, балки унинг бобоси ёки амаки бобоси Фазл ибн Абу Лайсий Самарқандий тўғрисида бораётир.

Фикҳга оид Мовароуннахр ва Хуросонда мўътабар асар ҳисобланган «*Салоти Масъудий*» китобида ислом оламидаги 100та энг буюк фикҳшунослар номи келтирилган ва барчаларининг ёзган асарлари машҳур бўлгани ҳолда, баъзиларигина нисбий ҳолда «Абу Ханифаи соний» ёки «Имом Аъзами соний» деган шарафли номлар билан сарафроз этилган. Ҳазрати Навоийнинг сўзлари араб алифбосида вергуль (,) бўлмаганлиги сабабли нотўғри талқин этилган, кўринади. Яъни, «*Мажолисун-нафоис*»да Навоийнинг ёзишмаларини куйидагича талқин қилиш лозимдир, балким: «*Ҳожа Фазлуллоҳ Абу Лайсий— Самарқанд ақобирларидиндур. Фақеҳ Абу Лайс авлодидиндур*(,) *фикҳда ани* (яъни, Фақеҳ Абу Лайсни) *Абу Ханифаи соний дерлар ва арабиятда Ибн Ҳожиб каффасида тутарлар эрди*».

Кўриб турганимиздек, барча миннатдор шогирдлар каби Навоий ҳам устозларини кўкларга кўтарган. Мисол учун, Амир Темур салтанати даврида фақеҳ Нўъмониддин Хоразмий ҳам аштархоний подшоҳ Имомқулихон даврида Самарқанд вилоятининг аъламул-уламоси, «*Китаби эсомеъул-маъқул вал-манқул*», «*Китаби зодил-охират*» каби асарлар

муаллифи, 1045/1635 йилда вафот этган Амир Фатҳий ҳам ислом оламидагина эмас, балким юртимиз Мовароуннаҳрда ҳам унчалик танилмаган бўлсаларда, «Нўъмони соний» ёки «Абу Ҳанифаи соний» деб бўрттириб аталишган. Мударрис Фазлуллоҳ Абу Лайсий борасида ҳам худди шундай ҳолга дуч келамиз. Баъзи бир манбаъларда олим ва саркардаларни ҳам унчалик лойик бўлмасаларда, «Имом Аъзами соний» ёки «Соҳибқирони соний» деган юксак иборалар билан шарафланганлигини учратишимиз мумкин (ҳозирги давримизда республика миқёсидагина эмас, балким вилоят, шаҳар ва туман миқёсида хизмат қилганларни ҳам Мотуридий ёки Марғиноний қатори «аллома» дейилганларидек). Аммо, буларни жиддий қабул қилиш лозим бўлмай, фақатгина ислом дунёси ва умуман бутун дунёда тан олинган алломаларимизга нисбатан бундай шарафли номларни қўллаш жоиздир...

XV асрнинг иккинчи ярми ўрталарида вафот этган машҳур мударрис Хожа Жалолуддин Фазлуллоҳ Абу Лайсий Чокардиза қабристонига ота-боболари ёнига кўмилади. Бу даврга келиб, Чокардизадаги Абу Лайсийлар шафакига қарашли қабристон ҳудудида шу авлоддан бўлган шахслар қабри билан тўлиб кетган. Абу Лайсийлар хонадони асосчиси Фақеҳ Абу Лайс ва Фазлуллоҳ Абу Лайсий вафот этган давр орасидаги қарийб ярим минг йил мобайнида юзлаб шу хонадон вакиллари бобокалони оёқ тарафида кўмилган. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, Фазуллоҳ Абу Лайсий қабржойи ҳозирги қабртоши ўрнатилган даҳмада бўлмай, анча жануброқда жойлашган. Одатдагидек, уруғ вакиллари асосан ўзининг отаси оёғи остида

кўмилган ва шу тариқа оилавий қабристон асрлар оша жанубга қараб чўзилиб кетаверган. Бу каби ҳолни Махдуми Аъзам ва бошқа хонақоҳларда ҳам кўришимиз мумкин.

XVIII асрда Абу Лайс мадрасаси вайронага айлангач, Бухоро ҳукмдори Амир Маъсум уни қайта куради. Ҳозирда мадраса сақланмаган; тарихий-топографик маълумотларга қараганда унинг ўрни ҳозирги масжид ҳамда мавзедаги №15-сон ўрта мактаб ўрнида жойлашган бўлган.



V-БОБ ИМОМ АБУЛ МУЪИН НАСАФИЙ

Илми каломнинг таникли алломаларидан бири, Мотуридийя таълимотининг энг фидойи тарғиботчиси ва бу равиянинг кенг тарқалишига катта хисса қўшган буюк мутакалим олим Имом Абу Муъин ан-Насафийдир.

Алломанинг номи Маймун ибн Муҳаммад, кунияси Абу Муъин, Насафлик бўлган учун *тахаллуси* ан-Насафий нисбасини олган (машхур боболаридан бирининг номи Макхул бўлгани учун ал-Макхулий тахаллусига ҳам эга бўлган). Имомнинг тўлиқ номи Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий ал-Макхулийдир. Мустафо бин Абдулло Чалабий (Ҳожи Халифа)нинг “*Тақвим ут-таворих*” асарида Абул Муъин Маймун бин Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳанафий, деб қисқача келтирилган.

Имом Абу Муъин Насафий *Мотуридия* равиясини афзаллигини илк исботлаган олим ҳисобланади. Шу билан барга, Имом Насафий *Мотуридия* таълимотини қайта тирилтирган аллома ҳамдир. Зеро, Имом Мотуридий вафот этгач, 150 йилдан зиёд вақт мобайнида унинг номи нафақат врабу ажам олимлари томонидан атайлаб ўчирилди, ҳатто ўз юртимиз олимлари томонидан умуман тилга олинмай келинди. Бунга сабаб, бир томондан янги мазҳаб ё равияларга ном қўйиш ва эътироф этиш ҳукуқи араб (асосан Боғдод) олимларига берилгани бўлса, иккинчи томондан Имом

Мотурдийнинг шогирдлари Имом Ашъарийнинг шогирдлари каби устоз кадрини кўтармаганларида эди. Ашъарийдан кейинги илк даврларда Ғаззолий, Шаҳристоний каби издошлари унинг таълимотини шаклантирдилар. Шундай қилиб, Имом Ашъарий йўналишини равия даражасига кўтарган алломаларнинг энг буюги хужжатул-ислом Имом Ғаззолий бўлса, Имом Мотуридий йўналишини равия даражасига кўтарган алломаларнинг энг буюги Имом Абу Муъин Насафий эди.

Имом Мотуридий вафотидан сўнг, унинг асосий шогирдлари калом илмига унча аҳамият бермай, бошқа илмларга машғул бўлиб кетишади.

Буюк Имом Абу Муъин Насафий илм майдонига келгунга қадар бу ҳол давом этиб келади. Насафийнинг замони етгач, илмий жасорат кўрсатиб бу ноҳақликга чек қўяди ва маънавий устози Имом Мотуридийнинг ақиқий баҳосини илк бора кўтарди.

Айтиш керакки, Имом Насафий нафақат Имом Мотуридийнинг кадрини тиклади, балким илмий баҳо бериш орқали унинг ғоялари ва таълимотлари учун курашди. Натижада, Имом Абуи Муъин Насафий ва унинг буюк асари *“Табсират ул-адилла”* туфайли Имом Мотуридий ғоялари ва таълимоти алоҳида *“Мотуридия равияси”* сифатида буткул шаклланди.

Абул Муъин Насафий Имом Мотуридий ҳақида дейди: *“Имом Мотуридий... усул ал-фуруъни ўзидан мужассам этган ва буюк устоз Абу Ҳанифа изидан борган инсонларнинг (олимларнинг) энг кучлисидир”*, деб илк бора Имом Мотуридийга юкори таъриф берган эди. Имом Абу Муъин Насафий Мотуридия

равиясининг Ашъари равияси билан тенг таълимот эканлиги устида кураш олиб борди.

Аммо бизнингча, Имом Мотуридийнинг мартабаси Имом Ашъарийдан юкорирок, шу билан бирга *Мотуридия равияси* эса *Ашъарий равиясидан* кўра муқаддамроқдир. Нега деганда, Имом Мотуридийни “*аҳли сунна вал-жамоа раиси*” даражасига кўтарган “**ат-Тавҳид**” ва “**ат-Таъвилот**” асарлари ёзилган пайтда “*Ашъария равияси*” раиси ҳисобланган Ашъарий муътазилия фирқасининг аъзоси бўлган ва “*аҳли сунна вал-жамоадан*” ташқарида эди. Ана шу исботнинг ўзигина Имом Мотуридийни “**аҳли сунна вал-жамоанинг биринчи раиси**” мартабасига чиқаради.

Имом Мотуридийнинг мартабаси ва даражаси Имом Ашъарийдан қараганда улуғроқ эканини ушбу сатрлар муаллифи ўзининг 1998 йил Имом Бухорий Халқаро анжуманига атаб ЎзР ФА СБ ва ҳокимият томонидан чоп этилган “*Самарқанднинг буюк алломалари*”¹⁴ ҳамда 2000 йилда Имом Мотуридий Халқаро анжуманига атаб СамДУ ва ҳокимият томонларидан чоп этилган “*Имом Мотуридий ва Чокардиза*”¹⁵ номли китобларимда юртимизда илк бор баён этилган эди.

Имом Абу Муъин Насафий ва садрулислом Абулюср ал-Паздавий даврларигача Имом Мотуридий кадриятига тўлиқ баҳо берилмаган кўринади. Зеро, садрулислом Абулюср ал-Паздавий (493/1099-1100) нинг “*Усул ад-дин*” китоби муқаддимасида шундай

¹⁴ К.Каттаев. Самарқанднинг буюк алломалари. Самарқанд. Зарафшон. 1998.

¹⁵ К.Каттаев. Имом ал-Мотуридий ва Чокардиза тарихи. Самарқанд. СамДУ. 2000.

дейилган: “*шайх ул-имом аз-зоҳид Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандийнинг аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа мазҳаби бўйича ёзилган илми тавҳид ҳақидаги бир китобини топиб олдим, у аҳлу-с-сунна ва-л-жамоанинг раисларидан бири бўлган экан*”.¹⁶

Демак, XI аср охири ва XII аср бошларигача Имом Мотуридийнинг аҳли сунна раислиги даражасида бўлган мавқеи аниқланмаган; аввало Имом Абу Муъин Насафий ва сўнгра садрулислом Абулюср Паздавийларнинг илмий жасоратлари туфайли Имом Мотуридий аҳли сунна ва жамоанинг ҳамраиси эканлиги ва Мовароуннаҳр юрти калом илмининг ватани бўлганлиги исботланган.

Имом Насафийнинг туғилиш ва вафоти саналари борасида ҳам баъзи чалкашликлар мавжуд бўлиб, турли мўтабар манбаларда ҳар хил саналар келтирилган. Масалан, туғилиш санасини гоҳо 418/1027 йилда деб ёзишса, гоҳо эса 1046 йил санасини қўйишган. Вафот санасида ҳам тафовудлар мавжуд, жумладан:

Мустафо бин Абдулло Чалабий (Ҳожи Халифа) нинг “*Тақвим ут-таворих*” асарида имомнинг туғилиш санасини 418/1027 йил деб, вафот санасини эса 508/1114 йил деб кўрсатилган. “Ўрта асрлар шарқ аломалари Энциклопедияси” ва “Буюк юрт алломалари” китобларида ҳам 418/1027-508/1114й дейилса, “Ислом Энциклопедиясида” эса 1046-1114й санасини қўйишган?! Турк олими доктор Шукур Ўзан эса имомнинг вафот йили деб 507/1115 йил санасини қўйган. “*Тақвим ут-таворих*” да келтирилган туғилиш

¹⁶ Доктор Шукур Ўзан. Имом Бухорий издошлари. Имом Бухорий сабоқлари. №1.2004. 14-16 бет.

санаси (418/1027йил) ва вафот санаси (508/1114йил) жуда тўғридир. Нега деганда, дунё тарихи тақвимини тузган Мустафо бин Абдулло Чалабий (Ҳожи Халифа) бу санани кўйишдан олдин жуда кўп жалибий манбаларни кўриб чиққани аниқдир.

Имомнинг туғилиш ва вафот саналарида чалкашликлар мавжуд бўлгани каби, қабрининг қаерда эканлиги масаласида ҳам бирмунча чалкашликлар мавжуд, масалан: Мустафо бин Абдулло Чалабийнинг *“Тақвим ут-таворих”* асарида уни Бухорода яшаб ўтган, деган. Унинг Бухорода кўп йиллар яшагани учун шу фикрга келишган, кўринади.

Энди, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик! Бу масала ўз-ўзидан кўпдан-кўп саволлар туғдиради:

Нега Самарқанддаги Чокардиза қабристони қолиб, Қавчинда кўмилар экан? Агар Қавчин унинг асл туғилган ватани бўлса, нега унда тахаллуси *“ан-Насафий ал-Қавчиний”* эмас? Нега аксарият манбалар уни Самарқандда вафот этганини тан олишса-да, янги давр манбалари уни қабрини Қарши яқинидани Қавчинда бўлса керак, деб мавҳум тарзда таъкидлашмоқда?

Насафда туғилиб, узок йиллар аввал Бухорода, сўнг Самарқандда яшагани учун барча муаллифлар вафоти ва қабрини шу шаҳарлар билан боғлашади ва *“Самарқандда вафот этгани”*ни аниқ эътироф этишган ҳолда, *“Бухорога элтиб кўмилган”* деб, кейинги давр манбалари эса *“Самарқандда вафот этган, қабри эса Қарши яқинидаги Қавчин қишлоғида жойлашган”*-деб эҳтиёт бўлиб, мавҳум ёзишади. Гўё, Қавчинда Имом Халвоийнинг қабри мавжудлиги учун шу ерда кўмилган экан?!

Мавзедаги Имом Ҳалвоний қабри ҳам жуда баҳсли бўлиб, Самъоний каби муаллифлар ул зотнинг қабрини Бухорода дейишса, Абу Тоҳирхожадек аллома тарихчилар унинг қабрини Самарқандда, деб таъкидлаб кетган.

Энди, Имом Абу Муъин Насафийнинг қабрижойи Самарқанддалигини исботлашга уринсак!

Самарқандда вафот этган майитни 200км узоқликда жойлашган Қарши худудига олиб бориш ҳазилакам иш эмас. Қишда машаққат, ёзда эса майитни бир неча кун иссиқда аравада олиб бориш мантиққа тўғри келмайди.

Буюк алломалар бирор кичик мавзеда ё йўлда вафот этишган бўлишса, уларни кўчиришларини тушуниш мумкин. Масалан, Абу Юсуф Ҳамадоний ё Саъдуддин Тафтазонийларни йўлда вафот этишганлигини мисол елтириш мумкин.

Аммо, Самарқанд ё Бухоро каби буюк шаҳарларда вафот этган алломаларни ўша шаҳарга кўмишади ва бу вафот этганлар учун катта шарафдир.

Абу Муъин Насафийнинг энг буюк салафлари Самарқанд Чокардизасида кўмилишган. Асосий маънавий устози Имом Мотуридий ҳам, бошқа икки буюк мутакаллимлар бўлишган Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ва Имом Абу Лайслар ҳам шу ерда ётишган бўлишиб, ушбулар ёнига кўмилишни васият қилгани ҳам жуда ҳақиқатга яқиндир.

Шунчалик узоқ йўлга элтишиб, бир четдаги кишлоққа кўмишган, деган фикр жуда нотўғридир. Насафий агар йўлда вафот этиб қолган тақдирда ҳам ё Самарқандга - устозлари ёнига келтириб кўмишарди; ё она шахри Насаф яқинида вафот этганида эди, Насафга

элтиб кўмишар эди. У эса йўлда эмас, балки яшаётган, ишлаётган шахрида вафот этган. Демак, қабри ҳам шу ердадир.


Гўё Қавчинда буюк Имом Халвоийнинг қабри борлиги учун шу ерга келтириб кўмишган, дейишади. Аммо, Имом Халвоийнинг қабрини баъзи нуфузли манбалар Самарқандда жойлашган деб ёзган; бошқа бир манбада эса қабрини Бухорода мавжуд, дейишади. Аммо, Халвоийнинг Бухорода қабр жойи аниқ эмас; Самарқанддаги қабри эса Жомбой туманининг “Халвоий” қишлоғида мавжуд бўлиб, бизнинг давримизгача етиб келган.¹⁷ Қавчин қишлоғидаги ҳар икки қабр эгаси борасида ҳозирча олимлар ҳатто аниқ бир тўхтамга ҳам келишмаган. Мавзеда номи ҳозирча аниқланмаган қандайдир алломанинг қабри борлиги аниқ. Аммо, қабр Имом Насафийга тегишли бўлмай, бошқа бир авлиё-олимнинг қабридир. Буни келгуси тадқиқотлар кўрсатади, иншоАллох!

Самарқанднинг Чокардиза қабристонининг ўртасидаги “Талли асхобул-ҳадис” тепалигидаги майдончада Имом Абу Исҳок ибн Иброҳим Саммосий, Имом Абу Мансур Мотуридий, Имом Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандийларнинг қабрлари жойлашган. Ушбуларнинг чап томонларида “Ҳазираи муфтиён”, ўнг томонларида эса Насафийлардан бир қанча алломалар қабрлари жойлашган бўлиб, “Самария”да келтирилишича у ерда Имом Нажмиддин Умар Насафийнинг қабри жойлашган. Бизнингча, ушбу Нажмиддин Умар Насафий ўз устози Абу Муъин

¹⁷ К.Каттаев. Шамсулаимма Халвоий тарихи. Самарқанд. СИСИ. 2011.

Насафийнинг оёқ томонига кўмилгани аниқ бўлиб, калом-ақида алломаларининг анчаси шу худудда, устозлари ёнида кўмилишган. Абу Муъин Насафийнинг Самарқандда вафот этганлигини барча муътабар манбалар тан олишган. Баъзи муаллифлар, у вафот этгач, жасадини Бухорога этишганлигини ёзишса, бошқалари эса Насафга этишганини исботсиз ёзиб кетишган. Аслида эса, буюк алломанинг қabri Чокардизада эканлиги аниқдир.

“Самария” китобининг қўлёзма нусхасида¹⁸ айтилганидек, Имом Нажмиддин Умар Насафийнинг қabri Имом Мотуридий мақбарасининг ўнг тарафида экан, демакунингустози Имом Абу Муъин Насафийнинг қabri шогирди қabрининг шимолроғида жойлашган бўлади (яъни бошқача айтганда, шогирд устози қabri пастида жойлашган). Янада аниқроқ айтсак, ҳозирги Имом Мотуридий мақбарасига киравериш эшигидан беш-ўн кадам ўтгач, ўнг томондаги майдонча “Насафийлар хазираси”да Имомлар Абу Муъин ва Нажмиддин Умар Насафийлар қabri жойлашган бўлган. Юртимизнинг энг буюкларидан ҳисобланган ушбу имомлар қabрини суфа шаклида бўлса-да тиклаш давр талабидир!



¹⁸ Абу Тоҳирхожа. Самария. қўлёзма. Каттахонхожа Даҳбедийнинг шахсий кутубхонаси.

VI-БОБ ЧОКАРДИЗА ҚАБРИСТОНИ

“Қабрларни зиёрат қилинг, бу-сизларга охирадандарак беради”. (Ҳадиси шариф).

Дарҳақиқат, қабристонларни зиёрат қилиш, ота-она ва аждодларимизни эсга олиш-охиратдан дарак беради; орқада нима қолдираётирмиз, қанақа амаллар қилганимиз ёки қилмаганимизни хаёлан сарҳисоб этишга мажбур этади. Қабристонларда не-не фозилу зариф инсонлар, подшою гадолар, осмонга устун бўламан, деб даъво қилишган кибру ҳаволару, дарвешона ҳаёт кечириб, дунёни илми ва камтаринлиги билан лол қолдирган алломаи замонлар тупроқ аро ётишибди. Ўтмиш аждодларимиз: “Қабрларни зиёрат этинг ва табаррук билинг”, - деб васият этиб кетишган. Зеро, қабристонлар зиёратгоҳи кишини ёмонлик қилиб қўйиш ваҳимасидан сақлайди, номаи аъмолини яхшилик ёзувлари билан тўлдиришга ундайди, имонни бут сақлатади, бузурғларнинг руҳини шод этади.

Юртимиз Макка ва Фаластин заминларидан кейинги муқаддас замин ҳисобланганидек, муқаддас қабристонлар борасида ҳам Самарқанд ери ислом оламида учинчи даражада туради. Зероки, муҳим манба ҳисобланмиш “Қандия” китобида ушбу тарихий ҳақиқат келтирилгандир: “Нақл қилибдурларким, Мадинаи мунавварадаги Боқия қабристонидан ва Маккаи мукаррамадаги Муалло қабристонидан бошқа, Самарқанддаги Чокардиза қабристонидан бузурғрок

қабристон йўқдир...”.

Ислом оламидаги энг кўп буюк олимлар кўмилган Чокардиза қабристонида кўпгина мужтахид ва соҳибкароматларнинг қабрлари жойлашган бўлиб, “Самария”да келтирилганидек, “подшолар ул замин тупроғини кўзларига сурма каби суртар эдилар”.

Қадимий тарихчи Ёқутининг шаҳодат беришича, Худо асраган шаҳар - Самарқандда яшаш ва вафот топиб кўмилиш - жуда катта шараф ҳисобланган; кимки Самарқандда вафот этса, гўё еттинчи осмонда вафот этгани каби ҳисобланур ва малоикалар қаторида жаннатга кирур экан. Албатта, бу ривояту нақллар Чокардизада кўмилган буюк Имомлар ҳамда уларнинг издошлари ҳақида айтилгандир.

Маълумки, қадимий Самарқанд шаҳри XIII аср ошларига қадар, яъни Чингизхон босқинига қадар, ҳозирги шаҳар шимолидаги қадимий Афросиёб харобалиги ўрнида жойлашган эди. Шаҳарнинг тўрт дарвозасидан жанубдагиси “Кеш” ёки “Катта темир” дарвоза деб аталган. Шохизинда (Қусам ибн Аббос) қабристонига яқин жойлашган ушбу дарвозанинг жануб томонида, яъни қадимий Самарқанд шаҳри деворларининг ташқарисида “Чокардиза” ном олган мавзеъ бўлиб, унда қадимий қалъа жойлашган эди. Қалъа, эски сўғд тилида Чокардиза (чокар-навкар, диза-қалъача деганидир) аталиб, у ислом даврига қадар ҳам мавжуд бўлган (баъзи манбаларда эса, қалъани IX-X асрларда қурилган, деган фикр ҳам мавжуд). У ҳозирги Регистон майдонининг шарқ томонида жойлашган.

Тарихий манбаларга қараганда, Чокардиза мавзеи IX аср охири ва X аср бошларида ҳаёт ва фаолият

кўрсатган самарқандлик машхур фикҳшунос олим Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Саммоси ал-Мутаваъининг боғи бўлган. Бу боғ шаҳар девор ва дарвозаларини кўриқлайдиган навкарлар қалъачаси - Чокардиза яқингинасида бўлгани учун ҳам, шу ном билан атала бошланган. Манбаларнинг далолат беришича, боғнинг эгаси вафот этгач, биринчи бўлиб шу мавзегга кўмилган. Шундан сўнг боғ машхур фикҳшунос аллома Имом Абу Лайсий Самарқандийнинг (985й. вафот этган) кўлига ўтган. Бу жиҳат шундан дарак берадики, боғнинг биринчи эгасини фарзандлари бўлмай, шогирдига (Абу Лайсийга) боғини мерос қолдирган ёки фақиҳ Абу Лайс боғ эгасининг қизи томонидан набираси бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Илми калом асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридий (944й. вафот этган) ва илми ҳикмат асосчиси Имом Абул Қосим Самарқандийлар (953й. вафот этган) ҳам ушбу боғда дафн этилгач, боғнинг шўхрати ортиб, тарихий манбаларда “Чокардиза” қабристонини сифатида зикр этила бошланади. 985 йилда боғнинг иккинчи соҳиби Имом Абу Лайс Самарқандий ҳам вафот этгач, шу мавзеда дафн этилади.

Демак, Чокардиза боғининг қабристон бўлиб шаклланишида, боғнинг биринчи эгасидан ташқари, уч буюк Имомларнинг - Мотуридий, Абул Қосим Самарқандий ва Абу Лайсий Самарқандийларнинг бу ерда кўмилишлари жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Ушбу буюк Имомларгача, бирорта бошқа буюк алломанинг кўмилганлигини манбалар тан олмайди. Охириги вақтларда, машхур Имом Дорамийнинг қабри ҳам Чокардиза қабристонидадир, деган фикрлар ҳам

пайдо бўлмоқда. Бу жуда катта адашишдир. Агар, ул зотнинг қабрлари ҳам шу ерда бўлганида эди, албатта Дорамий номи, Имомлар Мотуридий, Абул Қосимлар қаторида манбаларда Чокардиза билан боғланарди. Адашиш фикрини билдираётганлар, асосан Имом Насафийнинг яқинда Саудия Арабистонида топилган Самарқанд уламолари тарихи ҳақидаги асарига таянмоқдалар. Асарда, котибларнинг хатоси билан бўлса керак, Дорамийни қабрини Чокардизададир, дейилган. Айнан, ушбу китобнинг мухтасар ҳолда бизгача етиб келган “Қандия” номли асарида ҳамда машҳур “Самария” китобида Чокардиза қабристон илгари боғ бўлгани, сўнг Мотуридий, Абул Қосим ва Абу Лайсий каби алломалар кўмилгач, қабристон сифатида шакллана бориши ёзилгандир. Боғда биринчи кўмилган алломаларнинг ҳаммаси бор-йўғи 50 йил вақт оралиғида вафот этишган бўлиб, Дорамий эса, Чокардизада илк кўмилганлардан қарийб 80 йил олдин вафот этган ва аниқ манбалар бўйича, Самарқанд вилояти Тайлоқ туманининг Испандий мавзеида дафн этилгандурлар (ушбу сатрлар муаллифининг “Имом ад-Дорамий ва унинг Муснади” номли китобига батафсил қаранг).

Ўша даврларда кўплаб машҳур Имомларнинг ўз юртларига, боғларига кўмилишлари одат тусига кирган. Жумладан, Имом Абул Фазл Балхий-ҳозирги Даҳбед кўчасида жойлашган бўлган ўз боғида; Имом Растуғфоний- Иштихон туманидаги ўз боғида; шунингдек, Хожа Абду Дарун, Хожа Абду Берунлар каби Имом Дорамий ҳам ўз юрти, ўз боғида кўмилгандир.

Чокардиза кабрстонга айлангунга қадар, Самарқанднинг Шоҳизинда, Хожа Абду Дарун, “Банни ножиъ” номи билан аталган катта ва машҳур кабрстонлари ҳамда Хубоб, Ғотфар, Радрад (Разроз), Санграсон, Журжония аталмиш мазорот-кабрстонлари ҳам бўлган.

Чокардиза боғининг кабрстонга айланиш сабабини “Қандия” китобида Имом Мотуридий ва Имом Абул Қосимлар тилидан шундай нақл келтирилгандир: “Шайх Абу Мансур Мотуридий ва Шайх Абул Қосим Самарқандийлар васият қилган эдиларким, - мени Чокардиза кабрстонига дафн қилингизларки, Ҳазрати Хожа Абду Дарун бизга шафоат қилишни ваъда қилган эдилар; Ва ул зоти бобарокотнинг шафоатларидин бенасиб қолмайлик. Зероки, Ҳазрати Абду Дарун ҳаётлик вақтларида айтган эдиларки, - бизнинг қабримиз атрофидаги ярим фарсах мавзеъни шафоат қилурмиз” (“Қандия”, 23-24 бетлар).

Ислом ақидаси бўйича, фақатгина Он Ҳазрат-пайғамбаримизгина (с.а.в.) шафоат қилиш ҳуқуқига эгадурлар. Яна Аллоҳнинг Ўзи билади.

Бизнингча, Хожа Абду Даруннинг қабрлари яқинида жойлашганлиги билан бирга, кабрстонга айланган боғнинг биринчи эгасининг шу ерда кўмилиши ҳам катта рол ўйнаган бўлиши керак.

Х аср ўрталаридан (яъни, илк олимлар кўмилган вақтдан бошлаб) то XI аср бошларигача жуда камодамлар кўмилган кўринади. “Китабул-ансоб” муаллифи ас-Самъонийнинг фикрича, асосий кўмилишлар V-ҳижрий (XI-милодий) асрда авж олган. Ўша манбанинг далолат беришича, Чокардиза кабрстонининг ўртасида “Талли

асхобул-ҳадис” (ҳадисшунослар тепалиги) аталган тепалик бўлиб, унинг ўртасида Имом Мотуридий ва Имом Абул Қосим Самарқандийлар дахмамақбараси жойлашган бўлган. Уларга яқин ерда Имом Бурҳониддин Марғинович (1197й. вафот этган); Имом ал-Кундий (1049й. вафот этган); Идрисий (1015й. вафот этган); Имом Насафий (1142й. вафот этган) кабилар дафн этилгандурлар (бизнингча, буюк Имом Абу Муъин Насафийнинг ҳам қабри Чокардизададир). Бу Имомлар Чокардизада вафот этган энг машхур Имомлар ҳисобланадилар. Қабристон ўртасида, Имом Мотуридий қабрларидан беш қадам узоқликда масжид қурилган эди. XII асрда яшган машхур ҳадисшунос ва тарихчи ас-Самъоний ўзининг “Китабул-ансоб” асарида Чокардиза қабристони ўртасидаги ушбу масжидни “янги масжид”, - деб атайди. Шундан билинадики, Мотуридий вафотидан кейин қурилган масжид XII асрга келиб (яъни, 200 йилдан сўнг) қайтадан қурилиб, таъмирланган экан. Ушбу масжид, вақти билан ҳар замонда таъмирланган ҳолда бизнинг XX асримизгача етиб келгандир. Аср бошида рус тарихчи-фотосуратчиси Г.Понкратьев олган фотосуратида Мотуридий дахмаси яққол кўриниб турса (бу сурат - Самарқанд музей-қўриқхонаси фототекасида сақланмоқда), 1920 йилда йирик рус шарқшунос олими В.Бартольд Чокардиза қабристонини тадқиқот этиш учун борганида, Имом Мотуридий дахма-мозорини ўз кўзи билан кўрган ва қайд этгандир.

Юқоридаги бобларда айтганимиздек, 1996 йил декабр ойида Имомлар Мотуридий ва Марғиновичлар қабржойларини аниқлаш учун вилоят ва шаҳар

рахбариятига навбатдаги мактуб билан мурожаат этганимизда, илмий гуруҳ тузилиб, бу ишлар ижобий хал этилса-да, айрим гумонлардан холи эмас эдик. 2000 йилга келиб, эски топографик хариталар, кўпгина ашъвий далиллар топдик ва ўртадан гумон кўтарилди.

Буюк Имом ал-Мотуридийнинг файз осорлик қабржойларини асл ўрнини аниқлашда асосан ўзимизда мавжуд ота-боболаримиздан қолган икки қадимий вақфномалардан (бири темурийлар даврига, иккинчиси эса аштархонийлар даврига оид), охириги йилларда биз томонимиздан архивлардан излаб топилган колониал хужжатлар ва эски хариталар, жумладан, “Генералўнўй план города Самарканда – 1875 год; 1889 год ва 1910 год” каби хариталар, ҳатто Имомнинг қабрлари жойлашган Аранбоевлар уйининг илк харитаси (яъни “*План дома Аранбаева 1912год*”), каби ашъвий далиллар, ота-боболаримиздан қолган ривоятлар, ўша мавзе қарияларининг хотиротлари ҳамда “Самария”, “Қандия” ва “Қитабул ансоб” каби қадимий асарлардан кенг фойдаландик. ЎР ФА Археология институти илмий ходимларининг қазишма ишлари бу хулосаларни тасдиқлади (Ушбу харита ва ашъвий манбаларни Республика Комиссияси аъзоларига топширганмиз). Натижада, буюк Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг қабр жойларини 5 метр радиус кенглигида аниқладик.

Чокардиза қабристонни ҳудуди қадимий вақфномалар ва ўтган аср колониал хариталарига караганда, учбурчак шаклида бўлган. Қабристоннинг **шимолий** қисмида Амир Темур Машҳад ва Ҳиротдан келтирган саййидлар дахмаси (*Амир Темур Хуросоннинг Машҳад шаҳрини забт этгач, маишур фозиллардан*

Сайид Ахёрни иззат икром ила Самарқандга олиб келиб, қизини унга никоҳлаб беради, улардан туғилган авлод асрлар давомида шаҳар қозилик мансабини бошқариб келишган бўлиб, бу авлод Чокардизадаги ушбу даҳмада кўмилган, К.К.); жанубий - ғарбий қисмида Имом Ёздаҳ (Ўн бир Имом), Абу Лайсийлар мақбаралари; қабристоннинг марказида жойлашган “Талли асҳобул ҳадис” (Ҳадисшунос олимлар тепалиги) деб аталган баландликда Ҳазрати Имом ал-Мотуридий ва Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийларнинг икки дахмалари жойлашган бўлган. Ушбу тепаликнинг ғарброғида “Ҳазираи муфтиён” (Муфтийлар хазираси) номли мавзеда 400 га яқин машҳур муфтий-олимлар дафн этилганлар. Тепаликнинг ғарброғида эса “Насафий” нисбали алломалардан анчаси кўмилган.

Манбалардан маълумки, XII асрда кофир Қорахитойлар билан мусулмонлар ўртасида Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига яқин “Дашти Қатувон” мавзеида бўлиб ўтган жангда шахид кетган юзлаб уламоларни Чокардизага келтириб дафн этишган.

Регистондан Чокардизага олиб борадиган асосий йўллардан бири “Махдуми Хоразмий” маҳалласидан ва масжид-хонақоҳи ёнидан ўтади. Махдуми Хоразмий (ваф. 1551й.) ўз замонасида Кубравия тариқатининг пиру муршиди бўлган ва ҳаж асносида Шомда қолиб яшаган ҳамда ўша ерда вафот этган. Унинг Самарқандда қолган фарзандлари отаси қурдирган ушбу хонақоҳда дафн этилгандурлар. Яқин вақтларгача хонақоҳдаги қабртошлар фақатгина ушбу пир авлодларига тегишли, деб келинарди. Лекин, у ерда ётган мрамор қабртошлардаги ёзувларга қараганда, Махдуми

Хоразмийнинг бу мавзегга хонақоҳ қуришларидан илгарироқ қабристон мавжуд бўлиб шаклланган, кўринади ва у ердаги қабртошлар ул зотнинг пирзодаларига (яъни, пири Махдуми Хобушоний авлодларига) тегишли бўлиб чиқди. Бундан шу хулосага келиш мумкинки, бу мавзе ҳам Чокардизага яқин жойда қабристон бўлиб шаклланганидан дарак бераётир.

Самарқандда илгари топилиб тадқиқ этилган қайроқтошли қабртошларни Тожикистон олимаси Л.Додхудоеванинг «Эпиграфические памятники Самарканда, XI-XIV вв., том-I» китоби ҳамда ушб сатрлар маллифининг 1998 йилда чоп этилган «Самарқанднинг буюк алломалари» номли китобида келтирилган эди.

Имом ал-Мотуридий анжуманларига тайёргарлик юзасидан 2000 йилги тадқиқотларда қадимий Чокардиза қабристони ҳудудида жойлашган ҳовлилардан топилган қадимий қайроқ-қабртошлар ёзувлари қуйидагичадир (ёзувларнинг синган жойлари йўқолгани сабаб, ўқилмади):

1. «Ушбу қабр заъиф, гуноҳкор ва ғариб банданинг қабридир. Аллоҳим, (Сенинг) ёрдаминг, розилигинг ва мағфиратингни умидвори Қавомиддин Муҳаммад бин Муҳаммад Маҳдий,...ники, лақаби Донишманд Ҳожиб. Аллоҳ у кишини, ота-онасини ва устозларини раҳмат қилсин. Сенинг (Аллоҳнинг) раҳматинг билан, Эй раҳмлилар Раҳмлиси. 573 (1176) йил зулкаъда ойида вафот этди».

2. «Ушбу қабр Шайх, заъиф, ғариб ва жафокаш банда, Аллоҳнинг раҳматидан умидвор Асъад ибн

Абдуссаъид ибн Муҳаммад аш-Шаърийникидир. Аллоҳ Ўзининг раҳмати билан мағфират қилсин. Вафоти 584(1188) йил шаъбон ойининг 15-сида».

3.«Ушбу қабр Аллоҳнинг раҳмату мағфиратидан умидвор, гуноҳкор банда Аҳмад бин Муҳаммад бин Абу Муҳаммадники. Аллоҳ уни мағфират қилсин. Ҳижрий 587 (1191) йили муҳаррам ойининг 24-да чоршанба куни вафот этди».

4.«Ушбу қабр Шайхул-имом, фозил, бузург, ҳурмат ва шарофат эгаси, покиза, улуғ, зоҳид, дин камоли, уламолар пешвоси Аҳмад бин Умар бин Ҳусайн... никидир. Аллоҳ у кишини, ота-онасини ҳамда жамии мўъмин ва мўъминаларни мағфират этсин. 582(1186) ҳижрий йили жўмодул аввал ойида вафот этди».

5. «Ушбу қабр имомлар шайхи, зоҳид ва дин ишончи, пайгамбар издоши Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Мустамлиники. 547(1152) йили муҳаррам ойининг чоршанбасида вафот этди».

6. «Ушбу қабр Шайхул-олим ва зоҳид...ники. 532 (1137) йилда вафот этди. Аллоҳ ул зотни мағфират этиб, жойларини нурли ва маконларини жаннат боғларидан қилсин».

7. «Ушбу... (қабр) фозиллар Шайхи ва фақиҳлар зоҳиди... Абул Фазл... ники. 574 (1178) йили рабиул – аввал ойида вафот этди».

8. «Ушбу қабр Хожа Халил Али Ҳажжож ал-Кисойники. Унинг ота-онасини ва ул зотни дуо қилганларни Аллоҳ мағфират этсин. 570 (1174) йил вафот этди ҳамда Чокардизада дафн этилди».

9. «Ушбу қабр Шайхул-имомлар бузурги ва зоҳиди Абу Саллома Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Борий...

ники. ...(у) тавҳид аҳлидан. Аллоҳ ул зотни нурли, бурхонларини ёрқин ва жойларини жаннатдан қилсин» (сана жойи синган бўлиб, палеографик жиҳатдан XII асрга оид тошдир, К.К.).

10. «Ушбу қабр имому зоҳидлар Шайхи Абул... ибн Аҳмад ал-Ҳакимники. 547(1152) йили зулҳижжа ойи 7-сида, пайшанба куни вафот этди».

11. «Ушбу қабр валадул-азиз (азиз фарзанд) Деҳқон Али шаҳид ибн Муҳаммад Али ас-Саффорники. 607(1210) йили жўмодул-аввал ойнанинг ярмида шаҳид бўлди».

12. «Ушбу қабр улуғ шайхул-имомлар шарафи ва ислом чўққиси ал-Ҳасан ибн Хусайн ал-Ҳажжожники... Аллоҳнинг розилигини талаб қилган ҳолда, 540(1145) йили муборак рамазон ойида вафот этди».

13. «Ҳар бир нафс эгаси ўлим шарбатини татувчидир (оят). Ушбу қабр шайхул-имомлар улуғи, уламолар олими, ҳақиқатпарвар, уммат ва дин ёғдуси, миллат ва ислом... (Пайғамбар) суннатини тирилтирувчи ва имомлар воизи... хулафолар устози... ҳужжатли калом зикрини айтувчилар тожи, муфассирлар пешвоси, шариат садри, имомлар воизи, Ҳикмат тарқатувчи, каромат соҳиби аллома Абулмакорим Муҳаммад ибн Усмон Али ас-Самарқандийники. Аллоҳ уни мағфират этсин ва қиёмат куни бизга шафоатини қилсин» (сана йўқ).

14. «(Ушбу қабр) заъиф, умидвор, Аллоҳнинг раҳмат ва мағфиратини ҳамда жаннатини унга маскан қилишини сўровчи, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Умар ибн Абу Бакр – Хожаги Наққош лақаби билан машҳур зотники. Вафоти 537(1142) йилда».

15. «Ушбу қабр имомлар Шайхи Абу Ҳасан Али ибн Саъид ар-Растуғфонийники. Ул зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин» (сана ёзилмаган, бу зот қадимий манбаларнинг далолатича, Самарқанднинг энг буюк фикҳшунос Имомларидан бўлиб, Имом Мотуридийнинг ҳамасри, улар устозу шогирд ҳисобланишган. Аслида бу зотнинг қабри Самарқанд вилоят Иштихон туманидаги Бойли ота мавзеида бўлиб, рус академиги Бартольд унинг қабрини кўриш учун атайин Иштихонга борганлиги ва асарида таъкидлаганлиги сўзимизга далилдир. Қабртошнинг қандай қилиб Чокардизага келиб қолганлиги номаълум. Имом Растуғфонийнинг қабртошига вафот санаси умуман ёзилмаганлиги тошнинг кўчирма ёки иккинчи нусхаси эканлигини билдирса-да, полеографик жиҳатдан тош X-XII асрларга оидлиги аёнлашади. Назаримизда, рус археологи Архангельский қабртошларни йиғиш жараёнида Иштихондан ортиқча тошни келтирган, кўринади (ул зот ҳақида алоҳида бобга қаранг);

16. «Ушбу қабр Қози ул-қуззот (Қозилар қозиси) Муҳаммад ибн Қози ул-қуззот Алоуддин Муҳаммад ибн Қози ул-қуззот Алоуддин Маҳмуд ибн Қози ул-қуззот Алоуддин Убайдуллоҳ ибн Қози ул-қуззот Али ибн Абдулвахҳобники» (ваф. 653/1255) (Ушбу тош Чокардизада топилган ягона мармар плита бўлиб, Қозикалонлар сулоласига тегишлидир. Манбалар бўйича бу мармартош эгаси машҳадлик фикҳшунос қозилар сулоласига мансубдир. Маълумот учун батафсил қаралсин: К.Каттаев, «*Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед*» китоби, 10-11 бетлар);

17. Маҳмуд ибн Умар ибн Абул Ҳасан Али ибн

Қози имамул-ажал Ҳасан ал-Мотуридий ал-Ансорий (ваф. 577/1181) (Бу зот Имом ал-Мотуридийнинг набираларидан эканлиги “ал-Мотуридий ал-Ансорий” нисбасидан кўриниб турибди. Бу зот ҳам Чокардида кўмилиб, бу ҳақда Абул Хафз Нажмиддин ан-Насафийнинг асарида келтирилган);

18. Булардан ташқари илмий гуруҳимиз томонидан илмий аҳамиятга молик қабртошлардан ҳисобланган Илми ҳикмат асосчиси, буюк Имом Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандийнинг қабртошларини музей ертўласидан топиб, тадқиқ этганмиз. Бу зот Имом ал-Мотуридийнинг ҳамсабақлари ва биринчи шогирдлари ҳисобланади. Қайроқ қабртошда ёзилган: «Ушбу қабр имомлар Шайхи Абул Қосим Искоқ ибн Муҳаммад ал-Ҳакимга тегишлидур. Худо уни кенг раҳматига сазовор этсин; Ашууро-жума куни 342(953) йилда муҳаррам ойида вафот этган». *(батафсил қаранг: ушбу китобдаги алоҳида боб ва муаллифнинг “Самарқанднинг буюк алломалари” китоби).*

19. «(Ушбу қабр) энг машхуру иззатли, фозилу мукаммал, баркамол ва улуғ шайх, донишмандлар фахри, бутун дунёдаги фозиллар садри, мадади, шону шавкат соҳиби, вақту замонасида тўғри йўлдан борувчи Шайх Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмадники. Аллоҳ унинг охиратини обод қилиб, Ўз раҳматига сазовор этсин; У муборак зот 660(1261) йили шаъбон ойининг 24-сида, сешанба куни вафот этди».

20. «Ушбу қабр тақводор Шайх... ники...».

21. «Ушбу қабр улуғ Шайхул-имом... ники... 601 (1204) йилда... (вафот этган)».

22. «Ушбу қабр сайидус-содот (сайидлар пешвоси),

мангу саодатли пайғамбар(с) уммати, бурҳон (хужжат)...».

23. «Ушбу қабр Ҳасан ибн Абул...».

24. «(Ушбу қабр) такводор имомлар тожи, олимлар узуги, Аллоҳи таоло каломи (Қуръон)нинг ҳофизи Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад...».

25. «(Ушбу қабр)... Абул Муғзий... вафоти... унга ҳасанотлар бўлсин... 7-кечаси...».

26. «Ушбу қабр улуғ Шайхул-имом Абул Борий... Шаҳобиддин ислом ва мусулмонлар жамоли, дин хужжати, фақир ва воизлар зийнати, тафсирчилар тожи...».

27. «(Ушбу қабр)... 543(1148) йили шаъбон ойининг 2-сида вафот этди».

28. Яқинда, Имом ал-Мотуридий мақбараларига туташ ердан топганимиз яна бир қабртошда ёзилган:

“Аш-Шайхул-Имом ал-ажал ал-фақиҳ аз-зоҳид Асъад(Саъд) ибн Абдужаббор ал-Ҳуммоми ғафаруллоҳи туфия фи сана хамса ва ишрина хамсамия” (Бузург шайхул-имом, фақиҳ ва зоҳид Асъад ибн Абдужаббор ал-Ҳуммоми, Аллоҳ уни мағфират этсин; 525(1131) санада вафот этди).

29. Гиждувон кўчаси ¹ 10 уйда мавжуд бир метрдан кичикроқ мармар қабртошда ёзилган: “Ҳаза қабр ал-марҳум (Ҳумон)бек бин Аҳмад бин Хожа Абдулло ас-Самарқандий, фи торихи 5 муҳаррам, сана 812”. (Ушбу қабр марҳум Ҳумонбек ибн Аҳмад ибн Хожа Абдулло Самарқандийникидир, вафоти 812 (1409) йилнинг 5 муҳаррамида). Бу қабртош темурийлар даврига оид чикаётир ва Гўри Амирдаги темурийлар хонадонидаги мармар қабртошларни ҳисобга олмаганда, XIV аср

бошларига тегишли камдан-кам учрайдиган мрамар тош ҳисобланади.

30. Таасуфлар бўлсинким, тадқиқотимизнинг маркази бўлмиш буюк аллома ва аҳли суннат раиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг қабртошлари топилмади. Қайроқ қабртош мавжуд бўлган, аммо фикримизча, уни хорижий «илм соҳиблари» қимматбаҳо совға сифатида шахсий коллекциясига олиб кетган бўлиши мумкин. Аммо, шундай бўлсада қадимий манбаларда Имом Мотирдийнинг қабртоши ёзуви сақланиб қолган бўлиб, ёзувлар муаллифи алломанинг ҳамсабақ шогирди Имом Абул Қосим ал-Ҳаким бўлган: «(Ушбу) нафаслари миқдоридаги илмларни ўзида жамъ этган, бор кучларини шу илмларни тарқатиш ва ўрганиш билан тугатган, шунинг учун ёзган асарлари мақтовларга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил меваларни олишга эришган зотнинг қабридир» (*ёзувлар У. Уватов мақоласида эълон этилган*).

Кези келганда, шу ерда таъкидлаб ўтиш жоизким, буюк Имомнинг юқоридаги зурриёт-набираларидан ташқари “Салоти Масъудий” асарида (каминада ушбу асарнинг уч форсий кўлөзма нусхаси мавжуд) Қози Жамол ал-Мотуридий, Қози Абу Муҳсин ал-Мотуридий исмлари, шу билан бирга Қози Али ибн Ҳасан Мотуридий-Ансорий (511/1117й. ваф.) ва ан-Насафий-Мотуридий каби яна икки набиралари келтирилган. Аҳамиятлиси шулким, бу асарда уларни “Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг набираларидир”, - деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, Чокардиза қабристони бутун ислом олами миқёсидаги мукаддас маскандир. Бу ерда

неча асрлар давомида минглаб аллома ва Имомлар, зоҳид ва обидлар, мужтаҳид ва ғозийлар дафн этилган (келгусида қабристондаги барча қайроқларни мукаммал тадқиқ этиб китоб чоп этиш ниятидамиз). “Китабул-ансоб”, “Қандия” ва “Самария” каби муҳим тарихий манбаларнинг дарак беришларича, ҳижрий 536 йил 5-сафар ойида (милодий 1141 йил 9 сентябрда) салжуқий Султон Санжар ва қорахоний Маҳмудларнинг бирлашган мусулмон ҳарбий кучларига қарши уруш очган ғайридин Қорахитойлар ўрталарида Дашти Қатувонда (Самарқанд яқинида) юз берган жангда 100 минг (Бартольднинг фикрича, 30 минг) мусулмонлар шаҳид этилган эди. Ан-Насафийнинг маълумотларига қараганда, ҳозирги Булунғурга яқин Дашти Қатувондаги бу жангда қурбон бўлган ғозийларнинг бир қисми Самарқанднинг Чокардиза қабристониди келтирилиб, кўмилган экан. Шунинг учун ҳам, кўпгина тарихий манбаларда, “Чокардизада минглаб ғозийлар, эътиқодчиларнинг тупроқлари бор”, - деб ёзилиши бежиз эмас.

XIX аср ўрталарида, “ғайри мусулмон ва аҳли китоб бўлган кичик халқ”ни (яъни, бир гуруҳ Бухоро яҳудийларини) Амир Насрулло (1826-1860 йиллар ҳукм сурган) даврида Бухородан Самарқандга кўчиришиб, Чокардиза қабристони яқинидан ер сотиб олишга рухсат беришади ва бу ҳақда ҳужжат ҳам беришади. Амир Насрулло ва ўша давр қозикалону шайхулисломлари муҳри билан тасдиқланган бу ҳужжат ҳозирга қадар музей қўриқхона архивида сақланаётир.

XX асрга (1925 йилга) келиб, эътиқодсиз шўро тузуми даврида, Чокардизада мусулмонларни

кўмишлар ман этилади. Балким, келажак учун бу тарихий зиёратгоҳни асраш учун дерсиз?! Йўқ, асло! Буюк қабристонни йўқотиб, маҳаллий мусулмонлар онгидан буюк тарихини, буюк алломалари хотирасини чиқариб ташлаш учун қилинган эди бу ишлар. XX аср ўрталарига келиб, қабристон яксон этилиб, ер билан текисланди ва буюк Имомлар қабрлари устидан уйлар, ҳайвонлар боқиладиган оғилхоналар ва ҳоказолар қурилади бошланди, алломалар қабртошлари уй тағпахсаларига ишлатилди. Нафақат ислом тарихида, ҳатто дунё тарихида бундан жирканчроқ ҳодиса бўлмаган бўлса керак. Бу ишларнинг асосий сабабчиси, шак-шубҳасиз, шўроларнинг эътиқодсиз тузуми эди.

Шукрлар бўлсинким, мустақиллигимиз туфайли буюк Имомларимиз қабржойлари аниқлаётимиз, оромгоҳлари обод этилмоқда. Лекин, муқаддас қабристон устидан шунчалик кўп уйлар қурилганким, уларни бирдан кўчириб, қабристонни тиклашни ҳеч иложи йўқдир. Албатта, бу иш вақт ва, энг асосийси жуда катта маблағ талаб этади. Аллоҳга шукурлар бўлсинки, юртимиз мустақилликка эришгач, бу иш ижобий ҳал этилмоқда. Алломалар охиратгоҳи бўлмиш буюк Чокардиза қабристони қайтадан тикланмоқда, обод этилмоқда ва барча мусулмонлар учун муқаддас зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Барча буюкларимизни Аллоҳ Ўзи раҳматига сазовор этсин. Омин!

*Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи
ва баракотух!*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммад Доро Шукуҳ. “Сафинатул-авлиё”(м.ш.к.).
2. Шаҳобиддин Маржоний. “Мустафодул-ахбор”. 1885. Қозон (м.ш.к.).
3. Хожа Муҳаммад Порсо. “Фаслул - хитоб ба васлул-аҳбоб”(м.ш.к.).
4. Али ибн Муҳаммад ал-Фаҳри. “Китаби талхисул - баён фи зикри фарақи аҳлул адён” (м.ш.к.).
5. Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Табарий. “Торихи Табарий” (м.ш.к.).
6. “Қомусул - аълом” 1896 й. Истанбул. (м.ш.к.).
7. Мақсуд ибн Носриддин Хусайн Бухорий “Равойихул-қудс”(м.ш.к.).
8. Мирхонд - Хондамир. “Равзатус - сафо”. 1885. Лакхнав. (м.ш.к.).
9. Ҳофиз Таниш. “Шарафномаи Шоҳий (Абдуллонома)”. (м.ш.к.).
10. Абу Тоҳирхожа. “Самария” кўлёмаси ва “Камалак” нашри (1991 й).
11. Самъоний. “Китобул-ансоб”. 1996. “Фан”, Т. (Ш.Камолиддинов таҳрири)
12. Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Дўҳание веков. Труді СамГУ. 1970 С.
13. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. 1994. “Ўқитувчи”. Тошкент.
14. Уватов У. “Донолардан сабоқлар”. 1994 й. А.Қодирий нашри.
15. Муҳаммад Нури Османов. Шелковий путї. Алїманах-1. 1990. “Ирфон” Д.
16. Додхудоева Л. “Эпиграфические памятники

- Самарканд”. Т-1. 1990. “Даниш”. Душанбе.
17. Абу Мансур Саолибий. “Латифатул - маъориф”. (И.Абдуллаев тахрири). 1995. А.Қодирий. Тошкент.
 18. Бартольд. “Сочинение”. Том I-II. Часті I.
 19. Гафуров Б. “Таджики”. 1989 й. Т-1. “Ирфон”, Душанбе.
 20. Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. 1989. “Юлдузча”. Тошкент.
 21. “Қандия”. Сўғдиён. 1994. Самарқанд (К.Каттаев тахририда).
 22. Мухаммад Фиёсуддин. “Фиёсул - луғот”. 1987 й. “Адиб”. Душанбе.
 23. Фақих Масъуд “Салоти Масъудий”. (м.ш.к.)
 24. Негматов Н. “Давлати сомониён”. 1989 й. А.Қодирий. Тошкент.
 25. Қориев О. Буюк сиймолар, алломалар. 1995. А.Қодирий. Т.85-88 бет.
 26. Акидаи исломия. 1991. “Сўғдиён”. Самарқанд. (К.Каттаев тахрири).
 27. Абу Мансур Мотуридий. Тавҳид. 1994. Истамбул.(Фатхулло Хулайф).
 28. К.Каттаев “Махдуми Аъзам ва Дахбед тарихи”. 1994. “Сўғдиён”. С.
 29. “Том илми ҳол”. 1995 й. Истамбул. “Ихлос”. Гумуш.
 30. “Ислом” (равия, мазҳаб, фирқа). 1995. “Ирфон”. Душанбе.
 31. “Фатухоти исломия”. Тошкент. 1996 й.
 32. К.Каттаев. “Самарқанднинг буюк алломалари”. 1998. “Зарафшон”, С.
 33. К.Каттаев. “Қусам ибн Аббос”. “Мерос”

газетаси. 1991й август сони.

34. К.Каттаев. Имом Бухорий вақфномаси. “Зарафшон” газета. 21.10.93.

35. К.Каттаев. Мароқанд ё Самарқанд. “Овози Самарқанд” газета. 12.06.92.

36. К.Каттаев. Ҳадис илми амирал-муъмини. “Мерос” газета. 1995й. июл.

37. К.Каттаев. Самарқанд мадрасалари та-рихи. “Мерос” газета 1996й. май

38. К.Каттаев. Абу Мансур Мотуридий. “Зарафшон” газета. 14-16.03.97й.

39. К.Каттаев. Имом Бурҳониддин Марғи-ноний. “Зарафшон” газ. 18.04.97.

40. К.Каттаев. Имом Дорамий ас-Самар-қандий. “Зарафшон” газет 18.04.98.

41. К.Каттаев. Абул Қосим ас-Самарқандий. “Зарафшон” газета. 27.08.98.

42. Хусайнкулихон Азимободи. Наштари ишқ. Дониш. Душанбе, 1981.

РЕЗЮМЕ

ИЗ СБОРНИКА «МАТЕРИАЛОВ
МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«ИМАМ АЛ-МОТУРИДИ И ЕГО МЕСТО В
ИСЛАМСКОЙ ФИЛОСОФИИ»
ИЗДАННЫЙ ПРАВИТЕЛЬСТВОМ РУЗ И
ПОСВЯЩЕННЫЙ 1130 ЛЕТИЮ ИМАМА
АЛ-МАТУРИДИ

ТАШКЕНТ. 2000. ФАН.¹⁹

(НА УЗБ., РУССК. И АНГ. ЯЗЫКАХ)

(УЗБЕКСКО:10-13 СТР; АНГЛИЙСКО:76-78 СТР;
РУССКО:129-132 СТРАНИЦЫ)

«ИССЛЕДОВАНИЕ СВЯТЫНИ ЧОКАРДИЗА»
(129-132 СТР.)

Известный учёный-историк, поэт и талантливый полководец Захириддин Мухаммад Бабур Мирзо в своем произведении "Бабур-наме" о тех исторических реалиях замечательно сказал так: "Со времени его светлости Пророка(а) в Мавераннахре находилось такое множество имамов ислама, сколько не было ни в одном вилайате мира". И действительно, наш благодатный край дал миру столь великих, способных и добродетельных ученых, что этот исторический факт ныне в один голос подтверждает весь научный и прогрессивный мир. Наш край, как родина ученых, после священных Медины и Палестины занимает

¹⁹ Книга-сборник издана Правительством Узбекистана в 2000 году в издательстве «ФАН».

третье место в исламском мире благодаря месту паломничества святых в Самарканде.

В таком авторитетном первоисточнике, как "Кандия" (авт. Имам Насафи, 1994 г.), издание которого осуществлено в переводе **Комилхон Каттаева**, приведено следкующее: "Согласно преданию, после святыни Бакия в Медине и гробницы в Мекке более святого места, чем Чокардиза в Самаркандской области, в мире нет".

В самом деле, святыня Чокардиза имеет для ислама, науки и культуры большое историческое значение, однако, к сожалению, за последние 70 лет несколько позабылась история наших великих ученых, места из захоронений сравнивались с землей, поверх которых стали воздвигаться различные сооружения.

Только за последние годы, после обретения Узбекистаном независимости, ожил интерес к истории святыни Чокардиза, где покоятся мощи наших великих предков. Особую значимость в этом плане имеют исследования, в частности **Комилхона Каттаева** - сотрудника Самаркандского отделения Академии Наук Республики Узбекистана. Так, его работа, опубликованная в 1992 г., считается на сегодняшний день одним из важнейших источников по изучению основных принципов и положений учения Имама Мотуриди.

Перевод, осуществленный этим автором (**К.Каттаевым**), произведения известного ученого Имама ан-Насафи "Кандия" на узбекский язык в 1994 г. (и на русский язык в 2007 г.), а также его труд под названием "Великие ученые Самарканда" (1998

г.) внесли большой вклад в дело освещения истории жизнедеятельности Имама Мотуриди и одной из главнейших святынь в мире- места полонничества людей Чокардиза. На основе обращения **Комилхона Каттаева** в 1993-1994гг. в хокимият г. Самарканда была создана специальная комиссия по проведению мероприятий, связанных с установлением места захоронения Имама Мотуриди и проведением научной конференции.

Как отмечает автор произведения "Великие ученые Самарканда" (**К.Каттаев**), за древними стенами города на территории старинного городища располагалась кладбище Чокардиза. Чокардиза от согдийского "чокар" - "ополченец" и "диза" - "крепость" существовала еще до возникновения ислама. Эта местность обрела свое существование еще в конце IX-начале X в. Первоначально это был сад известного самаркандского знатока фикха Абу Исхак ибн Ибрахим Саммоси и местом пребывания охранников городских стен и ворот, в результате чего эта местность и получила наименование Чокардиза.

В "Кандии" говорится, что после смерти владельца сада он был погребен на этом же месте, что и явилось первым местом захоронения. Вслед за этим, хозяином сада стал известный знаток фикха Абу Лайс Самарканди (ум. в 985г.). Это обстоятельство свидетельствует о том, что Абу Лайс Самарканди был одним из потомков прежнего владельца сада. После захоронения здесь известного религиозного деятеля Имама Абу Мансура Мотуриди (ум. в 944г.) и ученого-физика Имама Абул Касыма Самарканди

(ум. в 953г.) значимость этой местности весьма возросла и в исторических первоисточниках она стала указываться как место поклонения людей. В 985г. умер второй владетель сада (Абу Лайс ас-Самарканди), который также был захоронен здесь.

Таким образом, как отмечается в произведении "Великие ученые Самарканда", большую важность в превращении этой местности в святилище имело захоронение здесь помимо первого хозяина сада таких трех известных личностей, как Мотуриди, Абул Касым Самарканди и Абу Лайс Самарканди.

Одна из причин превращения сада в кладбище была связана с просьбой Имама Мотуриди и Имама Абул Касыма, о чем в книге "Кандия" говорится так: "Шейх Абу Мансур Мотуриди и шейх Абул Касым Самарканди выразили пожелание, чтобы их после смерти похоронили на кладбище Чокардиза с тем, чтобы они могли пользоваться покровительством Хазрата Ходжа Абду Даруна, чтобы не были обделены его вниманием, ибо при жизни он говорил так: "Расстояние в половину фарсаха вокруг места нашего упокоения будет находиться под нашим покровительством" ("Кандия", Самарканд, 1994. С. 23-24/Перев. и иссл. К.Каттаева).

По-видимому, с середины X в. (т.е. начиная с момента захоронения первых ученых) до начала XI столетия в Чокардизе отмечалось мало новых могил. Как следует из вышеуказанного произведения, основные захоронения здесь начались в V в.х. (XI в.н.э.). Помимо уже упомянутых ученых, здесь впоследствии были погребены Имам Маргинани (ум. в 1197 г.). Имам

ал-Кинди (ум. в 1049 г.), Имам Идриси (ум. в 1015 г.), Имам Насафи (ум. в 1142 г.) и др. Эти ученые, обретшие покой на этом кладбище, считаются самыми известными имамами.

Посередине кладбища в пяти шагах от места захоронения Имама Мотуриди была сооружена мечеть, которая из века в век подвергалась реставрации и потому сохранилась до наших дней. К 1925г., в годы правления советов, Чокардиза была закрыта в качестве места паломничества мусульман. По прошествии некоторого времени власти с целью отлучить людей от веры и оторвать их от многовековых традиций стали реализовывать свой план, сровняв с землей это священное место и мечеть, а также разрешив вести здесь строительство. Столь мерзкое, отвратительное событие очевидно не имело до этого места не только в истории ислама, но и в истории мира. Основной виновник столь гнусного поступка несомненно тот существовавший тоталитарный строй советов. Но, слава Аллаху, после обретения независимости уже возрождается прежнее богатое наследие, изучается историческое прошлое.

Еще в те времена, когда имя Имама Мотуриди еще не было столь широко известно, 20-30 лет тому назад (т.е. 60-70-е годы XX столетия), историк-источниковед, старший научный сотрудник Самаркандского отделения Академии Наук РУз **К.Каттаев** в сопровождении своих отца и деда — истинных знатоков исламской святыни Чокардиза, обошел кладбище вдоль и поперек. Изучая местность, он находил места захоронений и погребальные камни,

на основе чего и проводит свои исследования.

Замечательный гид кладбища Чокардиза **Комилхон Каттаев** сам родился и вырос на древней исторической улице Кази Калон, а его предки также захоронены на этом кладбище. Вот почему его заинтересовала история погребения здесь людей. Благодаря научно-исследовательским работам, проводимым на кладбище **Комилхон Каттаевым** вместе со своими учениками, стало известно место погребения Имама Мотуриди. Нашелся и погребельный камень на месте захоронения ученого-физика Имама Абул Касыма Хакима Самарканди, письма на котором подверглись их тщательному анализу.

Ныне установлены также места погребений наставника Имама Бухари Имама Дорами в Тайлаке; наставника Имама Мотуриди Абул Фазл Балхи и ученика Имама Мотуриди Имама Растугфани в Иштиханском районе; наставника Имама Маргинани Имама Али Сугдий в Акдарьинском районе. Сегодня эти святые места благоустраиваются и озеленяются.

В честь юбилейной даты великого ученого Имама Мотуриди **К.Каттаевым** подготовлен сборник научных трудов.

Накануне 1130-летнего юбилея Имама Мотуриди на кладбище Чокардиза ведутся археологические изыскания и работы по прочтению надписей на надгробных камнях, активное участие в которых принимает и **К.Каттаев**. Основные итоги и обобщенные результаты исследований планируется в ближайшее время опубликовать в печати.

SUMMARY

“TRANSACTIONS OF THE INTERNATIONAL CONFERENCE IMAM AL-MOTURIDI AND HIS PLACE IN THE ISLAMIC PHILOSOPHY” SAMARKAND 2000. “FAN”.

“THE STUDIES OF CHOKARDIZA”

The famous historian, poet and talented military leader Zahriddin Muhammad Bobur Mirzo wrote the following in his “Baburnama”. “From the time of Blessed Risalat so many Imams of Islam appeared in Muvarounnahr, there have never appeared so many imams in the world”.

*Indeed, our sacred land gave the most knowledgeable and the most talented scientists to the scientific world and this historical truth was accepted by the whole people of science and enlightenment. As our motherland, where famous scientists were born, is considered to be the next sacred place after Mecca and Palastine so Samarkand in term of sacred cemeteries is considered to be in the third place in the Islamic world. In one of the most important books “Qandiya” by Imam An Nasafi, published in “Sughdiyana” publishing house and translated by **Kamilkhan Kattaev**, says the following: “They say that there is no bigger cemetery than Boqiya in Madina, and Mecca and Chokardiza in Samarkand territory”. Many famous people of the Islamic world were buried there and as “Samariya” says the Padishahs do consider the soil of that land to be sacred”.*

Chokardiza Cemetery plays an important role in

the history of Islamic religion, science and culture. Unfortunately, during 70 years the the history of our scientists was forgotten, and their tombs were destroyed and many bouses were built on them.

Over the past years particularli after gaining independence the interest to the history of the scientists, who were buried in Chokardiza has considerably increased, researshes done in this field by **Kamilkhan Kattaev**, the senior scientific worker of the Samarkand branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, are of great practical value.

Including "Aqidayi Islomiya" bu Imam Moturidi which was published on the basis of this source, researcher based on Moturidi's belicfs in 1992 and it is consedered to be the earliest published sources.

The "Qandiya" by Imam An Nasafi which was translated into uzbek and "The Great Scholar of Samarkand" which was published in 1998 by this author were the earliest sources to investigate Imam Moturidi and Chokardiza cemetary.

There was organized a special commission at the municipal khakumyat on the location of Imam Moturidi's burial place and holding a conference in 1993-94. It who done on **Kamilkhan Kattaev's** initiative and on the basis of his address to the Samarkand Municipal Mayoralty.

According to the author's assertion in "The Great Scholar of Samarkand" there was a district which had the name of "Chokardiza" not far from the ancient walls of Samarkand and it had a fortress there. The word "qal'a in old sughd was called Chokardiza" and had existed till the Islamic period. The Chokardiza district was a garden

of the famous scholar of the Islamic laws, *Abu Iskhak ibn Ibragim ibn Sammosi* late in the IX century and early in the Xth century. Since it was very close to "Chokardiza" fortress where the guardmen watched the gates, it started to be called so.

According to the manuscripts, after the owner of the garden died he was buried in his garden and he was the first person to be buried there. Later, the garden became *Imam Abu Lays as-Samarkandi's*, the famous scholar of Islamic laws. It means that the next owner of the garden, *Abu Lays as-Samarkandi* was the grandson of the former owner of the garden. After *Imam Abu Mansur al-Moturidi*, the founder of oratory and *Imam Abul Kasim Samarkandi* were buried in this garden, the district became famous and it was referred to as a "Chokardiza" cemetery in the historical sources.

After *Imam Abu Lays Samarkandi*, the second owner of the garden, died, he was also buried in this cemetery.

Imam Moturidi Abul Kasib wanted to be buried in Chokardiza cemetery so that they enjoyed the Blessed *Khoja Abdu Darun's* presence. Since the Blessed *Abdu Darun* once said: "We enlight the tombs which are four kilometres and not far from us".

A few people were buried in Chokardiza from the mid of the Xth century to the early XIth century. Besides the abovementioned scholars *Imam Marginani*, *Imam al-Kindi*, *Imam Idrisi*, *Imam Nasafi*, scholar *Suzani* were buried there.

These scholars are considered to be the famous *Imam* who were buried in Chokardiza cemetery.

There was a mosque in five steps from *Imam Moturidi's*

tomb in the middle of the cemetery. This mosque had a decoration and so was preserved till XX th century. But in 1925 during the atheistic Soviets it was forbidden to bury people in Chokardiza cemetery. Later, in order to deprive our people of their religion and values, the Soviets fulfilled their plan. They let them build houses on the destroyed cemetery and mosque. There is no such vile act not only in the history of Islam but also in world history.

Thank GOD, owing to our independence the values of our great Imams are being restored and their history is being studied.

While the great Imam Moturidi's name was not familiar with many people, i.e. 20-30 years ago **Kamilkhan Kattaev**, the senior research worker historian and manuscriptspecialist and scholar of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, walked around Chokardiza cemetery with his father and grand father who knew everything about the old cemetery.

Kamilkhan Kattaev, who was born in Qozi Kalon Street which led to Chokardiza cemetery in Samarkand was buried in Chokardiza cemetery. That is why the scholar is interested in this cemetery.

The scholar with his follower did scientific research and found out Imam Moturidi's burial place. The founder of physics Imam Abul Kasim al-Hakimi Samarkandi's tomb was found and the inscription were read.

Imam Dorami, who was Imam Bukhari's teacher, was found in Tailak; the tomb of Imam Marginani's teachers Imam Ali Shughdi was found in the territory of Akdarya district. These places of piligrimage have been improved and trees and shrubs are being planted.

*On the eve of the preparation for the 1130th anniversary conference of Imam Moturidi **Kamilkhan Kattaev** is taking an active part in the excavations of "Chokardiza" cemetery as well as in studying the tombs.*

The results of research are planned to be published in the press.

**ИМОМ АЛ-МОТУРИДИЙНИНГ
1130 ЙИЛЛИК ХАЛҚАРО АНЖУМАНИГА
БАҒИШЛАБ ЎЗР ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН
ЧОП ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
ТЎПЛАМ-КИТОБИДАН**

“ЧОКАРДИЗА ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(10-13 бетлар):

*“...Охирги йилларда, айниқса, мустақиллигимиз қўлга киритилган даврларда, Чокардиза қаърида ётган алломалар тарихига қизиқиши кучайди. Шу ўринда олимларимиздан ЎЗР ФА Самарқанд бўлими катта илмий ходими **Комилхон Каттаев**нинг бу борадаги тадқиқотлари катта илмий-амалий аҳамият касб этади. Жумладан, манбаишунос тадқиқотчи томонидан 1992 йилда Имом Мотуридий ақидалари асосида чоп этирилган “Ақидаи исломия” китобчаси Имом Мотуридий ақидалари тўпланган ва чоп этирилган илк манба ҳисобланади.*

*Муаллиф (**К.Каттаев**)нинг каломишунос аллома Имом ан-Насафийнинг ўзбек тилига ўгириб 1994 йилда чоп этирган “Қандия” китоби ва 1998 йил чоп этирилган “Самарқанднинг буюк алломалари” китоби Имом Мотуридий ва Чокардиза қабристон тарихларини ёритишдаги илк тадқиқотлардан деб эътироф этилган. 1993-94 йилларда **Комилхон Каттаев**нинг Самарқанд шаҳар ҳокимиятига ёзган Мурожаатномаси асосида ўша йили Имом Мотуридий қабрини аниқлаш ва илмий анжуманларини ўтказиш борасида шаҳар ҳокимияти*

қошида илк махсус Комиссия тузилиб, дастлабки тадбирлар кўрилиб чиқилган эди...

Буюк Имом Мотуридийнинг номлари ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган вақтларда, яъни бундан 20-30 йиллар олдин тарихчи-манбашунос олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлими катта илмий ходими **Комилхон Каттаев** ёшлик даврларидан Чокардиза қабристонининг қадимий билимлар соҳиби бўлмиш отаси ҳамда бобоси ҳамроҳлигида кезиб чиққан. Самарқанддаги Чокардиза қабристонига олиб борувчи қадимий Қози Калон кўчасида тузилиб ўсган **Комилхон Каттаев**нинг охирги уч асрдан бери Самарқанд Қози Калонлари бўлиб ишлаб келган она томон бобокалонлари ҳам Чокардиза қабристонига дафн этилганлар. Шу жиҳатдан ҳам ушбу қабристонда кўмилганлар тарихи уни қизиктириб келмоқда. Олимнинг олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида Имом Мотуридийнинг қабржойлари аниқланди; Илми ҳикмат асосчиси Имом Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандийнинг қабртошлари топилиб, ёзувлари таҳлил қилинди; Имом Бухорийнинг устозлари бўлмиш Имом Дорамийнинг Тайлоқдаги қабржойлари аниқланди; Имом Мотуридийнинг устозлари бўлмиш Абул Фазл Балхийнинг Самарқанддаги қабржойлари аниқланди; Имом Мотуридийнинг шогирдларидан бўлмиш Имом Растуғфонийнинг Иштихон туманидаги қабржойлари аниқланди; Имом Марғинонийнинг устозлари бўлмиш Имом Али Суғдийнинг Оқдарё туманидаги қабржойлари ҳам **Комилхон Каттаев** томонидан аниқланиб, бугунги кунда ушбу зиёратгоҳларнинг барчаларида ободонлаштириши ва кўкаламзорлаштириши ишлари олиб борилмоқда”.

МУНДАРИЖА

Саъю ҳаракатлар муқаддимаси.....	5
I-БОБ	
Имом Абу Мансур ал-Мотуридий фаолияти ва салафлари.....	14
Имом Мотуридийнинг шогирдлари ва издошлари.....	21
Илми Калом ва Мотуридия равияси таълимоти.....	23
Муътазилийларнинг асосий иддаолари.....	35
Қуръон махлуқми ё ғайри махлуқ?.....	37
Мотуридий ва Ашъарий шахсиятларига назар.....	44
Мотуридия ва Ашъария равияларида услуб бирлиги.....	50
Имом Мотуридий асарлари.....	56
Имом Мотуридий ҳақида ривоятлар.....	58
II-БОБ	
Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий.....	64
III-БОБ	
Имом Абул Ҳасан ар-Растуғфоний.....	78
IV-БОБ	
Имом Абу Лайс Самарқандий.....	91
V-БОБ	
Имом Абул Муъин Насафий.....	105
VI-БОБ	
Чокардиза қабристони.....	113
Фойдаланилган адабиётлар.....	130
Резюме.....	133
Summary.....	139

ҚАЙДЛАР УЧУН

Илмий-оммабон нашр

Комилхон КАТТАЕВ

**КАЛОМ ИЛМИ ВА МОТУРИДИЯ
РАВИАСИ АЛЛОМАЛАРИ**

*(Имом Абулқосим ал-Ҳаким ва
Имом Растузфоний)*

Масъул муҳаррир:

Алишер НАЗАР

Муҳаррир:

Йигитали Маҳмудов

Техник муҳаррир:

Ёқуб УМАР

Мусахҳих:

Зулхумор Нарзуллаева

Нашр лицензияси № АІ 293, 23.02.2017

Босишга рухсат этилди 05.12.2018. Қоғоз бичими 84x108^{1/32}.
Cambria гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 9.25.
Адади 500 нусха. Буюртма №46. Баҳоси шартнома асосида.

"QAQNUS MEDIA" нашриёти

Тошкент шаҳри, Кўх ота кўчаси, 33-уй,

Тел. (99890)3479600

«QAQNUS SOFTWARE» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Юнусов кўчаси, 3-уй.

e-mail: qaqnussoft@gmail.com

